





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
Х. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ
РЕСПУБЛИКА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ МАРКАЗИ


ЎЗБЕКИСТОН СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ



Хуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий

ЖУРНАЛ

2022 №2(5)



Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 апрелдаги 315/5-сон қарори билан “Ўзбекистон суд-экспертизаси” илмий журнали юридик ва сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

МУНДАРИЖА

Нуритдинов Ж.М. Суд экспертизаси: ислоҳотлар ва ўзгаришлар.....	2
Халилов А.У Суд экспертиза институтуни таомиллаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги	8
Давронов А.Р. Тактика производства следственных действий при расследовании киберпреступлений.....	20
Ataniyazov D.Sh. Sud-kompyuter texnikaviy eksperimentasining imkoniyatlari	27
Sobirov F.B., Solieva N.A. O'zbekiston Respublikasida xatshunoslik ekspertizasining zamonaviy holati	32
Najmidinova N.Y. "Shaxsni obro'sizlantirish" mazmuni matnlarda lingvistik ekspertiza o'tkazishning kriminolingvistik asoslari	36
Samadova F.Z. Korruptsiyaga oid ishlarni ochishda maxsus kukunlar ekspertizasidan foydalanishning ahamiyati	41
Халилова Н.Ш., Абдуллаева М.У., Ташпулатов А.Ю., Олимов Н.К., Разработка методики экспертного исследования малых количеств мефедрона с помощью методов газовой хроматографии с масс-спектрометрическим детектором и ик-спектрофотометрии.....	46
Ахмедова Р.К. Пак Э.В Современные возможности криминалистической экспертизы лакокрасочных материалов и покрытий	53
Махкамов М.З., Ромаданова Т.А. Особенности идентификационной маркировки автомобилей марки BMW ..	60
Хамраева Ф.А. К вопросу об установлении экспертными методами факта движения или неподвижности пешехода в момент наезда	64
Кудратов С. М. Жиной процессса эксперт ва мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми	69
Muxammedjanova M.M. Kompleks ekspertizalar haqida ayrim fikrlari	74
G'ofurjonov A.X. Ekspert xulosasini baholash va undan foydalanish masalalari	81
Сайтова Н.С Бахтиёрова С.Б. Одам молекуляр генетик идентификацияси жарабёнида учрайдиган айрим артифактларнинг таҳдили. DYF387S1 локусидаги триплет ходисасининг учраши мисолида	87
Maxmudov R.M., Qoraboyev A.A., O'zbekiston Respublikasining konstitutsiyasi fundamental qonun sifatida	92
Kuchkarov X. Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda tashkiliy-huquqiy muammolar	95
Allanazarova X.A. Yangi O'zbekistonning shakllanishida sud hokimiyatining tutgan o'rni	100
Niyazmetov A.N. Movarounnahr faqihlarining Islom huquqshunosligi taraqqiyotiga qo'shgan hissasi	105
Шакаров Ў.Б. Бошқарувда мафкура тамоилиларнинг ўрни	109
Колқанов Н.Т. Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичида инсон қадрини улуғлаш берасидаги ислоҳотлар	114
Фарманов З.Н. Референдумнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти	118
Суд экспертлик фаoliyatidagi сўнгти ислоҳотлар	123

Муассис:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази

Бош муҳаррир:

Акрам ХАЛИЛОВ

Бош муҳаррир ўринbosари:

Учкун УЗАКОВ

Масъул котиб:

Нуридин ҚОЛҚАНОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам МУҲАММАДИЕВ

Акбар ТАШКУЛОВ

Жамшидхон НУРИТДИНОВ

Истам АСТАНОВ

Нарзулла ЖЎРАЕВ

Одил МУСАЕВ

Эшмуҳамад КАДИРОВ

Шуҳрат РАҲМАНОВ

Толибжон ОРЗИЕВ

Сайдиллаҳоджа САИДХОДЖАЕВ

Ўқтам ШАКАРОВ

Нилуфар ХАЛИЛОВА

Надежда КОРАБЛЁВА

Масъул муҳаррир:

Хусан НИШОНОВ

Дизайнер:

Фахриддин РАҲИМОВ

Саҳифаловчи:

Малоҳат ТОШОВА

“Ўзбекистон суд экспертизаси” ҳуқуқий,

ижтимоий, илмий-амалий журнали

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига 2021 йил 4 июнда 1185-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

100105, Тошкент шаҳри, Миробод тумани
Фарғона йўли кўчаси.

Телефонлар:

(71) 209 11 55 (153 ички), (93) 171 37 74

web-site: www.sudex.uz

e-mail: info@sudex.uz

facebook.com/sudex.uz

telegram.me/sudex.uz

Журнал 05.08.2022 йилда босмахонага топширилди.

Коғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида босилди.

Шартли 6,75 босма табок. Буюртма № 001. Адади 100.

“Reliable Print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Күшбеги кўчаси, 6-уй.



**НУРИТДИНОВ Жамишидхон
Мамутхонович,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
Юридик таълим ва суд экспертиза
бошқармаси бошлиги**

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАР

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида суд экспертизаси соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, мавжуд бўлган муаммолар таҳлил килиниб, уларнинг ечимига оид асослантирилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: экспертиза, Ўзбекистонда суд-экспертлик фаолияти, илмий-тадқиқот, но давлат суд экспертиза ташкилоти, мутахассис фикри, адвокат.

АННОТАЦИЯ

В статье проводится анализ реформ, проводимых в сфере судебной экспертизы в Республике Узбекистан, существующие проблемы в этой сфере, даются обоснованные предложения и рекомендации по их решению.

Ключевые слова: экспертиза, судебно-экспертная деятельность в Узбекистане, исследование, негосударственная судебно-экспертная организация, заключение эксперта, адвокат.

ANNOTATION

The article analyzes the reforms carried out in the field of forensic examination in the Republic of Uzbekistan, the existing problems in this area, provides reasonable proposals and recommendations for their solution.

Key words: expertise, forensic activities in Uzbekistan, research, non-governmental forensic organization, expert opinion, lawyer.

Амалга оширилаётган ишларнинг кўлами унинг натижадорлиги, қамров даражасига қараб баҳоланади. Бу ҳолатда аввалги ва ҳозирги кун билан натижаларни таққослаш орқали яна ҳам аниқроқ манзара ҳосил қилишимиз мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда соҳани тубдан ислоҳ қилиш мақсадида тегишли фармон ва қарорлар қабул қилинди, конунчиликка жиддий ўзгартиришлар киритилди.

Бугун ҳукукни муҳофаза қилувчи идоралар том маънода ҳалқчил тузилмага айланди. Одамларнинг одил судловга бўлган ишончи ортди. Ҳақиқат излаган минглаб фуқаролар мақсадига эришиди.

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги муҳим чора-тадбирлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бошланиб, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида изчил давом эттирилмоқда. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш доирасида суд-хукуқ тизимининг ажralмас, муҳим бўғинларидан бири – суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш борасида салмокли ислоҳотлар амалга оширилиб, суд экспертилик фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳани замонавий, юқори аниқликдаги таҳлил воситалари билан жиҳозлаш орқали одил судловни таъминлашга алоҳида эътибор қартилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланди. Концепциянинг асосий мақсади ҳалқаро нормалар ва стандартлар талабларини хисобга олган ҳолда, судлар ва ҳукукни муҳофаза қи-

лувчи органларнинг ишончли суд экспертизаси хуросаларига бўлган эҳтиёжини қондириш, суд-экспертлик фаолиятини тизимли такомиллаштириб бориш, барқарор ва илмий талабга жавоб берадиган суд экспертизаси тизимини шакллантириш, суд жараёнларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуклари, қонуний манфаатлари химоясини кучайтириш ҳамда суд экспертилари холислиги, мустақиллигини таъминлашдан иборат.

Концепция бўйича 2021-2023 йилларда амалга ошириладиган ишлар юзасидан “йўл харитаси” тасдиқланди. Унда соҳадаги норматив-хукукий базани такомиллаштириш, суд-экспертлик амалиётини кенгайтириш ҳамда суд экспертизалари сифати ва ишончлилигини ошириш, соҳага оид илмий тадқиқот ишларини кўпайтириш, нодавлат суд экспертизаси институтини ва ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш, соҳанинг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш каби бир катор устувор йўналишлар белгиланди.

Шунингдек, X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази тузилмасида Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш назарда тутилган эди. Бу борада Ҳукуматимизнинг 2021 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 704-сонли карори қабул қилинди Унга кўра, Республика тарихида илк мэротаба X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти фаолияти ташкил этилди.

Институтга суд-экспертлик фаолияти соҳасига замонавий илмий ёндашувларни қўллаш орқали унинг самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини янги босқичга кўтариш, давлат суд-экспертиза мусассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига илмий-услубий жиҳатдан кўмаклашиш, ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг малакали суд экспертиза хуросаларига бўлган эҳтиёжларини доимий равишда ўрганиш орқали суд экспертизасининг янги турлари ҳамда услубиётларини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиш,

ривожланган ахборот технологиялари ва инновацияларни кенг жорий қилиш каби вазифаларни бажариш белгиланди.

Қарорга мувофиқ 2022 йилнинг 5 апрель куни аддия вазирининг “Аддия вазирлиги хузыридаги X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти Идоралараро илмий-услубий кенгаши тўғрисидаги низом ва Идоралараро илмий-услубий кенгаш таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 52-ум-сон буйруғи қабул қилиниб, Кенгашнинг Низоми ва таркиби тасдиқланди.

Бугунги кунда Идоралараро Илмий-услубий кенгаш аъзолари томонидан Суд-экспертиза соҳасидаги мавжуд услубиётлар умумлаштирилиб, инвентаризациядан ўтказилди ҳамда Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти томонидан жорий йилда кўриб чиқилиши лозим бўлган 120 та услубиётлар рўйхати тасдиқланди. Институт томонидан ушбу услубиётларни танқидий кўриб чиқиб, тизимлаштириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Институт қошида суд экспертизаси мутахассислиги бўйича фалсафа докторлиги (PhD) ва фан докторлиги (DSc) унвонларини ёқлаш бўйича алоҳида Кенгаш ташкил қилинди. Бу ўз навбатида ушбу соҳада яна илмий изланишларни ривожланишига бу орқали соҳани янада такомиллаштиришига эришилади.

Яна бир муҳим жиҳат, Фармонга асосан Давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ суд экспертиза тадқиқотларини ўтказиши хукуки берилди. Хукуматнинг тегишли қарори билан 51 хил суд экспертизаси турларини ўз ичига олган Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин бўлган суд экспертизаси турлари бўйича тадқиқотлар рўйхати тасдиқланди. Ушбу тадқиқот натижалари юзасидан мутахассис фикри берилади. Мазкур хукуқ келгусида жисмоний ва юридик шахсларга ўз хукуклари ни суд ва тергов органларида ҳимоя қилишга хизмат қиласи.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 3 август куни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги

ЎРК-786-сон Қонуни қабул қилинди.

Қонунга мувофиқ, адвокатлар касбий фаолиятини амалга ошириш давомида бир қанча хукуqlарга эга бўлди.

Жумладан, иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритилаётганда ишни суд мухокамасига тайёрлаш ҷоғида ёки суд мухокамаси жараёнида давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан шартнома асосида ишонч билдирувчи шахс розилиги билан экспертиза ўтказилишини сўраш, шунингдек, экспертиза хуласаси иш материалларига қўшиб қўйилишини ва суд томонидан ушбу хуласа ишдаги мавжуд далиллар билан биргаликда баҳоланишини талаб қилиш хукуқи шулар жумласидан.

Адвокат томонидан тайинланадиган суд экспертизанинг афзаллиги шундаки, бунда адвокат шахсан ҳал этилиши лозим деб топган саволларни эксперталар олдига қўйиш ва ушбу саволлар асосида хуласа олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса, судда тортишув институти тамойилининг тўлақонли амалга оширилиши орқали одил судловни янада таъминлашга асос бўлиб хизмат қиласи.

Шунингдек, Қонун билан нодавлат суд экспертиза институти фаолиятининг хукукий асослари янада мустаҳкамланди, процессуал қонунчилик хужжатларида нодавлат суд-эксперталарининг суд иш юритувидағи иштироки ҳамда уларнинг ваколатини белгилаш мақсадида Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий суд ишларини юритишида эксперт сифатида нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг эксперти ҳам иштирок этиши, суд ҳамда адвокатлар давлат суд-экспертиза муассасалари билан бир қаторда нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига ҳам экспертизалар тайинлаши мумкинлиги белгиланди.

Бу эса, суд экспертизасини ўтказишида томонлар учун мүкобил суд экспертиза ташкилотларига мурожаат қилиш имкониятини яратиш билан бирга нодавлат суд экспертиза ташкилотлари ҳамда давлат суд-экспертиза муассасалари ўртасидаги соғлом рақобатни шакллантиришига ёрдам беради.

Юқорида қайд этилган Фармонга мувофиқ,

ваколатли органларга суд-экспертлик фаолиятига доир маълумотлар етказиш ва ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлашга мўлжалланган “E-ekspertiza” электрон ахборот тизими жорий этилди.

Ушбу электрон ахборот тизимини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Ишни судга қадар юритишида ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон қарорига мувофиқ) Олий суд, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан интеграция қилиш ишлари ҳозирда амалга оширилмоқда.

Мазкур электрон тизимнинг жорий этилиши натижасида хукуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ва суд экспертиза муассасаларининг ўзаро ҳужжат айланишида ва уни ҳавфсизлигини таъминлашда ижобий ишларга эришилади. Бундан ташқари, суд эксперталари ҳамда суд-тергов органлари ходимларининг иш жараёнини енгиллаштиради, суд экспертизалирини ўтказишга сарфланадиган вақтнинг қисқаришига, соҳада қоғозбозликнинг йўқотилишига эришилади. Пировард натижада эксперт ходимларга янада кўпроқ экспертиза тадқиқотларини олиб боришга ҳамда илмий ишлар билан шуғулланишига имкон яратади.

Шу билан бирга, Фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган концепцияси бўйича 2021–2023 йилларда амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Йўл ҳаритаси”га асосан экспертиза муассасаларида кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, ходимлар томонидан доимий равишда ўз касбий ва илмий салоҳиятини ошириб боришини қўллаб қувватлаш мақсадида илмий даражага эга бўлган кадрлар учун тегишли шарт-шароитлар ва молиявий имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 706-сонли қарори билан Ҳукуматнинг 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Бугунги кунда илмий даражага эга суд экспертиза

пертларига қўшимча ҳақ тўлаш бўйича 2022 йил бюджет харажатлари сметасига ўзгартириш киритилди ва ҳозирги кунда белгиланган тартибда қўшимча ҳақ тўловлари амалга оширилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Йўл ҳарита ижроси асосида давлат суд-экспертиза муассасаларини ISO/IEC 17025 ҳалқаро стандарти талабларига жавоб берадиган бино ва иншоотлар билан таъминлаш чоралари кўриб борилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда суд экспертизаси соҳасида экспертизик ишларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 11-сон қарори билан Марказнинг Самарқанд, Сурхондарё Хоразм ҳамда Фарғона вилоят ҳудудий бўлимларини ҳалқаро ISO/IEC 17025 стандарти талабларига жавоб берадиган бинога жойлаштириш ҳамда уларни маҳсус мебель, компьютерлар, бошқа зарур техника ва инвентарлар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 1 июль куни Марказнинг Самарқанд вилоят бўлими янги биносида илк маротаба Одам ДНКси суд биологик экспертизаси ҳамда Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораториялари ташкил этилди.

Фармонда 2021–2025 йилларда қўшимча 16 та суд-экспертиза турларини жорий этиш вазифаси юклатилди. Мазкур экспертиза турларининг жорий этилиши орқали тадбиркорлар ва фуқароларимизнинг бузилган хукукларини таъминлаш, уларга етказилган зарар миқдорларини аниқ хисоблаш, қонунбузарликни ўз мuddатида очишга яқиндан қўмаклашишга эришилади.

Адлия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарманинг маблағлари “E-ekspertiza” ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида субсидиялар ажратиш, янги экспертиза турларини жорий этиш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ҳар йили камида 10 нафар суд экспертигининг хорижий давлатларда

малака ошириши ва стажировка ўташини йўлга қўйиш учун сарфланади.

Келгусида, Фармонда белгиланган топширик ва вазифаларнинг амалга оширилиши суд экспертлари мустақиллигини янада таъминланиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг суд-экспертиза тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга эришилиши, давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот, экспертилик ишлари янада ривожланиши, соҳа фаолиятига фан ва техника ютуқлари жорий этилиши, суд экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши ва халқаро нормаларга мувофиқлаштирилиши ҳамда суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожланишига замин яратади.

Соҳада амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида экспертиза тадқиқотларини амалга ошириш учун етарлича шароитлар яратилмаган. Бу ўз навбатида аксарият экспертизалар Тошкент шаҳрида ўтказилаётганлиги сабабли, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳамда фуқароларимизга нокулайликлар келтириб чиқармоқда.

Мисол учун, оталикни белгилаш учун мамлакатимизнинг ўзок ҳудудларидан ўртacha олти киши ортиқча харажат қилган ҳолда Марказга келишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, тергов ва суриштирув органлари томонидан экспертиза тайинлашдаги ортиқча оворагарчилик ва экспертиза хulosасини узоқ вақтда олиниши сабабли, тегишли экспертизалар тайинланмасдан далилларни бошқа йўллар билан тўплашга олиб келмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида ўтказилаётган тадқиқотлар учун наъмуналар узоқ масофа-лардан келтирилиши сабабли, яроқсиз ҳолатга келиши мумкин. Бу ҳам ўз навбатида экспертизани муддатларини бир неча бараварга чўзилишига олиб келиб, фуқароларимиз ва экспертиза тайинлаган органларнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлмоқда.

Маълумот учун, ДНК тадқиқотларини ўтказишига биологик материаллар ўз вақтида лабораторияга етказиб келиниши зарур. Акс ҳолда биологик материаллар тадқиқотлар ўтказиши учун яроқсиз ҳолатга келиши мумкин.

Кўшни Қозогистон Республикасида 12 та ДНК тадқиқотларини ўтказишига ихтисослаштирилган лабораториялар мавжуд. Шу билан бирга, бошқа ривожланган давлатлар Республика марказидан бошқа ҳудудлар марказларида ҳам марказдаги шароитларга эга лабораторияларни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Иккинчидан, Давлат суд экспертиза муассасалари томонидан ўзини-ўзи молиялаштиришга доир ишлар етарлича амалга оширилмаяпти. Хусусан, бугунги замон талабларидан келиб чиқкан ҳолда янги пуллик хизматлар кўрсатишга тўлиқ эътибор қаратилмаяпти.

Жумладан, интеллектуал мулк соҳасида ҳам тегишли тадқиқотларни ташкил этишга ҳамда тадбиркорлик субъектларига бой берилган фойдани аниқлашга доир тадқиқотлар турлари йўлга қўйилмаган.

Ваҳоланки, Қозогистон Республикаси Аддия вазирлиги ҳузурида суд экспертиза маркази томонидан суд-тиббий экспертилик фаолиятига доир 32 та пуллик хизматлар йўлга қўйилган бўлиб, мазкур хизматлардан тушадиган маблағлар жами маблағларнинг 80 фоизидан ортигини ташкил қилмоқда.

Учинчидан, Давлат суд экспертиза муассасаларининг янги экспертиза турлари бўйича фаолият юритаётган экспертиларнинг касбий билим ва кўникмаларини доимий равишда ошириб боришлари таъминланмаяпти. Давлат суд экспертиза муассасаси мақомига эга бўлмасада, экспертилик тадқиқотлари билан шуғулланувчи муассасалар ходимларини малака ошириш ишлари йўлга қўйилмаган.

Бинобарин, Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 13 апрелдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган Суд экспертиларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан суд экспертиларининг малакасини лозим даражада оширишлари учун вазирлик ва идоралар масъуллиги белгиланган.

Шу билан бирга, ушбу низом талаблари фақатгина Давлат суд экспертиза муассасалари ходимлари учун тақдим этилмоқда.

Тўртингидан, суд экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш, уларга услубий кўмаклашиш борасида ваколатли орган белгиланмаган.

Бу эса соҳани замон талабларига мос равиша ривожланишига ва нодавлат суд-экспер-

тиза ташкилотлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга ҳамда уларга яқиндан кўмаклашишга тўсқинлик қиласди.

Маълумот тариқасида: Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Беларусь Республикаси Суд-экспертиза давлат қўмитасининг суд-экспертлик фаолияти соҳасидаги мувофиқлаштирувчи орган сифатида ваколатлари қонун хужжатларида белгилаб берилган. Жумладан, суд экспертларининг қасбий этика қоидалари, бинолари ва ускуналарига қўйиладиган талаблар, меъёрлар, улар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ бошқа ваколатлар қонун хужжатларида қайд этилган.

Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида қуидагилар таклиф этилади:

1) Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар адлия вазирлари йиғилиши кун тартибига киритиш орқали ШХТ университетида амалга оширилаётган магистрлик дастурлари рўйхатига “Ҳукуқни қўллашда суд экспер-

лик фаолияти” (“Судебно-экспертная деятельность в правоприменении”) йўналишини қўшиш бўйича таклиф киритиш;

2) суд экспертизалари сифати ва ишончлилигини ошириш, суд экспертиза муассасалари фаолиятига давлатларро стандартларни жорий қилиш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида Россия Федерал суд экспертизаси маркази томонидан ташкил қилинган Стандартизация бўйича давлатларро техник қўмитаси “МТК-545”га кузатувчи сифатида аъзо бўлиш;

3) давлат суд экспертиза муассасалари вилоят бўлимларини замонавий лаборатория ва криминалистик ускуналар билан жиҳозлаш ва мавжуд эксперталардан бошқа штат бирликлари ҳисобига кўрсатиладиган хизматлар сифати ва сонини оширишга эришиш;

4) давлат суд экспертиза муассасалари томонидан бугунги замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда янги экспертиза турлари ҳамда тадқиқотларини жорий қилиш бўйича изланишларни янада жадаллаштириш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни/ <https://lex.uz/docs/1633102>

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги

ЎРҚ-786-сон Қонуни/ <https://lex.uz/uz/docs/6140678>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6256-сон Фармони/ <https://lex.uz/docs/5491507>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4125-сон қарори/ <https://lex.uz/docs/4172023>

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартағи “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сон қарори/ <https://lex.uz/docs/4774077>

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги X. Сулаймонова номидаги республика суд-экспертиза марказининг суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 704-сон қарори/ <https://lex.uz/uz/docs/5737131>

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 мартағи “Суд экспертиза соҳасини тартибга соловчи айrim норматив-ҳукукий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 706-сон қарори/ <https://lex.uz/uz/docs/5737122>

**ХАЛИЛОВ Акрам Утамуродович,
Х.Сулаймонова номидагы Республика
суд экспертизаси маркази директори**

**СУД ЭКСПЕРТИЗА
ИНСТИТУТИНИ
ТАКОМИЛ-
ЛАШТИРИШДА
ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИ**

АННОТАЦИЯ:

Мақолада Ўзбекистонда суд экспертиза институтини тacomиллаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш, суд экспертизалири самарадорлигига хизмат қилиши таҳлил қилинган ва мисоллар асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: экспертиза, ахборот, ахборот технологиялари, инновация, электрон маълумотлар базалари, ахборот тизимлари.

АННОТАЦИЯ:

В статье приводится анализ использования современных технологий в совершенствовании института судебных экспертиз в Республике Узбекистан, обобщено и раскрыто его влияние на эффективность судебных экспертиз на основе примеров.

Ключевые слова: экспертиза, информация, информационные технологии, инновации, электронные базы данных, информационные системы.

ANNATATION:

The article provides an analysis of the use of modern technologies in improving the institution of forensic examinations in the Republic of Uzbekistan, summarizes and discloses its impact on the effectiveness of forensic examinations based on examples.

Key words: expertise, information, information technologies, innovations, electronic databases, information systems.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи ахборотлаштириш жараёни билан ажралиб туради. Бугунги ахборот даврида ҳар қандай жамиятда ахборот ҳамиша мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг тафаккури ва сиёсий савиясининг шаклланишида асосий восита бўлиб келмоқда. Зоро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Ахборот ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат идоралари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги – Янги Ўзбекистоннинг сифат кўрсаткичларидан бирига айланди”.

Жаҳонда кечаетган глобаллашув ва интеграция, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий модернизация жараёнларида ахборотнинг аҳамияти, хусусан, ахборот эркинлиги ва очиқлиги масаласи шахс, жамият ва давлат ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этиб, замонавий ахборот тизимининг шаклланганлиги ҳар қандай мамлакатнинг салоҳияти ва тараққиётини белгиловчи омил бўлиб саналмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ижтимоий ҳаётга рақамли технологияларни фаол жорий этиш билан бирга аҳолининг электрон хизматлардан фойдаланиш, давлат хизматларини босқичма-босқич электрон шаклга ўтказиш ҳамда аҳолининг рақамли кўникмаларини ошириш каби устувор вазифаларни белгиламоқда.

Шунга кўра Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида ҳам замон билан ҳамнафас тарзда янги инновацион ишланмалар, ахборот тизимлари кенг жорий қилинмоқда. Бугунги кунда Марказда ахборот технологиялари ва инновацияларни жорий этиш, рақамли суд экспертизасини ташкил этишга маъсул бўлган алоҳида бўлим – “Ахборот технологияларини ва инновацияларни жорий қилиш бўлими” фаолият юритмоқда.

Сўнгги йилларда Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида (РСЭМ) бир қанча янги ахборот тизимлари жорий этилди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-экспертлик фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 20-банди ижроси юзасидан ав-

томатлаштирилган ахборот-қидирав тизимлари ва компьютер дастурлари, электрон маълумотлар базаларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу чора-тадбирлар дастурига биноан суд экспертиза муассасаларида қуйидагиларни назарда тутувчи автоматлаштирилган ахборот-қидирав тизимлари ва компьютер дастурлари, электрон маълумотлар базаларини жорий этиш кўзда тутилган:

- суд экспертиларининг автоматлаштирилган иш ўринларини ташкил этиш;

- эксперт хulosаларини рўйхатга олиш ва буюртмачиларга юбориш, шунингдек, суд экспертиларининг қўшимча материаллар тақдим этилишини сўраб киритган илтимосномаларини юбориш ва уларни тақдим қилиш муддатларини қисқартириш мақсадида идоралараро электрон хужжат айланиши тизимини жорий қилиш;

- кўрилаётган иш натижасидан манфаатдор бўлган томонлардан бирининг ёки бошқа шахсларнинг фойдасига хулоса олиш учун суд экспертига таъсир кўрсатиш ҳолатлари, шунингдек, суд эксперти томонидан коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида тадқиқот объектларини шифрлаш(кодлаш) тизимини тўлиқ жорий этиш;

- суд экспертизаларини ўтказиш кетма-кетлиги, шунингдек, уларнинг муддатини тўхтатиш ва узайтиришни назорат қилиш имконияти.

Ушбу чора-тадбирлар дастурига кўра, 2019 йил июль – 2020 йил декабрь ойлари оралиғида “Суд экспертизалари ҳисоби тизими” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва тегишли ҳукуқни муҳофаза этувчи органлар билан интеграция қилиш белгиланган.

Ахборот тизимини тайёрлаш бўйича “Техник топширик” ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу “Техник топширик”ка Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Техник кўмаклашиш маркази ДУК ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази томонидан ижобий хулоса олинган.

Бугунги кунда электрон хужжатлар айланниш ахборот тизимини ишлаб чиқиш жараёни якунланиб, Марказда тўлиқ ишга туширилди. Тизим қуйидаги модуллардан иборат:

администратор модули;

кадрлар ҳисобини юритиш модули;

кадрлар ҳисоби бўйича ҳисоботлар модули;

тадқиқот файлларини тизимда рўйхатдан ўтказиш модули;

тадқиқот файллари ҳаракати модули;

тадқиқот файлига ижрочи тайинлаш модули;

экспертиза файлни тайинлаш модули;

экспертиза хулосасини шакллантириш модули;

экспертиза хулосасини раҳбарият билан келишиш модули;

ҳисоботлар модули ва бошқалар.

Ахборот тизимининг асосий вазифаси қуидагилар ҳисобланади:

- РСЭМда экспертизалар ҳисобини юритишинг самарали ва аниқ бошқарув механизмини жорий қилиш;
- суд экспертизаси ҳисобини юритишин автоматлаштириш;
- суд экспертизасининг ижро қисмида назоратни кучайтириш;
- ахборот-таҳлил фаолияти самарасини ривожлантириш;
- суд экспертизасини ўтказишида тизимли таҳлил ва режалаштиришни ташкиллаштириш;
- ҳисобот шакллантириш жараёнини муқобиллаштириш;
- ходимлар ҳисобини юритиш;

– РСЭМ девонхонаси фаолиятини суд экспертизаси ҳисоби қисмида автоматлаштириш;


– суд экспертизаси ҳаракати ҳисобини юритиш;

– эксперталар фаолиятини суд экспертизаси ҳисобини юритиши қисмида автоматлаштириш;

– автоматик тарзда суд экспертизалари бўйича статистик ва тасдиқланган ҳисобот шаклларини шакллантириш.

Бундан ташкари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 19-бандига кўра Марказ расмий веб-сайти янгидан ишлаб чиқилди. Мазкур веб-сайт Марказ фаолиятига даҳлдор ахборот ва янгиликларни мақола, хабар ва таҳлилий материаллар шаклида ёритиб бориш, эълонлар ва бошқа маълумотларни очиқлик тамоилии асосида оммага ётказишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги X. Сулеймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда суд эксперталарининг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш тўғриси”да 206-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Электрон таълим платформаси” ахборот тизими ишлаб чиқилди.



1-расм. РСЭМда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳолати.

Мазкур тизим қўйидаги модуллардан ташкил топган:

- тингловчиларни рўйхатдан ўтказиш модули;
- тингловчиларни активация ҳамда деактивация қилиш модули;
- тингловчилар давоматини назорат қилиш модули;
- тингловчиларнинг курсни ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилиш модули;
- тингловчиларни ташкилотлари бўйича саралаш модули;
- тестлар модули;
- видео маъruzалар модули;
- тақдимотлар модули;
- сертификатлар модули.

Ахборот маконида маълумотлар кўпайиб боргани сари, керакли муайян кичик йўналишига мўлжалланган маълумотларни излаб топиш, улардан фойдаланиш шунчалик қийинлашиб бораверади. Ушбу муаммонинг ечими сифатида ахборот порталларидан кенг фойдаланилади.

Ахборот портали – бу маълум бир мавзу бўйича батафсил маълумот берадиган катта интернет-ресурс. Ахборот портали оддий тематик сайтдан фарқли ўлароқ, фойдаланувчилар билан алоқа қилиш, тематик почта жўнатмалари, қидириш учун воситаларни ўз ичига олади, шунингдек, ташриф буюрувчиларга бир-бири билан, масалан, форумда ёки сухбатда мулоқот қилиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 11 февралдаги “Адлия вазири томонидан Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи натижалари юзасидан белгиланган топшириқларни 2021 йилда амалга ошириш бўйича йўл харитаси”нинг 20-бандига кўра “Суд экспертилик соҳасига замонавий ахборот технологиялари ва инновацияларни кенг жорий қилиш, шу жумладан ахолига суд-экспертлик фаолиятига доир маълумотларни етказишга қаратилган суд-экспертиза ахборот порталини яратиш” белгилаб ўтилган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида “sudexpert.uz” ахборот портали ишлаб чиқилди. Ушбу ахборот портали қўйидағи асосий модуллардан иборат:

- РСЭМ тарихи ҳақида маълумот;
- Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари;



- РСЭМ ва унинг вилоят бўлимларидағи лаборатория ва бўлимлар ҳақида маълумот;
- Суд экспертиза соҳасида аккредитация;
- Ўтказиладиган тадқиқот турлари ҳақида маълумот;
- РСЭМга ишга қабул қилиш тартиби;
- Суд экспертиларининг малакасини ошириш ўқув маркази ҳақида маълумот;
- Нодавлат суд экспертиза ташкилотини ташкил этиш тартиби;
- Нодавлат суд эксперти бўлиш учун кўйиладиган талаблар;
- Нодавлат суд экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказиладиган тадқиқот турлари рўйхати;
- Экспертиза тадқиқотини ўтказиш учун тўлов нархлари ҳақида маълумот ва б.

“sudexpert.uz” ахборот портали яратилиши натижасида қўйидаги натижаларга эришилади:

- ахолига суд-экспертлик фаолиятига доир маълумотлар куляй шаклда етказилади;
- маълумотлар гурухланган ҳолда содда фойдаланувчи интерфейсида жойлаштирилади;
- РСЭМ тарихи, РСЭМда ўтказиладиган суд экспертизаси ва тадқиқот турлари тўғрисида маълумотлар, давлат ва нодавлат суд эксперти бўлиш учун кўйиладиган талаблар, тадқиқот ўтказиш муддатлари ва бошқа кўплаб фойдали ахборотлардан ташкил топади.

Бугунги кунда ахборот тизимлари билан бир қаторда тезкор хабар алмашиш воситаси мессенжерлар оммалашиб бормоқда. Юртимизда ушбу мессенжерларнинг энг машҳури телеграм бўлиб, РСЭМ ҳам ўзининг телеграм тармоғидаги расмий боти “@sudexuz_bot” ва каналига (t.me/sudexuz) эга.


Албатта, суд экспертиза фаолиятига ахборот технологияларини жорий этишдан кўзланган асосий мақсад – бу суд экспертиза назорати ва расмийлаштируви жараёнларини тезлаштириш ва уларда шаффоффликка эришиш, ортиқча

қоғоз сарфи ҳамда бюрократик тўсиқларни енгид ўтиб молиявий манфаатдорликка эришиш хисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида очиқлик, ҳалқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация килиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтириди. “Электрон ҳукумат”, “Электрон бошқарув”, “Телекоммуникация”, “Интернет”, “Веб-сайт” ва “Мобил иловалар” каби юзлаб иборалар ҳа-

тавсифланади. Айрим ахборот тизимларининг бирлашиши, уларнинг умумий тармоққа кўшилиши деярли барча мамлакатларда, соҳаларда ва умуман жамиятда глобал миқёсда намоён бўладиган чуқур таркибий ўзгаришларни талаб қиласди.

Рақамли технологияларга асосланган фолият, интернет технологияларига асосланган ахборот тизимларидан фойдаланишининг кенг тарқалиши билан бир каторда, суд экспертизалири ва экспертиза тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш жараёнларини



2-расм. РСЭМда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш натижасида тежаб қолинган маблағларнинг миқдори

ётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. Ахборот технологиялари кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоқда.

“Рақамли” атамаси барча соҳаларнинг ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс хисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқиласди.

Рақамли иқтисодиёт, саноат, корпоратив фаолиятнинг ривожланиши инсон ҳаётининг барча соҳаларига турли хил билимлар, соҳалар, ишчи кучларининг интеграцияси билан

комплекс автоматлаштириш ҳамда экспертиза ҳаракатларини амалга оширишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган “E-expertiza” ягона ахборот тизимини жорий этиш (интеграция қилиш) бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июндаги ПФ-6256-сон “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 7-бандида 2022 йил 1 марта бошлиб суд экспертилари ва экспертиза тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш жараёнларини комплекс автоматлаштириш,

аҳолига ва ваколатли органларга суд-экспертлик фаолиятига доир маълумотларни етказиш, экспертиза харакатларини амалга оширишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлашга мўлжалланган “E-ekspertiza” ягона электрон ахборот тизимини ишга тушириш, шунингдек, ушбу тизимни ишга тушириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш назарда тутилган.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида суд эксперtlари ва экспертиза тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ҳамда экспертиза харакатларини амалга оширишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган “E-ekspertiza” ягона ахборот тизимини жорий этиш (интеграция қилиш) бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

Мазкур янги “E-ekspertiza” ягона ахборот тизимининг мақсади қуйидагилар хисобланади:

- суд экспертизаси соҳасидаги жараёнларни ягона электрон майдонда жамлаш;
- суд экспертизаси ўтказилишининг назорат ва шаффоғлигини ошириш;
- суд эксперти хуносасини электрон рақами имзо ёрдамида тасдиқлаш;
- суд эксперти хуносасини электрон кўринишда олиш имкониятини яратиш;
- суд экспертизаси соҳасида ижро назоратини кучайтириш;
- суд экспертизаси бўйича статистика ва таҳлилни ахборот технологияларини жорий қилиш ҳисобига осонлаштириш;
- хужжатларни электрон шаклга ўтказиш;
- маълумотларни шифрланган усуллардан фойдаланган ҳолда етказиш ва қабул қилиш;
- ахборот технологиялари воситаларини жорий қилиш ҳисобига ҳисботларни шакллантиришга кетадиган вақтни тежаш;
- суд экспертиза тадқиқоти тайинлашга ваколатли органлар билан бўладиган ёзишмаларни электрон кўринишга ўтказиш орқали қоғоз ҳамда почта харажатларини камайтириш;
- тадқиқотлар ўтказиш учун кетадиган вақт микдорини оптималлаштириш.

Хозирда амалиётга жорий этилаётган “E-ekspertiza” ягона ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокурату-

раси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот тизимлари, “id.egov.uz” ва ЭРИ тизимлари билан интеграция қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларни юклаб олиш ва интеграция қилиш учун алоҳида ахборот тизимларини маҳсус боғловчи функциялар ишлаб чиқилади, маълумотлар алмашиниш қисмлари кўрсатиб берилади ва керакли маълумотлар рўйхати юклаб олинади.

Лойихани амалиётга тўлиқ жорий қилишнинг истиқболлари қуйидагилардан иборат:

1. Барча давлат суд экспертиза муассасалари учун ихтисослаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш. Бу орқали барча маълумотлар марказлашмаган ҳолда сақланади ва керакли маълумотларгина интеграция қилинади.

2. Суд экспертиза тайинлашга ваколатли органлар билан химояланган тармоқ орқали интеграцияланган тизимда тезкор маълумот алмашинади. Бу ўз навбатида унинг хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

3. Фуқаролар ва бошқа суд экспертиза тайинлашга ваколатли ташкилотлар учун веб-портал яратилади. Бу эса уларнинг ортиқча оворагарчилексиз маълумот олишларини таъминлайди.

4. Маълумотлар базасини сақлаш ва порталга киритиладиган маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида блокчейн технологияси жорий қилинади.

Ушбу лойихани амалга ошириш якунлари бўйича қуйидаги натижалар кутилмоқда:

- суд эксперtlарининг холислиги ва мустақиллигини таъминлаш;
- суд экспертизаларининг сифати ва ишончлилигини ошириш;
- суд экспертизаларининг ҳолатлари тўғрисидаги маълумотни олиш механизмини яратиш;
- электрон хужжат алмашинуви ҳисобидан экспертиза вақтини тежаш;
- суд эксперtlари маълумотномасини яратиш;
- суд экспертизасига мурожаат қилиш имкониятларини такомиллаштириш;
- суд экспертизалари бўйича таҳлилий маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини яратиш.

Шу билан бирга, терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирувчи, терговчи томонидан юритилаётган ва судлар томонидан кўрилаётган ишларда ўтказилаётган суд экспертиза тизимини таъминлаштиришга таҳлилий маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини яратиш.



3-расм. Лойиҳанинг ташкилий тузилмаси.

пертиза тадқиқотларига сарфланаётган вақтни кескин камайтиришга, шунингдек, бу жараённинг шаффофф ва сифатли ўтказилишига хизмат қиласи.

Суд эксперталари ва экспертиза тайинлашга ваколатли органларнинг иш жараёнини енгилаштиради, ортиқча вақт ва қофоз истрофгарчилигининг олдини олади. Пировард натижада эксперт ходимларга янада кўпроқ экспертиза тадқиқотларини олиб боришга ҳамда илмий ишлар билан шуғулланиш орқали соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга имкон яратади.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб бир қанча маҳсус дастурлар яратилган. Улар қrimиналистика амалиётида мавжуд муаммоларга илмий ва технологик ечим бериш орқали кенг кўлланилмоқда.

Экспертиза тадқиқотлари давомида воқеа жойидан олинган ва маълум бир жиноятга алоқадор бўлган биологик излар ҳамда шахси номаълум одам қолдиқларини идентификация қилиш учун ушбу обьектлар генетик маълумотлари тақдим қилинган солиширима намуналар генетик маълумотлари билан ўзаро қиёсий со-

лиширима таҳлили ўтказилади. Айрим ҳолатларда аниқланган генетик маълумотлар тақдим қилинган солиширима намуналарга тўғри келмайди. Бундай ҳолатларда ушбу аниқланган генетик маълумотларни сақлаш, уларни мукаддам ўтказилган ҳамда келгусида ўтказиладиган барча тадқиқот натижалари билан солишириш ва бу солишириш жараёни автомат тарзда ўтказилиши зарур бўлади.

Шунингдек, ДНК тадқиқотининг якуний босқичида белгиланган генетик белгиларнинг идентификация аҳамиятини баҳолаш учун эҳтимоллар назарияси қонуниятлари асосида тадқиқот натижаларини эҳтимолий-статистик баҳолаш амалга оширилади.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш учун X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида ДНК тадқиқотларини ўтказиш учун маҳсус "DNA Expert" идентификация ва диагностика муаммоларини ҳал қилиш учун кўп функцияли автоматлаштирилган электрон дастур ишлаб чиқилган.

DNA Expert (Version 1.0.0 © 2006 Cyber Soft, Ўзбекистон) дастурий таъминот тўплами «Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси» лабораториясида ўтказилган тадқиқот натижала-

ри юзасидан аниқланган генетик маълумотларни сақлаш ва бошқариш, шунингдек олинган генотипларни ўзаро қиёсий солиштирма таҳлилини ўтказиш учун мўлжалланган.

Хозирда лаборатория маълумотлар базасида бир неча туркумлар бўйича жами 40 мингдан ошик генотиплар киритилган. Булар:

1. “Судга оид” – жиноят содир этганлиги учун хукм қилинган шахсларнинг генотиплари;

2. “Лабораторияга оид” – жиноий ишлар бўйича жабрланувчилар, гумонланувчилар, воқеа жойидан олинган биоматериаллар (излар) ҳамда фуқаролик ишлари бўйича олинган жисмоний шахсларнинг генотиплари;

3. “Терроризмга оид” – содир этилган террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ ишлар бўйича шахсларнинг генотиплари;

4. “Постмортал” – вафот этган шахслар ва шахси аниқланмаган мурдалар генотиплари;

5. “Илмий лойихаларга оид” – илмий тадқиқотлар ўтказиш учун йигилган намуналар генотиплари.

Дастурнинг асосий менюси тўртта элементдан иборат: Файл, Экспертиза, Маълумотномалар, Ёрдам.

Экспертиза менюси қуйидаги кичик менюлардан иборат:

- «Экспертизалар» менюси – тизимга киритилган экспертизалар рўйхатини, шунингдек, янги экспертиза киритиш, киритилган атрибутни ўзгартириш, кераксиз (хато) киритилган экспертизаларни ўчириш имкониятларини кўрсатадиган ойнани очиш учун мўлжалланган. Шунингдек, ушбу менюда турли хисобот шаклларини олиш ҳам мумкин.

- «Генбанк» менюси – тизимга киритилган генотиплар рўйхатини кўрсатадиган ойнани очиш учун мўлжалланган, шунингдек, янги генотиплар ва улар билан боғлиқ атрибутларни киритиш, мавжудларини ўзгартириш, кераксиз (хато киритилган) ўчириш имкониятини беради. Шунингдек, танланган генотипни таҳлил рўйхатига киритиш ҳам шу менюда бажарилади.

- «ДНК таҳлили» менюси – унда рўйхатдағи генотиплар ўзаро ва “Генбанк” билан ўзаро қиёсий солиштирма таҳлили ўтказилиб, идентификация ҳамда қариндошлик муносабатлари бўйича эҳтимоллик статистик хисоб-китоблар олиб борилади.

Дастурий таъминот тўплами маълумотларга умумий кириш учун замонавий талабларни

хисобга олган ҳолда, тармоқ версиясида ишлаб чиқилган.

Шу сабабли унинг нормал ишлаши учун маълумотлар базаси серверини ишга тушириш ҳамда шахсий компьютердан махсус дастурни очиш, логин ва пароль киритиш ўзи кифоя бўлади.

Бундан ташқари, шахсий компьютерларда Windows операцион тизими ва ҳар қандай версиядаги MSWord матн муҳаррири ўрнатилган бўлиши керак.

Сўнги беш йил ичida ушбу база ёрдамида нафақат мамлакатимизда, балки яқин хориж давлатларида шахсга қарши оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган ўта хавфли жиноятчиларнинг шахси аниқланди, бир неча ун йиллар давомида очилмай келган жиноятлар бўйича жиноятчилар фош этилди. Базада жинсий характердаги жиноятлар содир этилган жойларда топилган номаълум шахслардан қолдирилган излар генотиплари, қуруқ суяги қолган номаълум шахсларнинг генотиплари ва бошқалар сақланмоқда. Шу билан бирга, ушбу базага мамлакатимизда охирги беш йил давомида топилган барча шахси номаълум бўлган мурдаларнинг ҳамда бедарак йўқолган шахсларнинг яқин қариндошлари генотиплари киритиб келинмоқда. Бу амалиёт ўзининг самарасини бериб, бир неча ҳолатларда айнан ушбу база орқали бир неча шахси номаълум мурдаларни идентификация қилишга эришилди.

Глобал тараққиёт шароитида ахборот технологиялари моҳиятини оширишининг янада за-



монавий, инновацион усулларини излаб топиш, ахборотлаштириш жараёнига ҳар томонлама кўмаклашиш, уларни ҳаётга кенг жорий этиши давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Зеро, ахборотлаштириш тизимида давлат сиёсатини олиб бориш масаласи стратегик аҳамиятга эга вазифадир.

Ҳозирги кунда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва кишилик жамиятининг барча соҳаларида интернетдан кенг фойдаланиш кундалик фаолиятнинг бир қисмини ташкил этиб, хизмат кўрсатиш, илм-фан, таълим, электрон тижорат, шунингдек, замонавий инсоннинг фикрлаш тарзига ўзининг ижобий таъсири билан кириб келди. Ҳаёт сифатини яхшилашга таъсир этадиган ушбу ўзгаришлар билан бир қаторда, жиноятчиликнинг янги шаклларини ривожлантиришга қулай шароитлар пайдо бўлганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур жиноятлар ўз навбатида “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” (ракамли жиноятлар) деб номланади.


Ахборот технологияларининг кенг миёсда ривожланиши бир вақтнинг ўзида кўп турдаги жиноятларнинг содир этилишига имкон яратди, ўз навбатида ушбу турдаги жиноятларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юкори билим ва касбий тайёргарликни талаб қилмоқда. Шундай қилиб, “ахборот технологиялари соҳасидаги жиноят” компьютерлар ва маълумотлар-

ни қайта ишлаш тизимларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноий қилмиш бўлиб, бунинг учун қонунчиликда жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Шу боис, фуқаролар ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар тўғрисида маълумотларни тарқатиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарур.

Ахборот технологияларининг доимий ривожланиши ва интернетнинг пайдо бўлиши билан “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” тушунчаси шаклланди. Рақамли жиноятларнинг асосий фарқи шундаки, уларнинг баъзилари компьютерлар ва мобил алоқа воситалари ёрдамида (компьютер жиноятлари), бошқалари интернет (кибержиноятлар) орқали содир этилади.

Рақамли жиноят шакллари кўп қиррали бўлиб, технологиялар ва интернетнинг доимий ривожланиши билан тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, ушбу жиноятларни аниқлаш ва фош этишда бир қатор қийинчиликлар мавжуд бўлиб, улардан бири фуқароларнинг ўзига нисбатан содир этилган компьютер ҳуқуқбузарлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришни билмасликлари ва компьютер жиноятларига дуч келганда ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг айрим турлари:



4-расм. “ДНК эксперти 2017” ахборот тизими кўриниши.

The screenshot shows the PyCharm IDE interface with the following details:

- Project:** ide-7.0s.wpr [5323 files / 437 d]
- File:** qt_utils.py (src/guiutils)
- Code:**

```

qt["switch-page"] QtWidgetsAdapterMixin gui_emit
    return False
    switch-page
    stack = self. fEmissionStack=['switch-page']
    stack.append(name)
try:
    # Only iterate up to current len and check for None's that are set
    # when handlers are disconnected
    for i in xrange(len(cb_list)):
        item = cb_list[i]
        if item is not None:
            try:
                ret = item[0](self, *args)
            except:
                reflect.ReportCurrentException()
                ret = False
            if ret and name != 'destroy':
                break
        else:
            final
            if
                CSideNotebookContainer._CB_PageChanged of
                    <guiutils.dockview.CSideNotebookCont ... (truncated)
            else:
                CSideNotebookContainer._CB_PageChanged of
                    <guiutils.dockview.CSideNotebookCont ... (truncated)
            recover
    assert False
    i = len(stack) - 1
    removed = False
    while i >= 0 and not removed:
        if stack[i] == name:
            del stack[i]
            removed = True

```
- Toolbars:** Testing, Search in Files, Exceptions, Breakpoints, Search, Mercurial, Python Shell, Debug, Project Status, Options
- Sidebar:** Project, Refactoring, Diff/Merge, Stack Data, Warnings, Symbol: stack, Runtime type: builtin list.
- Bottom:** Line 2208 Col 6 – [Edit], Auto-refresh, Refresh, Cancel

Callout Annotations:

- Annotations show variable scopes: `locals` (containing `args`, `cb_list`, `i`, `item`, `name`, `self`), `stack` (containing `stack`), and `ret` (containing the return value of the method).
- Annotations show object references: `CSideNotebookContainer._CB_PageChanged` and `<guiutils.dockview.CSideNotebookContainer ... (truncated)`.
- A stack trace is shown in the bottom right corner:

```

https://docs.python.org/2/library/stdtypes.html#sequence-types-str-unicode-list-tuple-bytearray-buffer-xrange
list() -> new empty list list(iterable) -> new list initialized from iterable's items
PEP287
Current Value: ['switch-page']

```

Text Content:

- вирусли дастурий таъминотни тарқатиш;
- фойдаланувчининг маълумотларини ўғирлаш;
- бошқа одамларнинг интеллектуал фаолият маҳсулотларини ўғирлаш;
- ижтимоий тармоқларда бошқаларнинг аккаунтларини бузиш;
- ёлғон маълумот тарқатиш, тухмат қилиш;
- миллатлараро низо ёки динлараро адватни кўзгатиш;
- банк пластик карталари (карта реквизитлари) билан ноқонуний операциялар;
- қимматли қоғозлар бозоридаги интернет-фирибгарлик;
- интернетдаги молиявий пирамидалар;
- мобилъ алоқа билан боғлиқ жиноятлар;
- электрон тижорат соҳасидаги бошқа жиноятлар.

Юқоридаги мисолларни инобатга олган ҳолда, интернет фойдаланувчилари учун уларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган хукуқбузарликларни аниқлаш бўйича суд эксперти олдида бир қанча вазифалар пайдо бўла-

ди. Шунга кўра эксперталар ҳам энг замонавий дастурий ва аппарат воситаларидан фойдаланиши лозим. Бугунги кунда мазкур дастурий ва аппарат воситаларининг энг кўп қўлланиладиган ва самарадорлиги юқорилари қуидагилар ҳисобланади:

UFED 4PC – бу мавжуд шахсий компьютер ёки ноутбуқдан, мобилъ қурилмалардан рақамили маълумотларни ажратиб олиш, декодлаш ва таҳлил қилиш имконини берувчи суд-компьютер техникавий экспертизасининг барча дастурий таъминот тўплами. Комплексдан муваффакиятли тадқиқот учун зарур бўлган UFED иловалари, ташқи қурилмалар ва аксессуарлар тўплами билан бирга фойдаланилади. UFED 4PC ҳам мустакил, ҳам учинчи томон дастурлари билан ишлаши мумкин. UFED 4PC Ultimate вариантининг хусусиятлари қуидагилар ҳисобланади:

- андроид қурилмалари, шу жумладан Samsung Galaxy S оиласи, LG, HTC, Motorola ва бошқалардан график/парол/ПИН-кодни киритиш орқали улардан аниқ қиёсий нусха олиш ва олинган маълумотларни декодлаш орқали уларнинг хавфсизлигини четлаб ўтиш;


- жисмоний ва файл тизими даражаларида қиёсий нусхалар олиш, шунингдек, Android курилмаларидан олинган маълумотларни декодлаш;
- BlackBerry курилмаларидан аниқ қиёсий нусхалар олиш. BlackBerry маълумотлари, иловалар, электрон почта, Bluetooth ва бошқалар;
- Apple курилмаларидан маълумотларни олиш ва декодлаш;
- блокланган қурилмалардан жисмоний қиёсий нусха олиш ва декодлаш, Nokia қурилмаларидан паролни четлаб ўтиш;
- маҳсус хавфсизлик кодини четлаб ўтиш, очиш ёки ўчириш орқали кулфланган қурилмаларга тез ва осон кириш;
- Windows Phone қурилмаларидан жисмоний қиёсий нусха олиш ва маълумотларни декодлаш;
- ҳар қандай Windows Phone, HTC, Samsung, Huawei ва ZTE қурилмаларидаги маълумотларни файл тизими даражасида қиёсий нусха олиш;
- қурилманинг флеш-хотирасидаги ажратилмаган жойдан ҳар хил турдаги ўчирилган маълумотларни қайта тиклаш;
- шифрланган WhatsApp тарихи маълумотлар базасининг паролини очиш имконияти;
- декодлашнинг турли усуулларидан фойдаланиш: дастур маълумотлари, пароллар, электрон почта, қўнғироқлар журнали, СМС, контактлар, календар, мултимедиа файллари, жойлашув маълумотлари ва бошқалар;

- UFED Physical Analyzer орқали кенг қамровли таҳлил қилиш имконияти, жумладан, вақт жадвали, заарли дастурларни аниқлаш ва кузатиш;
- UFED Physical Analyzer ёрдамида турли форматларда қулай ҳисобот яратиш;
- UFED Physical Analyzer таркибига киритилган оффлайн таржима тизимидан фойдалangan ҳолда олинган маълумотлардаги чет тилидаги контентни таржима қилиш.

Мобилный Криминалист Эксперт – бу дастурнинг барча хусусиятларини ва янги ноёб функционалликни ўзида мужассам этган мобил қурилмалар, дронлар, булат хизматлари ва шахсий компьютерлар маълумотлари билан юқори тезликда ва самарали ишлаш учун мукаммал кўп функцияли воситадир.

Дастурнинг асосий функциялари қўйидагилар ҳисобланади:

- Android қурилмалари, Kai ва бошқаларнинг жисмоний қиёсий нусха олади;
- iOS, Android, BlackBerry, Windows Phone, Symbian ва бошқа қурилмаларнинг мантиқий нусхаларини яратади;
- барча маълумотларни, шу жумладан ўчирилган маълумотларни чиқаради ва шифрини очади;
- жисмоний тасвиirlар ва бир нечта қурилмаларнинг қиёсий нусхаларини импорт қиласди;
- дронлардан маълумотларни олади ва парвоз маршрутларини кўрсатади;
- ўнлаб булатли омборлардан маълумотларни чиқаради: Apple, Google, Yandex, iCloud,



WhatsApp, Viber, Telegram ва бошқалар;

- қиёсий нусхаларни декодлайди;
- Viber, Unigram, Skype, Wickr Me месенжерларидан ёзишмалар, медиа файллар ва контактларни чиқариб олади;
- Mozilla Thunderbird, Microsoft Outlook, Microsoft Mail почта агентларидан хат ва контактларни олади;
- Google Chrome, Mozilla Firefox, Opera, Microsoft Edge, Internet Explorer веб-браузерларидан маълумотларни олади;
- бир холатда бир нечта қурилмалардан олинган маълумотларни бир вақтнинг ўзида таҳлил қиласди;
- қурилмалардан олинган барча маълумотларни хронологик шаклда тартиблайди;

- шахсий созламаларга мувофиқ контактларни бирлаштиради;
- бир нечта қурилмалар ўртасидаги алоқаларни ўрганади;
- тадқиқот қилинаётган қурилмада ҳам, унинг киёсий нусхасида ҳам юқори тезликдаги қидирувларни амалга оширади.

Бугунги ахборот асрида суд экспертиза институтини замонавий технологияларсиз та-комиллаштиришни тасаввур этиб бўлмайди. Шунга кўра суд эксперталарининг ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича касбий кўникмаларини шакллантириш, эксперталарнинг электрон иш столини яратиш ва уларни замонавий технологиялар билан таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 йил.
3. Диагностика масалаларини ҳал қилишда ДНК экспертизаси натижаларининг эҳтимолий-статистик таҳлилини ўтказиш ва эксперт баҳолаш бўйича услугубий тавсиялар. Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази. – Тошкент, 2019.
4. Суд-компьютер-техникавий экспертизасини бажариш. Экспертлар учун услугубий тавсиялар, 2020 йил.

АННОТАЦИЯ

В статье анализировано специальные тактические действия следователя и дознавателя при производстве следственных мероприятий по выявлению киберпреступлений. А также, рассмотрены организационно-тактические особенности следственного осмотра при работе с компьютерной техникой в рамках расследования преступлений, совершаемых с использованием ИТ-технологий. С помощью общенаучных методов познания (анализа, синтеза, индукции и дедукции) автор пришел к выводу, что качественно проведенные первоначальные следственные действия и оперативно-розыскные мероприятия, своевременный сбор доказательственной информации с привлечением высококвалифицированных специалистов, назначение специальных экспертиз влияют на результат, от которого будет зависеть эффективность предотвращение и расследование компьютерных преступлений. Специфика расследования преступлений, совершенных с использованием возможностей ИТ-технологий, требует разработки новых тактических подходов и приемов к осуществлению такого следственного действия, как допрос и осмотр места происшествия что, несомненно, позволит повысить эффективность расследования преступлений, совершенных с использованием возможностей ИТ-технологий. Актуальность данной темы подтверждается тем что ежегодный глобальный ущерб от киберпреступности оценивается в 6 триллиона долларов США, а в 2025 году это цифра увеличится до 10,5 триллиона долларов США.

Ключевые слова: Тактика, киберпреступления, информация, расследования, Интернет, надзор, кибербезопасность, кибернетика, домен, следствия, следователь.

АННОТАЦИЯ

Мақолада терговчи ва суриштирувчининг кибержиноятни аниқлаш бўйича тергов тадбирларини ишлаб чиқишидаги маҳсус тактик ҳараратлари таҳлил қилинади. Шунингдек, ИТ технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни тергов қилиш доирасида компьютер техникаси билан ишлашда тергов текширувчининг ташкилий-тактик хусусиятлари кўриб чиқилади. Идрок этишнинг умумий илмий усуллари (таҳлил, синтез, индукция ва дедукция) ёрдамида муаллиф дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирив тадбирларини сифатли ўтказиш, юкори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда далилларни ўз вактида тўплаш, маҳсус экспертизаларни тайинлаш натижага таъсир қиласди, бу эса ком-

пьютер жиноятларининг олдини олиш ва тергов қилиш самарадорлигига боғлиқ бўлади. ИТ технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хослиги сўроқ қилиш ва воеа жойини кўздан кечириш каби тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг янги тактик ёндашувлари ва усулларини ишлаб чиқишни талаб қиласи, бу шубҳасиз, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни тергов қилиш самарадорлигини оширади. ИТ технологияларининг имкониятлари. Кибержиноятлардан кўриладиган йиллик глобал зарар 6 триллион АҚШ долларига баҳоланаётгани, 2025 йилда эса бу кўрсаткич 10,5 триллион АҚШ долларига кўтарилиши ушбу мавзунинг долзарблигини тасдиқлайди.

Калит сўзлар: Тактика, кибержиноятлар, ахборот, тергов, интернет, назорат, киберхавфсизлик, кибернетика, домен, тергов, терговчи.

ANNATATION

The article analyzes the special tactical actions of the investigator and interrogator in the production of investigative measures to identify cybercrime. And also, the organizational and tactical features of the investigative inspection when working with computer equipment as part of the investigation of crimes committed using IT technologies are considered. With the help of general scientific methods of cognition (analysis, synthesis, induction and deduction), the author came to the conclusion that high-quality initial investigative actions and operational-search measures, timely collection of evidence with the involvement of highly qualified specialists, appointment of special examinations affect the result, which will depend effectiveness in preventing and investigating computer crimes. The specificity of the investigation of crimes committed using the capabilities of IT technologies requires the development of new tactical approaches and techniques for the implementation of such an investigative action as interrogation and inspection of the scene, which will undoubtedly improve the efficiency of investigating crimes committed using the capabilities of IT technologies. The relevance of this topic is confirmed by the fact that the annual global damage from cybercrime is estimated at 6 trillion US dollars, and in 2025 this figure will increase to 10.5 trillion US dollars.

Keywords: Tactics, cybercrimes, information, investigations, Internet, supervision, cybersecurity, cybernetics, domain, investigations, investigator.

В 21 веке, в эпоху расцвета информационного общества, одной из масштабных проблем стало развитие киберпреступности. Вместе с совершенствованием новых технологий и ростом разнообразия социальных платформ внутри глобальной сети начало увеличиваться и количество пользователей, которые погружаются в виртуальную среду. Естественным процессом является появление вместе с новой сферой в жизни человека и новых видов преступности, связанных с ней. Киберпространство не является исключением, ведь в интернете находится большое количество персональных данных о людях: данные о документах, фотографии, геолокации, пароли, личные переписки и многое другое. Так, учитывая количество информации, находящейся в интернете, можно сделать вывод, что под угрозой могут быть не только индивиды, но и целые государства.

Согласно Главе VII. Укрепление безопасности и оборонного потенциала страны, ведение открытой, прагматичной и активной внешней политики Указа Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 года» № УП-60 от 28.01.2022 г. одним из основных задач поставлена создание системы предупреждения киберпреступности [1].

Кроме того, в соответствии с государственным планом о реализации Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы в «Год человеческого достоинства и активного добрососедства» Государственной программой по реализации Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы в «Год обеспечения интересов человека и развития махалли» определены задачи по борьбе с киберпреступлениями:

1. Установить действенный контроль за расследованием, еще больше усилить оперативно-розыскные мероприятия в борьбе с преступлениями, совершаемыми с помощью информационных технологий.

Механизм реализации данной задачи: надзор за следственной деятельностью, реформиро-

рование оперативно-розыскной деятельности по выявлению новых видов преступлений, совершаемых с использованием информационных технологий, в том числе киберпреступлений, мобилизация дополнительных сил и средств, а также дальнейшее повышение эффективности защиты достоинства и свободы граждан в борьбе с указанными преступлениями.

2. Завершить трансформацию банковской системы, доведя к 2025 году долю частных банков до 60% всех банковских активов.

Один из механизмов реализации данной задачи: обеспечение кибербезопасности при предоставлении финансовых услуг.

3. Создание системы предотвращения киберпреступлений.

Механизм реализации данной задачи:

а) Разработка Стратегии кибербезопасности Республики Узбекистан на 2023–2026 годы.

При этом определить основные направления кибербезопасности интернет-пространства доменной зоны «UZ», а также комплексные задачи по защите электронного правительства, энергетики, цифровой экономики и других направлений, связанных с важной информационной инфраструктурой.

б) Пересмотр уголовной ответственности за киберпреступления.

с) Дальнейшее совершенствование системы мониторинга кибератак и угроз в информационном пространстве.

Расширение технической инфраструктуры Единой сети кибербезопасности;

дальнейшая акселерация «ИТ-парка инноваций в кибернетике»;

ИТ-парк будет проводить обучение молодежи основам кибербезопасности на базе учебных центров цифровых технологий в регионах, а также ежегодные республиканские соревнования по выявлению кибератак среди студентов и школьников [2].

В рекомендациях экспертов ООН: киберпреступность – это любое преступление, которое может совершаться с помощью компьютерной системы или сети, в рамках компьютерной системы или сети либо против компьютерной системы или сети [3; с. 25].

В своем исследовании Т.М.Хусяинов дает следующую трактовку: «Под термином «интернет-преступление» или «киберпреступление» стоит понимать весь спектр преступных действий в сфере информационных технологий...» [4; с. 120].

Несколько более широкое понятие описывает в своей работе М. Е. Батухтин: «киберпреступление – это любое преступление в электронной сфере, совершенное при помощи компьютерных средств или виртуальной сети, или против них» [5; с. 28].

Киберпреступность – совокупность преступлений, совершаемых в киберпространстве с помощью или посредством компьютерных систем или компьютерных сетей, а также иных средств доступа к киберпространству, в рамках компьютерных систем или сетей, а также против компьютерных систем, компьютерных сетей и компьютерных данных. К киберпреступлению относится любое преступление, совершенное с применением различных способов и средств создания, обработки, передачи компьютерной информации [6; с. 12].

Термин «киберпреступность» более расширенный, чем «компьютерная преступность», хотя иногда они употребляются вместе или как синонимы, так как киберпреступность – это преступность, связанная как с использованием компьютеров, так и с использованием информационных технологий и глобальных сетей, а «компьютерная преступность» относится только к преступлениям, совершаемым против компьютеров или компьютерных данных [7; с. 104–106].

Согласно Закону Республики Узбекистан «О кибербезопасности» № ЗРУ-764 от 15 апреля 2022 года киберпреступность – это совокупность преступлений, осуществляемых в киберпространстве с использованием программного обеспечения и технических средств с целью завладения информацией, ее изменения, уничтожения или взлома информационных систем и ресурсов [8; ст. 3].

При расследовании киберпреступлений существует ряд особенностей, которые кроются, во-первых, в обнаружении, фиксации и изъятии следа, оставленного при совершении киберпреступления, а во-вторых – в отсут-



ствии четкого понимания, какие следственные действия необходимо проводить при расследовании киберпреступлений и правильной последовательности алгоритма проведения следственных действий. Это происходит потому, что при расследовании киберпреступлений следователям приходится распознавать и фиксировать не только материальные объекты, но и само «кибернетическое пространство», образованное средствами вычислительной сети, доступным сегментом локальной вычислительной сети, глобальной сети Интернет и цифровыми носителями компьютерной информации.

Как правило, поводом для возбуждения уголовного дела являются заявления о несанкционированном доступе, хищении денежных средств. Поступают они от организаций, намного реже – от граждан. Объяснением этому может быть то, что граждане боятся разглашения в ходе следствия украденной информации, которая может содержать тайные, интимные и иные подробности личной жизни. Поэтому при возникновении подобной ситуации следователю необходимо наладить психологический контакт, объяснить гражданину, что следствие интересует только те данные, которые имеют значение для расследования преступления и не могут быть разглашены третьим лицам [9; с. 131-132].

В следственной тактике киберпреступлений всегда большое значение имело выстраивание системы тактических приемов проведения следственных действий и тактических операций с умелым и продуманным применением различных мыслительных приемов. В настоящее время, когда электронные средства массовой информации, информационные системы, социальные сети, доступ к которым осуществляется с использованием сети Интернет, стали частью повседневной жизни граждан Республики Узбекистан, и с внедрением в их жизнь результатов всех современных научно-технических исследований и применения компьютерных и интернет-технологий существенным образом расширился социальный, трудовой, предпринимательский кругозор граждан нашей страны, позволяющий разумно применять и использовать указанные достижения.

Нужно отметить, что допрос по уголовным делам при расследовании киберпреступлений имеет определенную специфику. Конечно же, расследование по делам в сфере компьютерной информации должно быть поручено следователю, обладающему большими познаниями в кибернетике. Однако проведенный анализ, а также опрос сотрудников силовых ведомств, имеющих отношение к расследованию преступлений в сфере высоких техноло-

гий, позволил сделать вывод о том, что таких специалистов в правоохранительной сфере катастрофически не хватает [10; с. 282–287].

Тактика производства допроса по уголовным делам этой категории напрямую зависит от специфики механизма совершения преступления и иных, как позитивных, так и негативных факторов. К числу первых следует отнести наличие определенного объема информации о преступном событии, полученной из различных источников (в ходе предварительной проверки материалов о расследуемом событии, результаты оперативно-розыскных мероприятий), а также о лице, с которым предстоит производство следственного действия (полученной ранее в ходе его объяснений, из протоколов процессуальных действий). В число негативных факторов можно включить значительный промежуток времени, прошедший с момента совершения преступления до момента производства допроса [11; с. 104–111].

Представляется обоснованной точка зрения В.М.Быкова, который считает, что тактика допроса должна строиться с учетом соответствующего криминалистического типа допрашиваемых. Им были выделены следующие типы: активные и неактивные, добросовестные потерпевшие, неустойчивые, недобросовестные потерпевшие [12; с. 27–32].

Привлечение специалистов к проведению ряда следственных действий может помочь устраниТЬ недостатки в знаниях и навыках у следователя. Однако в некоторых случаях при-
существие специалиста в том варианте, в котором высказываются ученые-криминалисты, может быть неоправданно.

В основном тактика следственных действий в зависимости от вида киберпреступлений делится на три этапа.

Для первого этапа характерно следующее:

- проведение тщательного осмотра места происшествия, осмотр всей компьютерной техники, средств связи, мобильных устройств, включая информационную среду;
- выемка и осмотр документов, предметов, технических устройств и электронных носителей;
- подробный допрос потерпевшего, подозреваемого, свидетелей;

d) задержание подозреваемых и их личный обыск;

e) обыски по месту жительства, работы или возможных арендованных помещений подозреваемых;

f) назначение различных видов экспертиз, в том числе компьютерной, технико-криминалистической, бухгалтерской, экономической и иных видов.

Второй и третий этапы следственной тактики носят поисково-разведывательный характер и характеризуются схожим перечнем следственных действий и оперативно-розыскных мероприятий:

осмотр места происшествия, в том числе осмотр компьютерной техники, планшетов, мобильных телефонов, которые принадлежат потерпевшим или определенной организации;

a) допрос потерпевшего (представителя потерпевшего) и свидетелей;

b) выемка и осмотр документов, предметов, технических устройств и электронных носителей;

c) направление запросов о получении интересующей следствие информации в различные организации и компании (например, операторам связи, в кредитные организации и др.);

d) проведение оперативно-розыскных мероприятий в целях выявления лиц, причастных к совершению преступления;

e) назначение специальной экспертизы в зависимости от преступления.

Обратим внимание на тот факт, что перечислены не все возможные варианты типичных следственных ситуаций первоначального этапа расследования. Каждая следственная ситуация требует индивидуального подхода для построения верного алгоритма действий следователя в целях придания криминалистически значимой информации доказательственного значения. Вместе с тем в некоторых случаев достаточно сложно в срок, ограниченный рамками процессуальной проверки материалов, установить признаки преступления, что связано со спецификой способов и средств совершения преступления, следовательно, с особенностями механизма следообразования при работе с компьютерной информацией.

Важно учитывать, что ряд технических



устройств, работа которых осуществляется на основе электромагнитного, рентгеновского излучения или магнитного поля, может оказывать влияние на работу рядом находящихся устройств и хранящуюся на них компьютерную информацию. Лицо, привлеченное к осмотру в качестве специалиста, должно соблюдать осторожность при работе с техническими средствами, а также с порошками и химическими реактивами, особенно при необходимости обработки ими компьютерной техники. Специалист обязан быть компетентным в области работы технических средств, процессов функционирования компьютерных систем и сетей, в совершенстве владеть технической терминологией. Несмотря на специфику таких осмотров, неизменными остаются общие правила осмотра: от общего – к частному; от каталогов – к отдельным файлам; от общих характеристик файла – к его содержанию. Изыматься должны только те средства компьютерной техники, на которых содержится или может содержаться криминалистически значимая информация.

По мнениям Р.А.Дрюгена и М.А.Шергина более качественному и быстрому изъятию электронно-цифровых следов могут способствовать специальные современные аппа-

ратно-программные комплексы, предназначенные для этих нужд (например, «Мобильный криминалист», UFED, Belkasoft, SecureView 3, MOBILedit!, MicroSystemation, XRY и др.). В рамках проведения осмотра места происшествия их применение позволяет извлечь с технических устройств необходимую информацию, имеющую значение для расследования уголовного дела. В правоохранительных органах наибольшую популярность обрели аппаратно-программные комплексы «Мобильный криминалист» и «UFED» [13; с. 100–104]. По нашему мнению, не исчерпающий список программных обеспечений для выявления киберпреступлений.

В заключение следует сказать, что криминалистика за короткий промежуток времени значительно продвинулась в понимании того, как именно нужно расследовать и раскрывать киберпреступления. Несмотря на то, что формирование четкого перечня следственных действий, проведение которых даст наиболее значительные результаты и информацию для следствия, до сих пор не завершено, а технические средства, к использованию которых прибегают сотрудники правоохранительных органов, все еще несовершенны, можно с уверенностью сказать, что раскрываемость данного вида преступлений, пусть и малыми темпами, но растет. Дальнейшее совершенствование тактики проведения следственных действий, повышение уровня квалификации оперативных сотрудников, следователей, экспертов и специалистов, разработка и внедрение новейших технических приемов и средств в конечном итоге приведет к повышению качества расследования таких преступлений.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы» № УП-60 от 28.01.2022 г.
2. Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы в «Год человеческого достоинства и активного добрососедства», приложение 2.
3. Доклад X Конгресса ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями // Десятый Конгресс ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями. 2000 год. Глава 5. С. 25. – Режим доступа: file:///C:/Users/Admin/Downloads/A_CONF .187_15-RU.pdf. Дата обращения: 31.05.2022г.
4. Хусяинов Т.М. Интернет-преступления (киберпреступления) в российском уголовном законодательстве // Уголовный закон Российской Федерации: Проблемы правоприменения и перспективы совершенствования материалы всероссийского круглого стола. 2015. С. 120.
5. Батухтин М.Е. Киберпреступления: причины, виды, формы, последствия, направления противодействия // Проблемы и перспективы развития уголовно-исполнительной системы России на современном этапе. Материалы Международной научной конференции адъюнктов, аспирантов, курсантов и студентов. 2018. С. 28.
6. Глотина И.М. Киберпреступность: Основные проявления и экономические последствия // Вопросы экономики и права. – 2014. – № 8. С. 12.
7. Сериева М.М. Киберпреступность как новая криминальная угроза // Новый юридический вестник. – 2017. – №1. С. 104–106.
8. Закон Республики Узбекистан «О Кибербезопасности» № ЗРУ-764 от 15 апреля 2022 года. Ст. 3.
9. Харина Э.Н. О возможностях использования сети Интернет при расследовании преступлений / Э.Н.Харина // Современное состояние и перспективы развития научной мысли : материалы Междунар. науч.-практ. конф., г. Уфа, 25 мая 2015 г. : в 2 ч. - Уфа : Аэтерна, 2015. - Ч. 2. - С. 131-132.
10. Коломинов В.В. Тактика производства отдельных следственных действий при расследовании киберпреступлений. Сборник научных статей по материалам Всероссийской научно-практической конференции (с международным участием), посвященной 20-летию кафедры криминалистики. Современные проблемы отечественной криминалистики и перспективы ее развития. С. 282–287.
11. Смирнова И.Г., Коломинов В.В. Тактические особенности производства допроса по делам о преступлениях в сфере компьютерной информации // Известия Иркутской государственной экономической академии. Электронный научный журнал. 2015. Т. 6. № 3. С. 104–111.
12. Быков В.М. Допрос потерпевшего / В.М.Быков // Законность. 2014. № 6. С. 27–32.
13. Дрюгена Р.А., Шергина М.А. О некоторых особенностях расследования преступлений, совершаемых с использованием ИТ-технологий и в сфере компьютерной информации. Ж: Вестник Уральского юридического института МВД России. № 3 (31), 2021. С. 100–104.

SUD-KOMPYUTER- TEKNIKAVIY EKSPERTIZASINING IMKONIYATLARI

ATANIYAZOV

*Doniyor Shonazarovich,
X. Sulaymonova nomidagi
Respublika sud ekspertizasi
markazining Sud-ekspertlik
ilmiy-tadqiqot instituti
bosh ilmiy xodimi, 3-darajali yurist*

ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada Sud-kompyuter texnikaviy ekspertizasi tushunchasi, uning obyekti, predmeti va imkoniyatlari tahlil qilingan hamda Sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasini tayinlashga oid nazariy tushunchalar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Sud ekspertizasi, sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi, ilmiy usul, ratsional-his qilish usuli, vizual kuzatish usuli, ekspert xulosasini rasmiylashtirish usullari.

АННОТАЦИЯ:

В данной статье дается понятие судебной компьютерно-технической экспертизы, объектов данного вида исследований, предмета и анализируются возможности, а также представлены теоретические положения относительно назначения судебной компьютерно-технической экспертизы.

Ключевые слова: Судебная экспертиза, судебная компьютерно-техническая экспертиза, научный метод, рационально-чувственный метод, метод визуального наблюдения, методы составления экспертного заключения.

ANNOTATION:

This article gives the concept of forensic computer-technical expertise, the objects of this type of research, the subject and analyzes the possibilities, as well as presents theoretical provisions regarding the appointment of forensic computer-technical expertise.

Keywords: Forensic examination, forensic computer-technical examination, scientific method, rational-sensory method, visual observation method, methods for drawing up an expert opinion.

Hozirgi kunda davlatning barcha asosiy funksiyalari va muhim vazifalari o‘ziga xos darajada internet va kompyuter tarmoqlari orqali axborot almashishga bog‘liq. Ayniqsa, jamiyat sohalarining barcha yo‘nalishlari faoliyatini elektron tizimlarsiz, kompyuter texnologiyalarisiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Bu o‘z navbatida samaradorlikning ortishi bilan birga jinoyatchilikning yangi turlari yuzaga kelishiga, kompyuter texnologiyalari ishtirokidagi qonunbuzilishlarning ortishiga sabab bo‘lmoqda va ma’lumotlarni himoyalash usullarini murak kablashtirish zaruratini oshirmoqda.

Rivojlangan texnologiya asosidagi jamiyatda jinoyatchilarni fosh etishda nafaqat kompyuter va mobil qurilmalar, balki tarmoqqa ulanish imkoniyati va ma’lumotlarni xotirada saqlash imkoniyatiga ega bo‘lgan videokameralar, fotoapparatlar, videokuzatuv tizimlari, planshetlar, smart soatlar va shu kabi xotiraga ega bo‘lgan elektron qurilmalarning o‘rnini muhimdir.

Huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan olib boriladigan tergov jarayonlarida jinoyatga aloqador dalillarni, kompyuter va mobil qurilmalarning ishga aloqadorligini aniqlash, shuningdek, ulardagi ma’lumotlarni olish, shifrlangan yoki kodlangan ma’lumotlarni ochish, o‘chirilgan yoki ishdan chiqqan qurilmadagi ma’lumotlarni qayta tiklash va tergov uchun aloqador dalillarni aniqlashda sud ekspertizasining imkoniyatlarini sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi aralashuvisiz baholash mushkul.

Sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi – bu kompyuter texnologiyalari yordamida amalga oshirilgan jinoyat, ma’muriy va fuqarolik ishlarini tergov qilishda yoki sud jarayonlarida kompyuter texnologiyalari bo‘yicha maxsus bilimlardan foydalanishning asosiy protsessual shakli hisoblanadi. Sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi o‘tgan asr oxirlarida, ya’ni kompyuter texnologiyalari va periferiya qurilmalarining ommalashishi ortidan paydo bo‘lib, hozirgacha rivojlanib kelmoqda.

O‘tgan yillar mobaynida sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi turlicha nomlarda

namoyon bo‘lgan: dasturiy-texnik ekspertiza, kompyuter-muhandislik ekspertizasi, axborot-hisoblash tizimlarining sud-texnik ekspertizasi, sud-kibernetika ekspertizasi va h.k. O‘tgan asrning oxiriga kelib bu turdagи sud ekspertizasi muhandislik-texnik ekspertizalar sinfiga kiritilib, kompyuter-texnik ekspertizasi deb atala boshlangan, chunki kompyuter texnologiyalari muhandislik-texnika fanlarining rivojlanishi evaziga paydo bo‘ldi, shu bois bugungi kunda bu atama deyarli barcha tomonidan qabul qilingan.

Hozirgi kunda sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi obyektning kompyuter vositasi va mobil qurilma sifatidagi maqomini aniqlash, tergov qilinayotgan jinoyatdagi rolini aniqlash va o‘rganish, shuningdek, ma’lumot tashuvchilaridan axborot olish, keyinchalik uni har tomonlama o‘rganish maqsadlari uchun amalga oshiriladi.

Sud ekspertizasi sohasida ekspert uchun asosiy tushunchalardan biri bu ekspertiza obyekti va ushbu ekspertiza obyekti ekspert vakolat doirasini aniqlashda asosiy omil hisoblanadi. Bugungi kunda ekspertiza obyektining texnik xususiyatlari va funksional maqsadlaridan kelib chiqib quyidagicha guruhlanadi va tasniflanadi:

Texnik guruh ekspertiza obyektlari:

- shaxsiy (statsionar va monobloklar) kompyuterlar;
- noutbuklar;
- qattiq magnit diskli ma’lumot saqlovchilar (HDD);
- flesh-xotira qurilmalari;
- raqamlı foto-video kameralar;
- integral mikrosxemalar asosidagi xotira qurilmalari (SSD);
- kompakt disklar;
- mobil qurilmalar (telefonlar, smartfonlar, planshetlar, smart soatlar va boshqalar);
- SIM-kartalar;
- mobil qurilmalarga o‘rnataladigan xotira kartalari;
- videokuzatuv tizimlari boshqaruv bloki va xotira qismlari;
- shuningdek, boshqa ma’lumotlarni saqlash, tashish va olib yurish funksiyasiga ega qurilmalar.

Ma’lumotlar guruhidagi ekspertiza obyektlari:

- kompyuter vositalari yordamida tuzilgan matn va grafik hujjatlar;
- multimedia formatidagi ma’lumotlar;
- amaliy xarakterga ega bo‘lgan ma’lumotlar

bazalari, shuningdek, ilovalar formatlaridagi ma'lumotlar va boshqalar.

Sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi tadqiqotini o'tkazishda ekspert uchun nafaqat nazariy va amaliy bilimlar, balki tadqiqot o'tkazish ushun qo'llaniladigan uskunalar ham muhim o'rinn tutadi va ekspert obyekt haqida to'liq, aniq va ishonchli ma'lumot olish va xolis xulosa berishiga imkon yaratadi.

Ta'kidlash joiz, ayrim hollarda jinoyat izini yo'qotish maqsadida jinoyatchi yoki aloqador shaxslar tomonidan dalillarni yo'qotish maqsadida kompyuter xotirasi, flesh-xotira, mobil qurilma yoki video kuzatuv tizimi xotirasidagi yozuvlarni o'chirib tashlash, mobil qurilmalarni maxsus shifrlash usullaridan foydalanib bloklab qo'yish yoki ushbu qurilmalarni qasddan ishdan chiqarish holatlari sodir bo'ladi. Bunday holatlarda ma'lumotlarni ochish, qurilmadan olish yoki qayta tiklash jarayonlarini amalga oshirishda maxsus qurilmalardan va dasturiy-texnikaviy komplekslardan foydalaniadi(1-rasm).




1-rasm. O'chirilgan va zararlangan ma'lumotlarni qayta tiklashga mo'ljallangan portativ dasturiy-texnikaviy kompleks (PC-3000 Portable III Systems).

Kompyuter texnikaviy ekspertizasi sohasidagi eng so'nggi va keng imkoniyatlarga ega bo'lgan ushbu portativ dasturiy-texnikaviy kompleks, ma'lumotlarni qayta tiklashda unikal instrument bo'lib, magnit disklardagi nafaqat mantiqiy balki fizik zararlanishga uchragan qurilmalardagi ma'lumotlarni ham qayta tiklash imkoniyatini beradi, shuningdek, SATA / PATA* / USB, SATA SSD / M.2 PCIe NVMe, AHCI va RAID texnologiyalari asosida ishlovchi barcha qurilmalarni zarurat bo'lganda voqeja joyiga borib o'rganish imkoniyatini ham yaratadi.

Shuningdek, PC-3000 Portable III Systems dasturiy-texnikaviy kompleksining qayta

tiklashdan oldingi diagnostikani amalga oshirish uchun alohida portlari mavjud bo'lib, ushbu portlar bilan ma'lumot almashishni 360 Mb/s va undan yuqori tezlikda amalga oshirish mumkin(2-rasm), shuningdek, maxsus qo'shimcha adapterlar yordamida ushbu portlar sonini keragicha ko'paytirish imkoniyati mavjud.

Zarur hollarda PC-3000 Portable III Systems dasturiy-texnikaviy kompleksining avtonom rejimi yordamida xotira qurilmalarini klonlashni amalga oshirish mumkin va bu ekspertiza obyektni tashqi ta'sirlardan ehtiyoj qilish uchun juda muhim hisoblanadi.



2-rasm. PC-3000 Portable III Systems dasturiy-texnikaviy kompleksining diagnostika tezligi.

Shuni yodda tutish kerakki, bitta va bir xil subyekt har xil turdag'i ekspertiza obyekti bo'lishi mumkin. Masalan, turli xususiyatlarga ega bo'lgan planshet yoki kompyuter sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi obyekti, mobil qurilmalar ekspertizasi obyekti yoki sud-trasologik ekspertizasi obyekti bo'lishi mumkin. Bunda har bir tadqiqot turi obyektning turli xususiyatlarini turli yondashuvlar asosida o'rganadi.

Sud-kompyuter texnikaviy ekspertizasining umumiyligi predmeti jinoiy, fuqarolik va ma'muriy huquqbazarlik to'g'risidagi ish materiallarida qayd etilgan axborot jarayonlarini amalga oshirishni ta'minlaydigan kompyuter vositalari va mobil qurilmalarning rivojlanish va ekspluatatsiya qilish qonuniyatlarini o'rganish asosida aniqlangan faktlar va holatlardir.

Shuningdek, sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasini bajarish orqali quyidagi masalalar hal etiladi:

- texnik qurilmalarning apparat komponentlaridan kelib chiqib uning umumiy

holati va ishslash qobiliyatini hamda fizik jihatdan nuqsonlar mavjud yoki mavjud emasligini aniqlash;

- taqdim etilgan axborot tashuvchilarning namunalaridan ish holatlari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni qidirish;
- ma‘lumot tashuvchida mavjud bo‘lgan ma‘lumotlarning asosiy xususiyatlarini (yashirin, o‘chirib yuborilgan, aniq va boshqalar) aniqlash;
- tekshirilayotgan axborotning xossalarni o‘zgartirish shartlarini aniqlash (masalan, fayl mazmuniga o‘zgartirish kiritish shartlarini aniqlash va hokazo).

Mobil qurilmalarni tadqiq qilishdagi vazifa tadqiqot obyekti (telefon, planshet, smart soat va shu kabilar) xotirasidagi ma‘lumotlarni ishonchli usul va vositalar orqali olishdan iboratdir.


Bunda ekspert obyekt bo‘yicha umumiylasalani hal qilishda quyidagi bosqichlarni to‘g‘ri va aniq bajarishi talab etiladi:

- ishslash qobiliyati bo‘lmagan mobil qurilmalarni ishslash holatiga keltirish;
- mobil qurilmalar xotirasidagi ma‘lumotlarni olish (ekspert ish joyida maxsus dasturiy-texnik vositalar, dasturiy ta‘minot, metodlar va boshqa vositalardan foydalangan holda);
- olingan ma‘lumotlarni tahlil qilish.

Tadqiqot o‘tkazishda maqsadga erishish bevosita ekspertiza tayinlovchi tomonidan qo‘yiladigan savollarga ham bog‘liq bo‘ladi. Shu sababdan ekspert tadqiqot usulini tanlashda savolning to‘g‘ri, tushunarli va aniq qo‘yilganligiga e’tibor qaratishi lozim.

Sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasini tayinlashda qo‘yiladigan savollarga quyidagicha umumiylab mayjud:

1. Ekspert oldiga savol qo‘yishda jargon va



noprofessional (“vinchester”, “loglar”, “buzish”, “tosh”, “materinka” yoki “matplata” va boshqalar) atamalardan xoli, ilmiy asoslangan atamalardan foydalanish kerak. Qonun hujjatlarida yoki me’yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan atamalar mavjud bo‘lmaganda, hujjatlarda, qo‘llanmalarda, ma‘lumotnomalarda va texnik, dasturiy mahsulotlarni ishlab chiquvchilar tomonidan qo‘llaniladigan atamalardan foydalanish talab etiladi.

2. Savollar aniq va tushunarli bo‘lishi kerak.

3. Savolning mazmuni axborotlarni tadqiq qilish bosqichlariga taalluqli bo‘lmasligi kerak (masalan, axborot tashuvchilarning xususiyatlari va ularda axborotni joylashtirishning o‘ziga xosliklarini tavsiflash, o‘chirilgan fayllarni tiklash va ular orasidan ma‘lumotlarni qayta tahlil qilish axborotlarni tadqiq qilishning majburiy bosqichi hisoblanadi).

4. Savollar ma‘lumot ma’nosida bo‘lmasligi kerak.

5. Savollar huquqiy tusga ega bo‘lmasligi va ekspertning vakolati doirasidan tashqariga chiqmasligi zarur.

6. Savollar mavjud uslubiy va texnik bazaga mos kelishi kerak.

Bundan tashqari, ekspertiza tayinlovchi organ yoki mansabdar shaxs tomonidan ishning mohiyatidan kelib chiqqan holda, alohida holatlarni e’tiborga olish va savollarni qoyishda individual yondashuv asosida ekspertiza tayinlashi kerak bo‘ladi va shunday alohida yondashuvlar uchun belgilangan maxsus talablar qo‘yiladi.

Sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasini tayinlashdagi savollarga maxsus talablar:

1. Savollar tekshirilayotgan voqe-a-hodisaning aniq holatlarini aniqlashga qaratilgan bo‘lishi kerak.

2. Savollar shunday qo‘yilishi kerakki, natijada tadqiqotlar tergovning aniq muammolarini hal qilsin va bu orqali tadqiqot o‘tkazish uchun sarf-xarajatlar (moliyaviy, texnik, vaqt va boshqalar sarfi) ni maksimal darajada optimallshtirishga xizmat qilsin.

3. Savollar ekspertiza tayinlangan muassasa ekspertlarining tayyorgarlik darajasi va instrumental jihozlariga va mavjud imkoniyatlariga mos kelishi kerak.

4. Savollar tadqiqot uchun taqdim etilgan ashovyoviy dalillarga mos kelishi lozim.

Misol tariqasida mavjud obyekt sifatida qaralayotgan kompyuterdagi ma'lumotlarni qidirish uchun sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasiga quyidagicha savollarni qo'yish mumkin:

- Taqdim etilgan obyekt (kompyuter) xotirasida o'chirilgan fayllarni (audio, foto, video, matn va boshqalar)ni tiklash mumkinmi?
- Taqdim etilgan mobil qurilma ekspertiza uchun taqdim etilgan kompyuterga ulanganmi?

Tayinlangan ekspertiza obyektlariga qo'yilgan savollarga javob berish uchun ekspert bir nechta tadqiqot usullaridan foydalanadi.

Sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi tadqiqotini o'tkazishning quyidagi turlari mavjud:

vizual tekshirish;

ilmiy usul – belgilangan soha yoki faoliyatga tegishli ilm-fan amaliyotiga asoslangan usul bo'lib, kriminalistikaning umumiyl tadqiqot usullariga zid kelmagan holda, sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi obyektining o'ziga xos

xususiyatlari va alohida belgilarini aniqlash uchun qo'llaniladi;

ratsional-his qilish usuli – bunda ekspertning bilimlari, tajribasi va malakasi asosida shakllangan kuzatish, taqqoslash, tajriba qilish, modellashtirish va ta'riflash kabi ko'nikmalari asosida tadqiqot o'tkaziladi;

vizual kuzatish usuli – o'rganilayotgan obyektning qaysi sinfga aloqadorligini, undagi elektron axborot tashuvchilarni aniqlash, qismlarning fizik jihatdan butunligi va zararlanmaganligiga ishonch hosil qilish.

Sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasi obyektini bevosita vizual anglab yetish natijalari uni o'rganishning keyingi bosqichlari uchun asos bo'lib xizmat qiladi va o'rganilayotgan obyektning qaysi sinfga aloqadorligini belgilash, undagi elektron axborot tashuvchilarni aniqlash vizual tekshirish orqali amalga oshiriladi. Tadqiqotning keyingi bosqichlarida foydalilanilgan usullardan olingan natijalar bevosita vizual tadqiqot davomida olingan natijalar bilan umumlashtiriladi va ular barcha uchun tushunarli shaklda taqdim etiladi.

ADABIYOTLAR

1. Abrarov N.B., Shomaxsudov Sh.Sh., Yuldashev X.I., Yo'ldoshev T.A. Sud-kompyuter-texnikaviy ekspertizasini bajarish (ekspertlar uchun uslubiy tavsiyalar). – Toshkent, 2020.
2. Андриевский В.А., Куля А.В., Лапина И.А., Малашкевич А.А., Молчанов П.А., Рыбчин Д.В., Поскребко А.Л., Яцынович А.А. 1-99 03 71 Судебная экспертиза компьютерных средств и технологий, радиоэлектронных устройств: Пособие для обучения слушателей по специальности переподготовки. – ГКСЭ Республики Беларусь, 2016.
3. O'z DSt ISO/IEC 27037:2017 (ISO/IEC 27037: 2012, MOD) Информационная технология. Методы обеспечения безопасности. Руководящие указания по идентификации, сбору, получению и сохранению цифровых доказательств.
4. Россинская Е.Р., Шамаев Г.П. Специализированный словарь компьютерной лексики для экспертов судебной компьютерно-технической экспертизы / составит.: Эджубов Л.Г. [и др.]; отв. ред.: А.И Усов. – М.: ГурФЦЭ при Минюсте России, 2009. – С. 155.
5. Россинская Е.Р. Криминалистическое исследование компьютерных средств и систем как новый раздел криминалистической техники.
6. Руководство пользователя PC-3000 Portable III.
7. <https://www.acelab.ru>.
8. <http://wikipedia.org>.
9. <https://open-file.ru>.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада анъанавий криминалистик экспертизаларнинг мустақил турларидан бири бўлган хатшунослик экспертизасининг келиб чиқиши ва ривожланишининг қисқача тарихи, Ўзбекистон Республикасида хатшунослик экспертизасининг замонавий ҳолати, жиноятчиликни фош қилишда тутган ўрни, ушбу тур экспертизасига бугунги кундаги талаб тўғрисида бир қатор маълумотлар келтириб ўтилган. Шунингдек, амалиётда хатшунослик экспертизаси хуносаларини шакллантириш жараёнида мавжуд бўлган бир қатор муаммоларнинг қисқача таҳлили ва ушбу муаммоларни бартараф қилиш юзасидан асосланган таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: хатшунослик экспертизаси, эксперт хуносаси, қайта экспертиза, идентификация.

АННОТАЦИЯ

В статье представлена краткая история возникновения и развития судебно-почерковедческой экспертизы, одного из самостоятельных видов традиционных судебных экспертиз, современное состояние судебно-почерковедческой экспертизы в Республике Узбекистан, ее роль в раскрытии преступлений, востребованность этого вида судебного экспертизы. Также на практике был проведен краткий анализ ряда проблем, существующих в процессе формирования выводов почерковедческой экспертизы и внесены предложения по устранению этих проблем.

Ключевые слова: почерковедческая экспертиза, заключения эксперта, повторная экспертиза, идентификация.

ANNOTATION

This article presents a brief history of the emergence and development of forensic handwriting expertise, one of the independent types of traditional forensic examinations, the current state of forensic handwriting expertise in the Republic of Uzbekistan, its role in solving crimes, the modern relevance of this type of forensic examination. Also, in practice, a brief analysis of a number of problems existing in the process of forming the conclusions of the handwriting examination, which will be compiled at the end of this type of examination, was carried out, and proposals were made to eliminate these problems.

Key words: handwriting expertise, expert opinions, re-examination, identification.

Бугунги кунда гарчи ҳаётимизга электрон ҳужжатлар кундан-кунга тобора кўпроқ кириб келаётган бўлса-да, хусусан, электрон имзолар мавжудлигига қарамасдан хатшунослик экспертизаси ўзининг анъанавий криминалистик экспертизалар ичida етакчилик мавқенини ҳалигача сақлаб келмоқда[1,Б.81-85]. Бунга ўтган 2021 йилда Адлия вазирлиги хузуридаги X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази томонидан 33 391 та экспертиза тадқиқотлари ўтказилганлиги, шулардан 1641 таси айнан Ҳужжатлар криминалистик экспертизаси лабораториясида ўтказилган экспертизалардир. ИИВ ЭКБМ ва унинг худудий ИИО ЭКБ ходимлари томонидан жами бажарилган экспертиза тадқиқотларининг 14.2% айнан хатшунослик экспертизаси ҳиссасига тўғри келганининг ўзи исбот бўлиши мумкин[2]. Ушбу кўрсаткич анъанавий еттига тур (суд-дактилоскопия, суд-баллистика, ҳужжатларнинг суд-техник криминалистик экспертизаси, суд-трасология, суд портрет, совуқ куроллар суд экспертизаси ва суд-хатшунослик) экспертиза тадқиқотлари ичida етакчи эканлиги, бугунги кунда ушбу экспертиза тадқиқотига бўлган талабнинг нечоғлик эканини кўрсатмоқда. Шу сабабдан ҳам ушбу тур экспертиза тадқиқотининг ҳар бир қисмини ўрганиш бугунги куннинг долзарб бўлган вазифаларидан ҳисобланади. Ушбу мақолада хатшунослик экспертизасининг юртимиздаги замонавий ҳолати, муаммолар ва ушбу муаммоларни бартараф қилиш юзасидан бир қатор таклифлар келтириб ўтилади. Дастлаб хатшунослик экспертизаси назарий тушунчаси тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофик.

Суд хатшунослик экспертизаси – бу криминалистик техниканинг алоҳида бир бўлими бўлиб, жиноят, фуқаролик процессида қарор қабул қилишда далилий аҳамиятга эга бўлган фактик маълумотларни аниқлаш учун қўлёзма ёзув ва имзоларни ўрганиш усуллари тўғрисидаги билимлар мажмуи ҳисобланади[3].

Ҳар бир мустақил соҳанинг ўз ривожланиш тарихи бўлгани каби хатшунослик экспертизасининг ҳам бугунги ҳолатга келгунга қадар босиб ўтган, ўзига хос ва мос бўлган ривожланиш йўли мавжуд. Агар ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, хатшунослик экспертизаси тарихи жуда узок даврни ўз ичига олади. Тарихий маълумот-

лар шундан далолат берадики, ушбу соҳанинг дастлабки кўринишлари Қадимий Рим империяси даврига бориб тақалади. Дастлаб Византия императори Юстиниан (V–VI аср) даврида хатшунослик суд-хукуқ тизимига киритилган. XV асрга келиб эса хатшунослик Россияда ўзининг ривожланиш йўлини топди ҳамда мамлакатда ҳужжатларнинг сохталиги масаласига ойдинлик киритиши учун ишлатила бошланди. Шундай бўлишига қарамасдан ҳужжатларни тадқиқ қилиш бўйича ишларнинг дастлабкиси Францияда XVII аср бошларида пайдо бўлган[4].

Хатшунослик экспертизасининг тарихи гарчи узок асрларга бориб тақалса-да, ҳозиргacha ҳам амалиётда ушбу тур экспертиза тадқиқотлари билан боғлиқ саволлар ва муаммоли ҳолатлар етарлича топилади[5].

Юқорида таъкидлангани каби хатшунослик экспертизасининг тарихи узокқа бориб тақалгани билан ушбу соҳани криминалистика фанидан олдин пайдо бўлган деб тушуниш хато бўлади. Зоро, хатшунослик экспертизасининг дастлабки кўринишлари айнан ушбу соҳа бўйича мутахассислар эмас, балки шунчаки тасодифий шахслар томонидан ўтказилганлиги, ушбу шахслар ичida энг яхшилари сифатида ўқитувчилар, расомлар, баъзан эса исталган саводли кишиларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Хатшунослик экспертизасининг чет мамлакатлардаги ривожланиши А.Бертиллон, Э.Локар, С.Оттолэнги, А.Осборн каби криминалист олимларнинг номлари билан боғлиқ. Хатшунослик экспертизасининг ривожланишида рус криминалист олими Е.Ф.Буринскийнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу олим ўзининг китобларида суд хатшунослик экспертизаси ҳақида аниқ бир тушунчаларни келтириб ўтган[4]. Мазкур экспертиза тадқиқоти тури ўз навбатида идентификацион, диагностик ҳамда ситуациян турдаги масалаларга ойдинлик киритиши учун ишлатилади[6, 212-214 - б].

Мақоланинг кириш қисмida таъкидлаб ўтилгани каби бугунги кунга келиб хатшунослик экспертизаси юртимизда энг кўп тайинланётган экспертиза турларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам ушбу соҳани ўрганиш бугунги кун талабидир. Бироқ барча соҳада бўлгани каби хатшунослик экспертизаси ҳам ўз ривожланиш йўлида муаммолардан холи эмас. Ушбу мақолада шу муаммолардан бир нечталарини кўриб чиқамиз.

Дастлабки муаммо бу – *хатшунослик экспертизасини ўрганиш* учун ўзбек тилидаги адабиётларнинг ниҳоятда камлиги

Ушбу муаммо ғоят долзарб аҳамият касб этаётгани боис, соҳани ривожлантириш учун ушбу йўналишда



билимли ва малакали кадрлар лозим. Бироқ мұайян йұналишда етук малакали кадр тайёрлаш учун албатта шу соҳада адабиётлар етарлы бўлиши лозим.

Бугунги кунда хатшунослик экспертиза-сининг юртимиздаги фаолияти асосан чет эл, хусусан, рус олимлари томонидан ёзилган китоблар билан боғлик равища кечмоқда. Гарчи мамлакатимиз илмий салоҳияти нихоятда юксак бўлса-да, хатшунослик экспертизаси йұналиши бўйича илмий салоҳият билан мақтанишимиз кийин. Ҳар бир соҳанинг ривожланиши ушбу соҳага бўлган эътибор билан боғлик жараёндир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилишга, шахснинг хукуқ ва эркинликларини ишончли химоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган самарали ишлар амалга оширилди[7].

Жорий йил 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-122 сонли қарорга имзо қўйилиши Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини тубдан ўзгартирди десак муболаға бўлмайди.

Юкорида келтириб ўтилган қарор асосида юртимизда эксперт-криминалистика фаолияти, хусусан, хатшунослик экспертизаси йұналишида ҳам тубдан ўзгаришлар қилиш вақти келди. Бироқ бугунги кунда жиноят турлари, уни содир этаётган шахслар кўлами, содир этиш усули шу қадар тез фурсатда ўзгармокдаки, биз ушбу жиноятларни ўз вақтида иссиқ изидан очиш ниятига, криминалистика соҳасида, хусусан, хатшунослик экспертизасига янги методикалар яратмасдан ҳамда ушбу соҳага янги технологиялар жорий килмасдан туриб эришиб бўлмаслигини тушунишимиз лозим.

Ушбу қараш орқали ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлиб турган хатшунослик экспертизаси методикалари эски ёхуд фойдаланмаслик керак деган фикрдан йироқман, аксинча ушбу методикалар негизида биз юртимизнинг криминоген вазиятидан, содир этилаётган жиноятлар тенденцияларидан келиб чиқкан ҳолда мамлакатимиздаги малакали хатшунос эксперталар бирлашиб ушбу соҳа ривожланган чет давлатлар олимлари билан ҳамкорликда ўзимизнинг хатшунослик экспертизаси йұналиши бўйича юртимиз учун умумий бўлган ягона методика ишлаб чиқишимиз лозим.

Хатшунослик экспертизаси анъанавий экспертиза тадқиқотлари ичida автоматлаштирилган тизим мавжуд бўлмаган кам сонли экспертиза турларидан биридир. Ушбу экспертизада

инсон омили жуда муҳим бўлиб, эксперт олдига ҳал қилиниши назарда тутилган деярли барча масалаларга хатшунос эксперт автоматлаштирилган тизим орқали эмас, балки ўзининг билим салоҳияти, тажриба ва кўникмасига асосланган ҳолда хulosаса беради. Шунинг учун ҳам хатшунослик экспертизаси доирасидаги бажарилган экспертиза хulosалари бўйича қайта экспертиза тайинлаш ҳолатлари бошқа тур экспертиза тадқиқотларига нисбатан анча кўп учрайди. Шу ўринда эксперт хulosаси ҳақида:

Суд экспертининг хulosаси (хulosаса) – суд эксперти ёки суд эксперлари комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилишини ва натижаларини акс эттирадиган ёзма ҳужжат[8].

Маълумки, қайта экспертиза тайинланганда эксперт (эксперлар комиссияси) олдига илгари қўлланилган эксперт текшируви усусларининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин [9]. Бундай вазиятларда асосан қайта ўтказилган экспертиза якунда дастлабки бажарилган экспертиза хulosаси илмий асосланмаган деган мазмундаги хulosага келинади. Бу эса ўз навбатида юртимизда хатшунослик экспертизасини ўтказиш юзасидан барча давлат ва надавлат экспертиза муассасалари томонидан яқдил равишда қабул қилинган методиканинг йўқлиги билан боғлиқ бўлган навбатдаги муаммони кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда юртимизда

хатшунослик экспертизасини ўтказиш юзасидан барча давлат ва надавлат экспертиза муассасалари томонидан яқдил равишда қабул қилинган методика йўқ. Ушбу муаммо ҳам биринчи келтириб ўтилган муаммо билан бевосита боғлиқдир. Бу муаммонинг ечими эса қуидагилардир:

– юртимиздаги барча хатшунослик экспертизасини амалга оширувчи давлат ва надавлат экспертиза муассасалари, ушбу йўналишдаги таълим муассасалари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасида хатшунослик экспертизасининг замонавий ҳолати, муаммо ва ечимлар” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этиш;

– ушбу конференцияда хатшунослик экспертизасини ўтказиш бўйича мавжуд муаммоларни ўртага ташлаб, якунда барча манфаатдор ташкилотларнинг малакали хатшунос эксперпларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантириш;

– ишчи гуруҳ олдига юртимиздаги хатшунослик экспертизасини ўтказиш фаолияти билан боғлиқ бўлган барча муаммоларнинг ечими назарда тутувчи методик тавсиялар ишлаб чиқиши масаласини қўйиш.

Юқоридаги тавсияларга амал қилинган тақдирдагина бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалда энг кўп ўтказилаётган экспертиза тадқиқоти бўлган хатшунослик экспертизаси йўналишидаги бир қатор муаммоларга ечим топилгани ҳолда ушбу фаолиятнинг келгусидаги равнақини таъминлашимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР

- Петрова Б.И. Предмет, задачи и объекты судебно-почерковедческой диагностической экспертизы по установлению психологических свойств исполнителя рукописи / Б. И. Петрова // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Право. – 2016. – Т. 16. – № 2. – Б. 81-85. – DOI 10.14529/law160213.
- ИИВ ЭКБМнинг 2021 йил якунлари юзасидан қилинган ҳисобот. – Тошкент, 2022.
- Почерковедение и почерковедческая экспертиза. Курс лекции. – Волгоград, 2002.
- Кошманов М.П., Кошманов П.М. Признаки почерка экспертно – криминалистическом исследовании.
- Юматов В.А. Проблемы исследования рукописей, выполненных в состоянии утомления и усталости, на современном этапе развития почерковедческой экспертизы / В. А. Юматов // Вопросы экспертной практики. – 2019. – № S1. – С. 753-758. – EDN HPGZHM.
- Охлупина А.Н. К вопросу о современных возможностях исследования объектов судебно-почерковедческой экспертизы / А. Н. Охлупина // Вестник Московского университета МВД России. – 2020. – № 6. – С. 212-214. – DOI 10.24411/2073-0454-2020-10353. – EDN BVEHDW.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 08.02.2022 йил ПҚ-122 сонли қарори.
- Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни.
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент, 1994.

“SHAXSNI OBRO‘SIZLANTIRISH” MAZMUNLI MATNLARDA LINGVISTIK EKSPERTIZA O‘TKAZISHNING KRIMINOLINGVISTIK ASOSLARI

*NAJMIDINOVA Nilufar
Yuldashevna,
Adliya vazirligi huzuridagi
X.Sulaymonova nomidagi
Respublika sud ekspertizasi markazi
Hujjatlar kriminalistik ekspertizasi
laboratoriysi eksperti*

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada haqorat deb qaralayotgan matnlar va ularni lingvistik ekspertizadan o‘tkazish, bu boradagi mavjud muammolar hamda ularning yechimi bo‘yicha amalga oshirilgan va amalga oshirilishi lozim bo‘lgan dolzarb vazifalar haqida fikr yuritiladi.

Kalit so‘zlar: haqorat, tuhmat, lingvistik ekspertiza, axborot, maxsus lug‘at, qonunchilik, sud, vaziyatlar, javobgarlik.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются тексты, признанные оскорбительными, и проведение по ним лингвистической экспертизы, актуальные в этой сфере проблемы и задачи по их решению.

Ключевые слова: оскорблениe, клевета, лингвистическая экспертиза, информация, специальный словарь, законодательство, суд, ситуации, ответственность.

ANNATATION

The article deals with texts recognized as offensive, and the conduct of linguistic expertise on them, current problems in this area and tasks for their solution.

Key words: insult, slander, linguistic expertise, information, special dictionary, legislation, court, situations, responsibility.

Inson hayotida til shu qadar muhim vositaki, usiz hayotni tasavvur etib bo‘lmaydi. Insonning olam va undagi barcha narsalar bilan muomalasida tilning ishtiroki alohida o‘ringa ega. Ayniqsa, insonlar orasidagi o‘zaro muloqtlarda buni yaqqol kuzatish mumkin. Albatta, bunday munosabatlarda turli ziddiyat va tushunmovchiliklар yuzaga kelishi tabiiy hodisa. Biz tadqiq qilayotgan mavzu ham shunday muammoli vaziyatlar va ularning til bilan bog‘liq bahsli masalalarini imkon qadar hal etishga erishishga qaratilgan. O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksida shunday modda mavjud: “140-modda. Haqorat qilish”.

Haqorat qilish, ya’ni shaxsning sha’ni va qadr-qimmatini beodoblik bilan qasddan tahqirlash, basharti, shunday harakatlar uchun ma’muriy jazo qo’llanilgandan keyin sodir etilgan bo‘lsa, –

bazaviy hisoblash miqdorining ikki yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki ikki yuz qirq soatgacha majburiy jamoat ishlari yoxud bir yilgacha axloq tuzatish ishlari bilan jazolanadi.

Nashr qilish yoki boshqacha usulda ko‘paytirilgan tarzda, shu jumladan ommaviy axborot vositalarida, telekommunikatsiya tarmoqlarida yoki Internet jahon axborot tarmog‘ida joylashtirish orqali haqorat qilish –

bazaviy hisoblash miqdorining ikki yuz baravaridan to‘rt yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki ikki yuz qirq soatdan uch yuz soatgacha majburiy jamoat ishlari yoxud bir yildan ikki yilgacha axloq tuzatish ishlari bilan jazolanadi.

Haqorat qilish:

a) jabrlanuvchini o‘z xizmat yoki fuqarolik burchini bajarishi munosabati bilan bog‘liq holda;

b) xavfli retsidivist tomonidan yoki tuhmat qilganligi uchun ilgari sudlangan shaxs tomonidan qilingan bo‘lsa, – bazaviy hisoblash miqdorining to‘rt yuz baravaridan olti yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki ikki yildan uch yilgacha axloq tuzatish ishlari yoxud bir yilgacha ozodlikni cheklash bilan jazolanadi.”

Qonunlar nimani qilish mumkin-u, nimani qilish mumkin emasligini, umuman olganda, ruxsat va taqiqlarni belgilab beradi. Jinoyat kodeksida shaxsni haqorat qilish mumkin emasligi va unga muayyan jazo muqarrar ekanligi belgilab qo‘yilgan. Biroq, so‘z, gap yoki biror harakatning haqorat bo‘lishi aniq chegaralab berilmagan. Bu esa, maxsus lingvistik bilimga ega bo‘lgan mutaxassislar tomonidan amalga oshiriladigan vazifa.

Haqorat – bu shaxs sha’ni va qadr-qimmatini qasddan kamsitish maqsadida odobsiz shaklda ifodalangan gap yoki xatti-harakat. Haqorat bildirish (og‘zaki, yozma) yoki harakat (tupurish), nomaqbul imo-ishora (nomaqbul ishoralarga odamlar orasida haqorat sifatida qabul qilinadigan harakatlar, masalan, ko‘rsatkich barmoqni peshonaning yon tomoniga qo‘yish bilan o‘sha insonning aqli pastligini ko‘rsatish, barmoqlar orqali odamning jinsiy a’zolari va jinsiy yaqinlik qilishni anglatuvchi ishoralar) shaklida ham amalga oshirilishi mumkin.

O‘zbek tilining izohli lug‘atida “Haqorat [a. – pastlik, razillik, tubanlik; pastkashlik; tahqirlash]

1 Kishining or-nomusi, shaxsiyatini pastga uradigan, tahqirlovchi ma’no-mazmunli so‘z, gap. *To‘lqinjon buni darrov payqadi, ko‘zini yashirib, og‘zidan chiqib ketay degan haqoratni “qult” etib yutdi.* F.Musajon, Huri. *Abdubilol endi yig‘lab, og‘ziga kelgan gapni qaytarmadi, alamidan akasining yuziga tupurdi.* S. Yunusov, Kutilmagan xazina.

2. Shunday ma’no-mazmunli muomala, xatti-harakat, holat. *U [o‘quvchi bola] lovullab turgan qulog‘ini ushlagancha, Hojiga qaradi va bisotidagi eng og‘ir; eng dahshatli haqoratni ishlatdi, ya’ni “tarbiyasiz!” dedi.* A.Qahhor, Asarlar. *Asal xola o‘g‘lining ichmasligini bilardi, tergovchining bu gapi haqorat bo‘lib tuyuldi.* S.Yunusov, Kutilmagan xazina. *G‘ulomjon stoldagi nonlarga qarab, ko‘ngli buzildi. Uning sof niyatiga bu bir haqorat bo‘lsa ham, odamlarning ma’rifat uchun og‘zilaridagi oshlarini berishga tayyor ekanliklarini o‘ylab, Matqovul kambag‘alga rahmi kelib ketdi.* M.Ismoilii, Farg‘ona t. o. *Bizning mayda-chuyda hokimlarimiz birlasha olmagani tufayli, katta kuchga ega bo‘lgan istilochining hamlasiga dosh berolmadik.. xotinlarimiz, qizlarimiz olib*

ketildi. Bundan ortiq haqorat bormi, Me'mor?! Mirmuhsin, Me'mor".

“Haqorat qilmoq ayn. *haqoratlamoq*. Siz bo'lsangiz, “meshchan”, deb haqorat qildingiz ularni. A. Muxtor, Tug'ilish. Ha, meni haqorat qilgan tillaring uzilsin! D. uriy, Osmon ustuni. Bahsda qizishgan, baqirgan, qarshi tarafni haqorat qilgan odam doim yutqazadi. F.Musajonov, Himmat.”

“So'kmoq II

1 Yomon so'zlar bilan urishmoq, haqorat qilmoq. – *Ha, noinsof, ha ko'ppak! – Qoratoy boy ni so'ka boshladi. – Iflos qarg'a!* Oybek, Tanlangan asarlar. *Ochman! Yalang'ochman! Xorman!* Siz u deb so'kasiz, bu deb so'kasiz, basda shuncha xo'rlaganingiz. M.Ismoiliy, Farg'ona t. o.”

O'zbek tilining izohli lug'atida haqorat nima ekanligi aytilgan bo'lsa-da, biroq so'zlarning haqorat ma'nolari keltirilmagan. Masalan, *turshak* so'zini olaylik. O'TILDA: “TURSHAK Danagi bilan quritilgan o'rik. *Qandak turshak. Turshak solmoq. Zebi-xon patnisda non, turshak olib chiqib, ular [mehmonlar] oldiga qo'ydi.* S.Ahmad, Ufq. *Aloqachi ham og'ziga turshak solib shimib o'tirar, danagini qasir-qasir chaqar, mag'zini yerdi.* M.Muhamedov, Qahramon izidan.

Turshak suvi. Turshakni suvda qaynatib tayyorlanadigan ichimlik. *Sayilda bir chekkada og'zi qulog'igacha yetgan kvas sotuvchilar. turshak suvi sotuvchilar, no'xatsho'rakchilar yosh bolalarning pullarini aldab olmoqdalar.* M.Muhammadjonov, Turmush urinishlari... *o'rnidan turdi-da, kosadagi turshak suvidan ikki-uch qoshiq ichdi.* Gazetadan.” Toshkent shahar hududida bu so'z shaxsga nisbatan haqorat ma'nosida qo'llaniladi. Ya'ni turshak kabi bujmaygan, g'ijim bo'lgan, taxi buzilgan juda kichik, me'yorli buzilgan kabi ma'nolarda. Bunday muammoli va bahsli masalalar “Haqorat so'zlar, iboralar, maqollar hamda ishoralar”ning maxsus lug'atlarini yaratish orqali hal etiladi.

So'kish so'zlarini qo'llash axloqiy nuqtayi nazardan jamoat ongi tomonidan qoralanadi, ammo bu birlklarni mutlaq taqilangan deyish xato bo'ladi. Masalan, jamoat ongi ulardan foydalanishni oqlashi mumkin bo'lgan holatlar mavjud (jumladan, do'stlar davrasida yumoristik ruhda, ijodkorning badiiy matndagi personajni

tavsiflashi uchun, so'z o'yini maqsadlarida, hazil-mutoyiba maqsadlarida va shunga o'xshash boshqa holatlarda.

Shaxsning nomulkiy ne'matlarini – sha'ni, qadr-qimmati va ishchanlik obro'si qonun bilan himoya qilinadi va shaxs to'g'risida haqiqatga mos kelmaydigan, haqorat yoki tuhmatga to'g'ri keladigan ma'lumotlar tarqatilganda muayyan jazo turi bilan chora ko'riladi. Sha'n va qadr-qimmatni hamda ishchanlik obro'sini himoya qilish to'g'risidagi da'vonni ochish uchun ma'lumotlar haqiqatga to'g'ri kelmaydigan va obro'sizlantiriladigan tarzda tarqatilishi zarur. Agar haqorat deb qaralayotgan ma'lumotlarda bunday belgilar mavjud bo'lmasa, fuqarolik huquqbuzarligining yo'qligini anglatadi va ushbu toifadagi ishlar bo'yicha da'vo qondirilmaydi. Tarqatish, da'vogar (bu ma'lumotda biror narsa tasdiqlangan/inkor qilingan shaxs) bundan mustasno, kamida bitta shaxsga ma'lum bo'lganida amalga oshiriladi, boshqacha qilib aytganda, ma'lumot da'vogarga shaxsan yetib borganda amalga oshirilgan deyiladi. Fuqaro tomonidan amaldagi qonunchilik yoki axloqiy me'yorlar, jamiyatda o'rnatilgan xulq-atvor tamoyillari buzilganligi to'g'risida da'vo qilinsa maxsus ekspertizadan o'tkazish belgilanadi.

Tarqatilayotgan axborot voqeа va faktlarni aks ettirishi, ya'ni isbotlanishi yoki rad etilishi mumkin bo'lgan shaklga (matn, video, audioyozuvarlar, turli belgilar, yoki xolis guvohlar) ega bo'lishi kerak. Shu munosabat bilan, agar tarqatilgan ma'lumotlar baholovchi xususiyatga ega bo'lmasa, sha'nni himoya qilish to'g'risidagi da'vo qanoatlantirilmaydi. Qadriyat haqidagi fikrlarni tarqatish so'z, fikr va e'tiqod erkinligi konstitutsiyaviy prinsipini amalga oshirish deb etirof etiladi; qiymat mulohazalarini taqsimlash shaxslarning nomoddiy manfaatlariga tajovuz sifatida tan olinmaydi.

Tekshirish asosan quyidagi bosqichlarda amalga oshiriladi:

1. Eksperimental (empirik) ma'lumotlarga asoslangan bayonotning haqiqatini aniqlash tartibi. Misol uchun, “Tashkilot hisobraqamidan noqonuniy pullar o'zlashtirilgan” degan xabarni tekshirish mumkin. Haqiqatga muvofiqligi uchun faqat faktlarning ifodasigina tasdiqlanishi mumkin, bizda fikr yoki baho borligini tasdiqlab bo'lmaydigan dalillar (U yomon ishchi).

1-jadval

Haqorat sifatida qaralayotgan matnga tashxis qo‘yish jadvali

Tashxis belgilari	Tuhmat yoki noqonuniy tarqatish orqali obro‘sizlantirishga sabab bo‘lsa (+), aksincha bo‘lsa (-) qo‘yiladi
shaxs yoki tashkilot haqida salbiy ma’lumotlarni xabar qilish	+
salbiy ma’lumot ma’lum bir shaxs yoki tashkilotga nisbatan qo‘llanmoqda	+
salbiy ma’lumotlar faktik tabiatga ega emas	+
axborotni tarqatishning ommaviy va noqonuniy	+
ushbu ma’lumotlarning tabiatini obro‘sizlantirish (ya’ni, lingvistik shaklda ifodalangan, axloqiy me’yorlar yoki qonunlarning buzilishi belgisi)	+
matnning axborot xarakteri, muallifning axborot maqsadi (qo‘yish) (maqola, eslatma, ommaviy nutq, bayonot, so‘rov, ishonchnoma, eslatma, murojaat, axborot xabari va boshqalar).	+
ma’lumotlarning haqiqatga mos kelmasligi (sud tomonidan belgilangan).	+
salbiy ma’lumotlar bilan muloqot qilishning nomaqbul til shaklida	+
Tarqatilgan ma’lumotlarning bilaturib yolg‘on ekanligi (sud tomonidan tasdiqlangan)	+
Qonunda ruxsat etilgan tarzda e’lon qilinmagan	-
Matndagi so‘z, ibora va maqollar maxsus lug‘atlarda haqorat ma’nosini anglatadi	-

2. Ekspert tomonidan olingen xulosani eksperimental usullar bilan qo‘srimcha tasdiqlash (masalan, psixolingvistik eksperiment, so‘rovnama, anketa) mumkin. Shaxsni obro‘sizlantirishga qaratilgan ifodalarni aniqlash ikki xil yondashuv bilan hal etiladi. Masalan, biror shaxs “o‘g‘ri, korruptioner, poraxo‘r, fohisha, bosqinch” deya atalgani haqorat ma’nosida deb da’vo qilinganda, maxsus tekshirishlar, dalillar izlash orqali hal etilsa, “biror-bir shaxsni ma’lum bir hayvonga qiyoslash (kiyikcham, mushukcham, baliqcham, qo‘zicham (o‘zbeklar uchun) maqtash yoki erkalash ma’nosini bo‘lgan o‘xshatishlardan boshqa) “mol, hayvon, eshak, it, itvachcha (o‘zbeklarda cho‘chqa ham haqorat, ruslarda cho‘chqacha erkalash ma’nosida) maymun, ho‘kiz, ilon, suvilon, chayon, qurbaqa, toshbaqa, tasqara, kalamush” kabi holatlarning haqorat ekanligini “Haqorat so‘zlarning izohli lug‘ati” orqali aniqlash mumkin bo‘ladi. Bu o‘rinda shu masala ham muhimki, haqorat deb qaralayotgan ifodalar har doim ham haqorat bo‘lmasligini yuqorida ta’kidlab o‘tdik. Bunday hollarga hududiy xoslanish ham sabab bo‘lishi

mumkin. Ya’ni, ma’lum bir hududda haqorat deb qaraladigan so‘z yoki ibora boshqa bir hududda shunchaki kundalik turmush tarzida qo‘llaniladigan so‘z bo‘lishi mumkin. Masalan, Toshkent hududida “jalla, j...b” shunchaki tilga o‘tirib qolgan parazit so‘z.

—Ich muni, ich j...b! Zaynab orqag‘at islandi... Otabek kosani unga otdi... Zaynabning kiyimi atala bilan belandi. Shuning ustiga dahlizdan Yusufbek hoji ko‘rindi. —Ket, jalab, ket! Taloqsan, taloq! (Abdulla Qodiriy. O‘tkan kunlar. 207-bet). Mazkur o‘rindan ham ma’lumki, yuqorida tahlilga tortilgan so‘z haqorat so‘z, biroq ushbu so‘z na o‘zbek tilining izohli lug‘atida (fohisha so‘ziga aynan sinonim) va na boshqa biror o‘rinda haqorat ma’nosini anglatuvchi ekanligi qayd etilmagan. Bu esa, kimga nisbatan ushbu so‘z qo‘llanganda lingvistik ekspertiza qilinganda haqorat deb xulosa berishga imkon bermaydi, haqoratlangan shaxsning qadr-qimmati kamsitilib, uni haqorat qilgan shaxs esa qonumbuzarlikdan osongina qutulib ketishiga sabab bo‘ladi.

Tashxisli ekspertiza matnni tayyorlash va bajarishdagi mustaqillik darajasi (matn

mustaqil yoki kimir tomonidan aytib turish orqali yozilganmi, masalan, yosh bolaga kattalar tomonidan aytib yozdirish ham mumkin), matnni yaratgan shaxsning psixologik holati qanday, qanday sharoitda yozilganligi haqidagi savollarga ham javob topish kerak bo‘ladi.

Shaxs sha’ni va qadr-qimmatini kansituvchi barcha xatti-harakatlardan faqat nomaqbul shaklda ifodalanganlarigina ma’muriy javobgarlikka sabab bo‘ladi. Bu shaxsning sha’ni va qadr-qimmatini kansitganlik uchun javobgarlikni istisno qilmaydi. Jamiyatda muayyan bir jinoyatni qilib qo‘lga tushgan shaxslarni “poraxo‘r rahbar” “o‘z mansab vakolatlarini suiiste’mol qilish”, “fohisha”, “o‘z tanasini sotish” kabi evfemik birliklar bilan qo‘llash maqsadga muvofiq va bunga teskari hollarni haqorat bo‘lmasa-da (aybi tasdiqlangach, kansitish bo‘ladi), milliylik va umuminsoniylik, yosh avlodning ham go‘zal

tarbiyasini inobatga olish nuqtayi nazaridan to‘g‘ri va maqbul yondashuv bo‘ladi.

Agar asosiy ekspertiza ma’lumotlari yetarlicha aniq bo‘lmasa yoki o‘rganishning to‘liqligiga oid savollar mavjud bo‘lsa, taklif qilingan materiallarning hammasi o‘rganilmagan va hokazo bo‘lsa, qo‘shimcha ekspertiza tayinlanadi.

Qo‘shimcha ekspertiza asosiy ekspertiza natijalarini aniqlash uchun, shuningdek, ishning ilgari o‘rganilgan holatlari bo‘yicha yangi savollar tug‘ilganda, agar ekspertni so‘roq qilish paytida bunday tushuntirishlarni olishning iloji bo‘lmasa, tayinlanadi. Qo‘shimcha ekspertiza o‘tkazish xuddi shu ekspert (ekspertlar komissiyasi) yoki boshqa ekspert (ekspertlar komissiyasi)ga topshirilishi mumkin.

Ekspertni so‘roq qilish – ekspertning o‘zi o‘tkazgan ekspertiza munosabati bilan qo‘shimcha so‘rovi; surishtiruvchi tomonidan amalga oshirilishi mumkin.

ADABIYOTLAR

1. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildli. III jild. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2020. – B. 186.
2. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildli. V jild. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2020. – B. 186.
3. Шабанов М. Особенности проведения судебной лингвистической экспертизы по делам об оскорблении // Вестник ДаГЭСтанского государственного университета. 2010. Вып. 2 – С. 175-179.
4. Abdulla Qodiriy. O’tkan kunlar. www. Ziyouz.com kutubxonasi
5. Lex.uz
6. Norma.uz

KORRUPSIYAGA OID ISHLARNI OCHISHDA MAXSUS KUKUNLAR EKSPERTIZASIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

SAMADOVA

Farangez Zayniddinovna,

*Sud-ekspertlik ilmiy-tadqiqot instituti
Sud-tibbiy, psixiatriya, psixologik va
biologik ekspertizalar ilmiy-tadqiqot
bo‘limi bosh ilmiy xodimi*

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada korrupsiya va uning oqibatlari, nazorat usullari, jazo sifatida qo‘llaniladigan choralar va uning samaradorligi, korrupsiyaga oid ishlarni ochishda maxsus kukunlar ekspertizasidan foydalanishning samarali usuli va qonun-qoidalari haqida ma’lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: korrupsiya, poraxo‘rlik, global muammo, ekspertiza, kriminalistika, Lyuminofor moddalar, fluorescent tahlil, ashyoviy dalillar, kukunlar ekspertizasi, poraxo‘rlik, firibgarlik.

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о коррупции и ее последствиях, методах борьбы, карательных мерах и их эффективности, эффективных методах и правилах применения специальной пороховой экспертизы при раскрытии коррупционных дел.

Ключевые слова: коррупция, взяточничество, глобальная проблема, экспертиза, криминология, люминофоры, флуоресцентный анализ, вещественные доказательства, пороховая экспертиза, взяточничество, мошенничество.

ANNOTATION

This article provides information on corruption and its consequences, control methods, punitive measures and their effectiveness, effective methods and rules for the use of special powder expertise in the opening of corruption cases.

Key words: corruption, bribery, global problem, expertise, criminology, phosphor substances, fluorescent analysis, material evidence, powder examination, bribery, fraud.

Jamiyat rivoji unda yashab turgan insonlar va ular vujudga keltiradigan turli omillarga bog‘liq. Afsuski, butun dunyoda qadimdan ildiz otgan, tomiriga bolta ursa boshqa joydan ko‘karib chiqadigan shunday illat borki, uni yo‘q qilish davr muammosidir.

Korrupsiya – bu jamiyatni turli yo‘llar bilan iskanjaga oladigan dahshatlilik illatdir. Mazkur illat demokratiya va huquq ustuvorligi asoslariga putur yetkazadi, inson huquqlari buzilishiga olib keladi, bozorlar faoliyatiga to‘sinqilik qiladi, hayot sifatini yomonlashtiradi va odamlar xavfsizligiga tahdid soladigan uyushgan jinoyatchilik, terrorizm va boshqa hodisalar ildiz otib, gullashi uchun sharoit yaratib beradigan jamiyat rivojining kushandasidir.

Xalq tilida soddagina qilib – poraxo‘rlik, keng ma’noda korrupsiya deb ataluvchi hodisa barcha islohotlar ildiziga bolta urarkan, ushbu maqolada uni keltirib chiqaruvchi sabab va qarshi kurash choralarini tahlil qilamiz.

Korrupsiya – (lot, Corrumpere) odatda mansabdor shaxslar tomonidan o‘zlariga berilgan mansab vakolatlari va huquqlardan shaxsiy manfaatlarini ko‘zlab qonunchilik va axloq qoidalariiga zid ravishda foydalanilishini anglatadi. Qadim-qadimdan jamiyat ravnaqi uchun ushbu illatga qarshi kurashib kelingan. Afsuski, korrupsiya bilan ayovsiz kurashish bu ba’zan samarasini bergen ba’zan esa yo‘q [2].

Korrupsiya dunyo miqyosida hal etilishi lozim bo‘lgan global muammolardan biridir. Ushbu illat har qanday davlat va jamiyatning siyosiy-iqtisodiy rivojlanishiga jiddiy putur yetkazadi, inson huquq va erkinliklarining poymol bo‘lishiga olib keladi. Shu bois unga qarshi kurash xalqaro ahamiyat kasb etib, jahon siyosatining muhim masalalari qatoridan joy olgan. Ma’lumki, bu illatning kelib chiqish sabablarini aniqlash, korrupsiyaga qarshi kurashning samarali yo‘llarini topish bo‘yicha mutaxassislar, turli institutlar va xalqaro tashkilotlar tomonidan yuzlab, minglab tadqiqotlar o‘tkazilgan. O‘ziga xos reytinglar tuzilib, har xil ko‘rsatkich va raqamlar qayd etilgan jadvallar yaratilgan. Hatto korrupsiyaning

xilma-xil ko‘rinishidagi formulalari ham ishlab chiqilgan. Hanuzgacha barcha millatlar uchun qo‘l keladigan, qarshi kurashda asqotadigan yagona yechim yo‘q. Shunday ekan, har bir millat mazkur illatga qarshi kurashish strategiyasini o‘zi belgilaydi. Shulardan kelib chiqib, 2017-yil 3-yanvar kuni “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi [1] O‘zbekiston Respublikasining qonuni qabul qilinib, korrupsiyaga qarshi kurashishning huquqiy mexanizmi yaratildi. Mazkur Qonunning 3-moddasida korrupsiyaga oid huquqbazarliklarga doir tushunchalarga ta’rif berilgan, ya’ni korrupsiya – shaxsning o‘z mansab yoki xizmat mavqeyidan shaxsiy manfaatlarini, yoxud o‘zga shaxslarning manfaatlarini ko‘zlab moddiy yoki nomoddiy naf olish maqsadida qonunga xilof ravishda foydalanishi, xuddi shuningdek, bunday nafni qonunga xilof ravishda taqdim etishidir.

Mazkur Qonun, o‘z navbatida, fuqarolarga korrupsiya vakorrupsiyaga oid huquqbazarlikning nima ekanligi va ularning salbiy illatlari haqida ma’lumot beradi.

Yurtimizda korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi davlat siyosatining assosiy yo‘nalishlari sifatida, aholining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirish, jamiyatda korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni shakllantirish, davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarida korrupsiyaning oldini olishga doir chora-tadbirlarni amalga oshirish, korrupsiyaga oid huquqbazarliklarni o‘z vaqtida aniqlash, ularga chek qo‘yish, ularning oqibatlarini, unga imkon beruvchi sabablar va shart-sharoitlarni bartaraf etish, korrupsiyaga oid huquqbazarliklarni sodir etganlik uchun javobgarlikning muqarrarligi prinsipini ta’minlash kabi vazifalar ko‘rsatib o‘tilgan.

Darhaqiqat, korrupsiyaga qarshi kurashishda aholining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirish, jamiyatda korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni shakllantirish, davlat organlari va boshqa tashkilotlar xodimlarining huquqiy savodxonligini oshirish, ta’lim muassasalarida korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi huquqiy ta’lim va tarbiya masalalari bugunning muhim vazifalaridandir. Chunki huquqiy ong va huquqiy madaniyati yuksak bo‘lgan hamda huquqiy ta’lim va tarbiya jihatdan

yetuk bo‘lgan insonlar salbiy illat bo‘lmish korrupsiyaga yo‘l qo‘ymaydilar.

Korrupsiya nazorati usullari:

Ichki nazorat – bu usul boshqaruv apparatining o‘zida nazoratni kuchaytiruvchi tuzilmalar (har xil ichki inspeksiyalar va boshqa nazorat organlari tuzish orqali) yaratishni taqozo etadi. Bu tuzilmaning asosiy vazifasi xodimlarning ichki etiket qoidalariga rioya etishini nazorat qilishdir. Hozirgi kunda yurtimizda ham bir qator huquqni muhofaza qilish organlarida aynan shu vazifani bajaruvchi ichki tuzilmalar yaratilgan.

Tashqi nazorat – bu usulda ijro apparatidan mustaqil tuzilmalarning mustaqilligini oshirish nazarda tutilib, aynan ushbu tuzilmalar orqali korrupsiyaga qarshi samarali kurash olib boriladi. Ya’ni, sud hokimiyatining maksimal darajada mustaqilligiga erishish, ommaviy axborot vositalariga ko‘proq erkinlik berish va h.k.

Saylov tizimi orqali kurashish – demokratik davlatlarda saylangan vakillarni korrupsiya uchun jazolashning asosiy usullaridan biri keyingi saylovlarda unga ovoz bermaslik hisoblanadi. Korrupsiyaga saylovlar orqali ta’sir o‘tkazish eng samarali usul hisoblanadi [4].

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi rasmiy saytida yozilishicha, “Korrupsiya – davlat organlari xodimlari moddiy yoki mulkiy yo‘sinda, g‘ayriqonuniy shaxsiy naf ko‘rish maqsadida, o‘z xizmat mavqeyidan foydalanishida ifodalanadigan ijtimoiy hodisadir”. Aslida korrupsiya biror mansabdar shaxsning qonunchilik va axloqqa zid ravishda o‘zining boshqaruv vakolatlari va huquqlaridan shaxsiy manfaatlar maqsadida foya olishidir. Atama, eng avvalo, siyosiy apparat xodimlariga nisbatan qo‘llanishi odatiy tusga kirgan.

Iqtisodchi Berdhenning fikriga ko‘ra, makroiqtisodiy rivojlanish ko‘rsatkichiga eng katta salbiy to‘lqinni olib kiruvchi omil aynan korrupsiya hisoblanadi. Uning ko‘rinishlari turlicha bo‘lishi mumkin: poraxo‘rlik, tovlamachilik, firibgarlik, nepotizm [3].

Korrupsiyaning kelib chiqish sababi

Uning kelib chiqish sabablarini aniqlash, korrupsiyaga qarshi kurashning samarali yo‘llarini topish bo‘yicha mutaxassislar, turli institutlar va xalqaro tashkilotlar tomonidan yuzlab, minglab tadqiqotlar o‘tkazilgan. O‘ziga xos reytinglar tuzilib, har xil ko‘rsatkich va raqamlar qayd

etilgan jadvallar yaratilgan. Hatto korrupsiyaning xilma-xil ko‘rinishdagi formulalari ham ishlab chiqilgan. Hanuzgacha barcha millatlar uchun qo‘l keladigan qarshi kurashda asqotadigan yagona yechim yo‘q. Gap shundaki, korrupsiyaning asl ildizi uning paydo bo‘lish geografiyasi bilan o‘zgaradi. Xo‘sh, O‘zbekistonda qanday omillar uning kurtak otib, “gullab-yashnashi”ga sharoit yaratmoqda?

Avvalo, Adliya vazirligi rasmiy saytida keltirilgan izohni qaytadan ko‘rib chiqish tavsiya etiladi: “Korrupsiya – davlat organlari xodimlari moddiy yoki mulkiy yo‘sinda, g‘ayriqonuniy shaxsiy naf ko‘rish maqsadida, o‘z xizmat mavqeyidan foydalanishida ifodalanadigan ijtimoiy hodisadir”.

Bu yerda kalit so‘z “davlat organlari xodimlari” sanaladi. Ya’ni, ushbu jumlaning o‘zi korrupsiya darajasi yuqori ekanida davlat xizmatchilarining o‘rnii “yuqori” ekanligini ko‘rsatadi. Davlat organlarida xizmat qilayotganlarni bunday qabih ishga qo‘l urishga nima undamoqda?

Javob yana izohning o‘zida yastanib turibdi: “moddiy yoki mulkiy yo‘sinda, g‘ayriqonuniy shaxsiy naf ko‘rish maqsadida”! Tabiiyki, korrupsiya ortida mo‘may daromad topish ilinji turibdi, biroq har bir quyi bosqichda uning hakalak otishiga davlat xizmatchilarining oylik maoshi pastligi sabab bo‘limoqda.

Masalan, mahalliy hokimiyatning oddiy xizmatchisini ko‘z oldingizga keltiring, uning kichik maoshi, aslida xodim inson kapitaliga mos emasligi, korrupsiyaga qo‘l urishga majbur qiladi. Soddaroq qilib aytganda, kuchli bilim va tajribaga ega xodim hech qachon kichik maosh taklif etilgan lavozimda mehnat qilmaydi. Uning oldida tanlash uchun ikkita yo‘l turibdi: ish joyini o‘zgartirib, ko‘p oylik maosh va’da qilgan xususiy sektorga o‘tib ketish yoki kichik maoshga “qanoat” qilib, korrupsiyaga qo‘l urish. Bunday vaziyatda, davlat organlarida kadrlar yetishmovchiligi kuzatilib, tajribali va bilimli mutaxassislarni yo‘qotishi ham hech gap emas.

Davlat organlarida oylik maoshni oshirish bilan korrupsiyaga barham berish mumkinmi? Aslo! Korrupsiya darajasini susaytirish borasidagi takliflarni quyida batafsil mushohada etamiz, lekin, ayni chog‘da uni keltirib chiqaruvchi yana bir omilga e’tibor qaratsak: korrupsiyani keltirib chiqaruvchi sun’iy to‘siqlar.

Sun’iy to’siq deb atalmish jihatlar shundan iboratki, ularning barchasini siyosiy iroda kuchi bilan yo‘q qilish mumkin. Ular nimalar? Ro‘yxatning boshida davlat organlari xodimlarini ishga qabul qilishda yuz berishi “belgilangan mantiqsizlik” va shaffoflikning yo‘qligidir. Gap shundaki, inson kapitalining haqiqiy qiymatini o‘zbek modelidagi “obyektivka” orqali aniqlash mumkin emas. Bo‘lg‘usi kadrning salohiyatini tekshirish, uning psixologik va jismoniy yetukligi o‘rniga “Turarjoy propiskasi”, “yaqin qarindoshining sudlanganligi” kabi foydasiz vajlar har qanday bilimli kishini rasmiy doiradan uzoqroq yurishga undaydi. Agar tajribali va bilimli mutaxassis davlat organida ishlash istagi bilan eshik qoqsa, unga beriladigan ilk topshiriq ham bir talay hujjatlarni yig‘ib kelish bo‘ladi. O‘z o‘rnida har bir ma’lumotnomani olish kichik korrupsiyaga sabab bo‘lishi mumkin.

Undan tashqari, ishga joylashish masalasida har kim “tanish-bilish” tizimi, mahalliychilik, urug‘-aymoqchilik, klanizm kabi “ijtimoiy hodisa” larga duch kelishi tayin. Ana shunday barcha sabablar zamirida korrupsiyaga boshlab boruvchi yo‘l mujassam. Shuningdek, kuchli fuqarolik jamiyatining haqiqiy belgisi sifatida davlat organlarining xalq oldida hisobdorligi, ularning faoliyati va moliyaviy harakatlar aniq raqamlar bilan ifodalanishi shart. Har bir sohaning xalq oldidagi hisobdorligidan tashqari, ayni paytda, Oliy Majlis a’zolari, vazir va davlat qo‘mitalari raislari, yuqori rahbarlik lavozimida ishlaydigan amaldorlarning shaxsiy mol-mulki, daromadlari hamda ularning manbasi shu paytgacha ko‘rsatilmagan. Hisobdorlik shakli qanday bo‘lishi kerak? Agar bironta vazirlik misolida qisqacha tushuntirish berilsa, hisobdorlik belgilangan vazifalar, taqvimdagi masalalar hamda bajarilgan ishlar kabi harakatlar bilan to‘yintirishdan tashqari, moliyaviy shaffoflikni talab etadi. Bunda har qanday oddiy xalq vakili istagan savoliga javob olishga haqli bo‘lishi nazarda tutilsin.

Korrupsiyaga qarshi kurashda BMT muhim rol o‘ynaydi. Ayniqsa, bu borada tashkilotning 2003-yil dekabr oyida qabul qilingan Korrupsiyaga qarshi kurashish konvensiyasi alohida ahamiyatga ega [4]. Shuningdek, korrupsiyaga qarshi kurashishga alohida e’tibor berib kelayotgan xalqaro tashkilotlar sifatida

Yevropa ittifoqi, Jahon banki, Transperenchi Interneyshnl xalqaro nohukumat tashkiloti, Amerika davlatlari tashkiloti, Afrika ittifoqi, Arab davlatlari ligasi, Jahon bojxona tashkiloti singari xalqaro tashkilotlarni sanab o‘tish mumkin [3].

Korrupsiyaga qarshi murosasiz kurashish mustahkam huquqiy asos va samarali mexanizm joriy etilishini talab qiladi. Shu munosabat bilan, mamlakatimizda 2017-yil 3-yanvarda “Korrupsiyaga qarshi kurash to‘g‘risida”gi [1] qonun qabul qilingan edi. Ushbu qonunda davlat organlari va boshqa tashkilotlar korrupsiyaga qarshi kurashish maqsadida huquqiy tarbiya, ilmiy-amaliy tadbirlarni tashkil etish, o‘quv-uslubiy va limiy adabiyotlarni ko‘plab nusxada chop etish yo‘li bilan zarur chora-tadbirlar ko‘rishi lozimligi belgilab qo‘yildi. Qonun 6 bob, 34 moddadan iborat bo‘lib, ushbu qonunda korrupsiyaga quyidagicha ta’rif berilgan: korrupsiya – shaxsning o‘z mansab yoki xizmat mavqeyidan shaxsiy manfaatlarini yoxud o‘zga shaxslarning manfaatlarini ko‘zlab moddiy yoki nomoddiy naf olish maqsadida qonunga xilof ravishda foydalanishi, xuddi shuningdek, bunday nafni qonunga xilof ravishda taqdim etish. Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, korrupsiyaga qarshi kurashish dunyo miyosidagi dolzarb muammolardan biri bo‘lib, mamlakatni rivojlantirib, yuqori cho‘qqilarga ko‘tarish uchun korrupsiyaga qarshi kurashish muhim omillardan biri hisoblanadi.

Hozirgi kunda korrupsiya haqida gapirar ekanmiz bu kunning eng muhim va dolzarb masalalaridan biri bo‘lib qo‘lmoqda. Korrupsiya deb ataluvchi ushbu illatga qarshi nafaqat davlatimiz, balki dunyodagi barcha mamlakatlar kurashib kelmoqda [3]. Shuningdek, respublikamizda korrupsiyaga qarshi kurash doirasida bir qator normativ-huquqiy hujjatlar, dasturlar qabul qilindi va ular bo‘yicha keng qamrovli ishlar amalga oshirilib kelinmoqda. Shulardan biri:

Maxsus kukunlar ekspertizasi

Korrupsiya, poraxo‘rlik, firibgarlik va tovlamachilik kabi jinoyatlarni ochish va tergov qilish murakkab hisoblanadi. Ko‘pincha pora olish va berish hech qanday guvohlarsiz sodir bo‘ladi. Shuning uchun tergov idoralari bu jinoyatlarni ochishda hozirgi zamon kriminalistika vositalaridan foydalanadi. Ular qatorida maxsus

kukunlar va markerlar (qalamlar) ekspertizasi keng qo'llaniladi.

Ko'zga ko'rinxmaydigan maxsus kukunlar (lyuminofor) va maxsus markerlar (qalamlar)-dan foydalanish gumondor shaxsni jinoyat sodir etilgan vaqtning o'zida qo'lga olish imkonini beradi. Lyuminofor moddalar sifatida FK-6, B-3S, 490 RT, 540 T, 458 T va 440 T rusumli maxsus kukunlar ishlataladi.

Ular ultrabinafsha nurlar (UB) ta'sirida har xil nurlanish xususiyatiga ega bo'lib, ularni tashuvchi turli buyumlarda (pullarda, qo'ldan olingan surtmalarda, kiyim sathlarida, stol tortmasi, kitob orasida, qog'oz ichida va h.k.) har xil rangda nurlanadilar. Bunday kukunlar ashyoviy dalillarda bor-yo'qligini aniqlashga qaratilgan tadqiqotlar sud kimyoviy ekspertiza doirasida olib boriladi. Bunda ekspertlar oldiga hal etish uchun quyidagi savollar qo'yildi:

Ekspertizaga taqdim etilgan ashyoviy dalillarda (pul kupyuralarida, kiyimlar sathida, qo'llardan artib olingan surtmalarda va h.k.) maxsus kukun izlari mavjudmi?

Ekspertizaga taqdim etilgan pullarda maxsus kukun va maxsus qalam izlari mavjudmi? Agar mavjud bo'lsa, ular taqqoslash uchun yuborilgan maxsus kukun va maxsus qalam namunalari bilan turdoshmi?

Ekspertizaga taqdim etilgan pullardagi "Pora" yozuvi namunasi taqdim qilingan maxsus qalamning yozuvi bilan bir xilmi?

Yuqorida qayd qilingan savollarga javob topishda UB-nurlari ostida tekshirish uslubi, SPESORD-200 rusumli asbobda UB-spektral tahlil va mikroskop-spektrofotometr "LEICA DM RXA MPV SP" uskunasi yordamida ashyoviy dalillarning fluorescent tahlili – solishtirish tadqiqotlari olib boriladi. Bunda maxsus

kukunlarning nurlanish rangi va ularning yutilish spektrlari maksimumlarining bir-biriga mos kelishi bo'yicha tekshirishlar olib boriladi.

Shuni ta'kidlash joizki, ekspertiza tadqiqotlarining tez va samarali bajarilishi ekspertizaga taqdim etilgan ashyoviy dalillarning o'z vaqtida to'g'ri olinishiga bog'liqdir.

Maxsus kukunlar ekspertizasini tayinlash o'ziga xos xususiyatlarga ega. Ekspertizaga yuboriladigan ashyoviy dalillar (pul kupyuralari, kiyim, konvert, gazeta va h.k.) bevosita olingan joyida (masalan, gumondor shaxs ushlangan yerda) ko'zdan kechiriladi. Bunda ashyoviy dalillar bilan ishlashda ehtiyojkorlik zarur, chunki undagi maxsus kukunlar izlari kam bo'lib, yo'qolib ketishi mumkin. Ashyoviy dalillar xolislar ishtirokida qadoqlanadi va tegishli izohnoma tergovchi, xolislar tomonidan imzolanadi. Ekspertizaga ashyoviy dalillar bilan birga quyidagi hujjatlar taqdim qilinishi lozim: ashyoviy dalillarga maxsus kukunlar bilan ishlov berish bayonnomasi, voqeа joyini ko'zdan kechirish bayonnomasi, ashyoviy dalillarni olib qo'yish bayonnomasi. Ushbu hujjatlearning kseronusxalari ekspertga taqdim etilishi zarur.

Maxsus kukun (qalam) turdoshligini aniqlash masalasi qo'yilganda ekspertizaga, shuningdek, ashyoviy dalilga ishlov berilgan kukun va ularga yozuv yozilgan qalam namunalari yuboriladi.

Xulosa shuki, korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar jamiyat yaratgan tizimning nosog'lomligida namoyon bo'ladi. Shu o'rinda alohida ta'kidlab o'tish lozimki, ommaviy axborot vositalarining korrupsiyaga qarshi kurashdagi asosiy vazifasi ijtimoiy kayfiyatni yoritish: cho'qqining o'tkir nuqtasiga yetib kelganimizni eslatib turishdan iborat.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 03.01.2017-yildagi O'RQ-419-son.
2. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil.
3. Bardhan P. Corruption and development // Journal of Economic Literature. – 1997. – Vol. 25. –P. 1320. [1] Arxivlandi 2009-09-20 Wayback Machine saytida.(ingl.)
4. Tanzi, V. Corruption, Governmental Activities and Markets // IMF Working Paper 94/99. – International Monetary Fund, Washington, DC. – 1994. [2](ingl.)

РАЗРАБОТКА МЕТОДИКИ ЭКСПЕРТНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ МАЛЫХ КОЛИЧЕСТВ МЕФЕДРОНА С ПОМОЩЬЮ МЕТОДОВ ГАЗОВОЙ ХРОМАТОГРАФИИ С МАСС- СПЕКТРОМЕТРИЧЕСКИМ ДЕТЕКТОРОМ И ИК- СПЕКТРОФОТОМЕТРИИ

*Халилова Нилуфар Шухратиллаевна,
начальник научно-исследовательского отдела
Научно-исследовательского института
судебных экспертиз Республиканского центра
судебных экспертиз имени Х. Сулаймановой,
кандидат фарм. наук*

*Абдуллаева Мунира Убайдуллаевна,
старший преподаватель кафедры
фармакогнозии и стандартизации
лекарственных средств факультета
переподготовки фармацевтов Ташкентского
фармацевтического института, кандидат
фарм. наук*

*Ташупалатов Акрам Юсупович,
доцент кафедры организации
фармацевтического дела и фармацевтической
технологии
факультета повышения квалификации и
переподготовки фармацевтов
Ташкентского фармацевтического
института, кандидат фарм. наук*

*Олимов Немат Каюмович,
заведующий кафедрой фармакогнозии и
стандартизации лекарственных средств
факультета переподготовки фармацевтов
Ташкентского фармацевтического
института, доктор фарм. наук*

АННОТАЦИЯ

В работе приводится методика экспертного исследования малых количеств мефедрона с помощью метода газовой хроматографии с масс-спектрометрическим детектором и ИК-спектрофотометрии.

Установлены времена удерживания, молекулярные и осколочные ионы, их интенсивность, индивидуальность фрагментации исследованного вещества, наличие характеристических полос пропускания функциональных групп, характерных для структуры данного соединения. Эти параметры рекомендуется использовать для обнаружения контролируемых веществ в составе сложных смесей, установления родовой и групповой принадлежности и их общего источника происхождения. Доказано, что данные методы обладают высокой чувствительностью, быстротой и простотой использования.

Ключевые слова: контролируемые вещества, наркотические средства, газовая хроматография с масс-спектрометрическим детектором (ГХ-МС), ИК-спектрофотометрия.

АННОТАЦИЯ

Кам миқдордаги мефедроннинг масс-спектрометрик детекторли газ хроматография ва ИК-спектрофотометрия усулари ёрдамида эксперт таҳлил услуби ишлаб чиқилди.

Мазкур модданинг ушланиш вақти, молекуляр ва ион парчалари, улар интенсивлиги, ҳар бир модда фрагментининг индивидуаллиги ҳамда нур ўтказиши тўлқин узунликлари, функционал гурухлари аниқланди. Ушбу кўрсаткичларни мураккаб аралашмалар таркибидан назоратдаги моддаларни топиш, уларнинг бир тур ва гурухга ҳамда умумий манбага мансублигини аниқлашда қўллаш тавсия этилади.

Қўлланган усуллар юқори сизгиликка эга, тезкор ва содда эканлиги тасдиқланди.

Калит сўзлар: назоратдаги моддалар, гиёхвандлик воситалари, масс-спектрометрик детекторли газ хроматография (МС-ГХ).

ANNOTATION

A technique for expert study of small quantities of mephedrone on carrier objects has been developed using the method of gas chromatography with a mass spectrometric detector and. IR spectrophotometry.

The retention time, molecular and fragment ions, their intensity, individuality, fragmentation of substance, as well as the presence of characteristic transmission bands of functional groups characteristic of the structure of this compound.

It has been established that the application of this method, which has a high sensitivity, speed and ease of use, makes it possible to quickly and with high accuracy identify unknown substances in the composition of micro-objects entering for expert research.

These methods have been proven to be highly sensitive, fast and easy to use.

Key words: controlled substance, narcotic drugs, gas chromatography with mass spectrometric detector (GC-MS).

Актуальность. Проблема наркомании является сегодня одной из важнейших международных проблем. Борьба с контрабандой наркотиков – одна из основных задач правоохранительных органов всех государств. Новые виды наркотиков, особенно синтетические, получают все большее распространение во всем мире. Хотя в СМИ даётся полная информация о причинении тяжкого физического и психического вреда здоровью, борьба с этим злом недостаточно эффективна, что находит отражение в судебно-экспертной практике.

При экспертном исследовании наркотических средств, в частности полученных синтетическим путем, зачастую на разрешение ставятся задачи не только по установлению их химической природы, свойств и строения, но и одна из наиболее сложных – по обнаружению их минимальных концентраций в различных объектах. Для решения таких задач высокой селективностью обладает метод газовой хроматографии с масс-спектрометрическим детектором, позволяющий в ряде случаев получить необходимую информацию о составе и строении изучаемых соединений. Анализ экспертной практики по применению газовой хроматографии с масс-спектрометрическим детектором в анализе наркотических средств иллюстрирует ее широкие возможности в тех случаях, когда недостаточна информативность других аналитических методов [1, с. 17-18].

Метод газовой хроматографии с масс-спектрометрическим детектором является наиболее оптимальным вариантом, когда можно получить максимальную информацию о веществе (время удерживания, молекулярные и осколочные ионы, интенсивность пика) при наличии его в следовых количествах. При этом быстрота, относительная простота пробоподготовки, точность и воспроизводимость полученных результатов не вызывают сомнений.

ИК-спектрофотометрия также используется в различных областях науки, в том числе и в судебно-экспертной практике. Используя этот метод анализа, можно идентифицировать ор-

ганические вещества в различных агрегатных состояниях (газ, жидкость, твердое вещество). ИК-спектрофотометрия определяет инерцию вещества в молекуле в единицу времени. Знание массы атомов вещества позволяет определить расстояние между атомами и углы их взаимодействия.

Для определения ИК-спектра неизвестного вещества используются ИК-спектроскопы. На основании результатов полученного спектра определяются типы колебаний и связей функциональных групп молекулы вещества, а также структура вещества [2, 3].

Цель исследования. В Республиканский центр судебной экспертизы им. Х.Сулаймановой судебными органами было представлено вещественное доказательство – полиэтиленовый пакетик с остатками порошка кремового цвета, изъятый с места обнаружения трупа гр. С. Перед экспертами были поставлены вопросы: имеются ли остатки наркотических средств в полиэтиленовом пакетике, если имеются, то к какой группе они относятся?

С целью выполнения этой задачи готовили спиртовый смыв с внутренней поверхности полиэтиленового пакетика. Для этого в пакетик наливали 1 мл 96% этилового спирта и проводили экстракцию в ультразвуковой бане марки “SONOREX” при температуре 40°C в течение 10 минут. Полученный смыв упаривали при комнатной температуре до объема 100 мкл и использовали для дальнейшего анализа.

Материалы и методы. Хромато-масс-спектрометрическое исследование проводили на хромато-масс-спектрометре фирмы AT 5973 методом Drug SP-SHORTSPLITLESS-100H2.M (колонка капиллярная HP5MS, длиной 30 м, диаметр 0,25 мм, с 5%-ным фенилметилсиликсаном, масс-селективный детектор) при следующих условиях анализа: энергия ионизирующих электронов – 70 эВ, температура инжектора – 280°C, температура печи – от 150°C до 280°C при программированном режиме со скоростью подъема температуры 15°C в мин, величина пробы – 1 мкл, давление паров исследуемого вещества – 10 мм рт. ст., время анализа – 20 мин, газ-носитель – водород, скорость потока – 2,1 мл/мин, в режиме с делением потока 10:1.

Анализ полученных хроматограммы и масс-спектра свидетельствует о том, что масс-спектр исследованного смыва характеризуется наличием устойчивых фрагментов, характеристических ионов, образующихся по общим путям фрагментации молекулярных ионов. На рисунках 1 и 2 представлены хроматограмма и масс-спектр смыва из пакетика. Хроматограмма и масс-спектр экстракта идентифицированы с помощью библиотеки базы данных под названием NIST0 2.L., NIST

11.L., Wiley225.L., SWDRUG.L., CAYMAN-SPECTRA.L., SWDRUG3.5.L. [4].

Так, на хроматограмме смыва из пакетика выявлен основной пик с временем удерживания 5.00 мин., а его масс-спектр характеризуется осколочными ионами m/z 177, 147, 119, 91, 58. По результатам изучения полученной хроматограммы и масс-спектра и сравнения их с базой данных установлено, что выявленные хроматографические и масс-спектрометрические параметры соответствуют 4-метилкатинону-мефедрону.




Рис. 1. Хроматограмма смыва из исследуемого пакетика




Рис. 2. Масс-спектр смыва из исследуемого пакетика

следы трения (поперечные, косо-поперечные или дугообразные) на обеих подошвах или на обеих подметках подошв обуви;

наряду с вышеуказанными следами на обуви – расположение следов





первичного удара частями ТС на одной боковой стороне брюк пешехода.

Дополнительными признаками (при фронтальных наездах) могут быть следы на автомобиле, расположенные спереди по вертикальной линии и направленные строго спереди назад. При оценке выявленных следов желательно использовать из протокола осмотра места ДТП сведения о траектории отбрасывания тела пешехода по направлению движения автомобиля или о забрасывании тела на капот или лобовое стекло – по прямой.

При силовом контакте тела человека с боковой поверхностью ТС перпендикулярно к ней (как бы при «набегании» пешехода на автомобиль) уже само наличие таких следов и их поперечная направленность указывают на движение пешехода в момент. На одежде и обуви в таких случаях не отображаются признаки движения пешехода (на одежде остаются обычные потёртости материала, разрывы от трения и зацепления, а на обуви могут быть дугообразные следы резкого разворота тела, характерные для разных видов наездов).

ЛИТЕРАТУРА

1. Пособие “Транспортно-трасологическая экспертиза по делам о дорожно-транспортных происшествиях (диагностические исследования)” Вып. 2. – Москва, 1988.
2. Методика, разработанная в лаборатории СБТИ РЦСЭ им. Х.Сулаймановой “Трасологическое исследование механизма образования следов и повреждений на автомобилях при наездах на пешеходов”. Методическое письмо для экспертов. – Ташкент, 1995.
3. Сухарев А.Г., Калякин А.В., Егоров А.Г., Головченко А.И. “Трасология и трасологическая экспертиза”, гл. 3,4,12. Саратовский юридический институт МВД России. 2010.
4. “Справочник криминалиста-трасолога” / авт.-сот.: Ю.П.Фролов, Г.Н.Степанов. – Волгоград: ВА МВД России, 2007.
5. Словарь основных трасологической экспертизы Республиканский центр судебной экспертизы им. Х.Сулаймановой. Книга эксперта-трасолога. – РСЭМ, 2017.
6. Исаков В.Д., Бабаханян Р.В., Дыскин Е.А. “Предметы одежды и их повреждения” (медицинско-криминалистические аспекты) под ред. проф. В.Д.Исакова. Военно-медицинская академия, Санкт-Петербург, 1999.
7. Э.И.Чуряков, Ф.А.Хамраева, И.А.Азимова, А.А.Зулфукуоров / Методика трасологического исследования следов и повреждений на одежде. Учебно-практическое руководство. – Ташкент, 2016.
8. Расследование дорожно-транспортных происшествий. Справочно-методическое пособие / Н.Д.Селиванов, А.И.Дворкин, Б.Д.Завидов и др. - М.: Лига Разум, 2007. – С. 123.

ЖИНОЙ ПРОЦЕССДА ЭКСПЕРТ ВА МУТАХАССИСНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ

КУДРАТОВ Санжар Марупович,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги хузуридаги
Х. Сулаймонова номидаги
Республика суд экспертизаси
маркази Суд-экспертлик
илмий-тадқиқот институти
бои илмий ходими
3-даражали юрист

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада эксперт ва мутахассиснинг жиноят процессидаги икки асосий иштирокчи сифатидаги хуқуқий мақоми ҳамда “эксперт хulosаси” ва “мутахассис хulosаси” тушунчаларининг таърифлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: эксперт, мутахассис, экспертиза, хulosса, хуқуқий мақом, процессуал мажбуриятлар, экспертнинг касбий мақоми, жавобгарлиги.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается правовое положение эксперта и специалиста как двух основных участников уголовного процесса, а также определяются понятия “заключение эксперта” и “заключение специалиста”.

Ключевые слова: эксперт, специалист, экспертиза, заключение, правовое положение, процессуальные обязанности, профессиональный статус эксперта, ответственность.

ANNOTATION

This article discusses the legal status of an expert and a specialist as the two main participants in the criminal process, and also defines the concepts of “expert’s opinion” and “specialist’s opinion”.

Key words: expert, specialist, expertise, opinion, legal status, procedural obligations, expert’s professional status, responsibility.

Бугунги кунда суд экспертизаси жиноят ва фуқаролик процессида маҳсус билимлардан фойдаланишга асосланган фаннинг энг малакали тури ҳисобланади. Айнан суд экспертизаси судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва терговни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг когнитив имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Жиноятларни тергов қилиш кўп киррали ҳодиса бўлиб, терговни олиб борувчи шахсдан илмнинг турли соҳалари бўйича кенг билимларни талаб қиласди. Бироқ терговчилардан бундай билимга эга бўлишни талаб қилиш мумкин эмас. Узоқ вақт давомида ушбу муаммони ҳал килиш учун эксперталар ва мутахассисларнинг ёрдамидан фойдаланилган.

Қонунчиликда мутахассиснинг ҳуқукий мақоми белгиланган бўлса-да, аммо бу жиноятларни тергов қилишда эксперт ва мутахассиснинг роли ва ушбу субъектларнинг ҳуқукий ҳолати ўртасидаги боғлиқлик ҳақида саволлар тутғидиради. Даставвал Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида кўрсатилган “эксперт” ва “мутахассис” тушунчаларига назар соламиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигида “эксперт” ёки “мутахассис” тушунчалари аниқ акс этирилмаган, фақат эксперт ёки мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин бўлган шахсларни белгилаш билан чекланилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 67-моддасига мувофик, “Холоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида маҳсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин”.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасига кўра “Суд эксперти сифатида давлат суд эксперти, бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин”.

Бошқа ташкилот ходими суд экспертизасини уни тайинлаган орган (шахс) томонидан

мазкур ташкилотга берилган топширикни бажариш тартибида ўтказади.

Ишда суд эксперти сифатида иштирок этиш учун жалб этилган бошқа жисмоний шахс бирон-бир давлат суд-экспертиза муассасаси штатида турмайди ва суд экспертизасини уни тайинлаган органнинг (шахснинг) топширигини бажариш тартибида ўтказади”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 69-моддасида: “Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишида далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкин”. Шубҳасиз, бу тушунчаларнинг умумийлиги бу шахсларнинг “маҳсус билимлар”га эга эканлигидан далолат беради.

Қонунчилик нуқтаи назаридан жиноят процессида эксперт ва мутахассисга тегишли бўлган “маҳсус билимлар” тушунчаси фан, техника, санъат ёки ҳунармандчилик соҳасидаги тор профилли касбий билим ва кўникмалар мажмуи сифатида белгиланиши мумкин ҳамда жиноят ишини тергов қилиш ва ҳал қилиш доирасида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири лойиҳасида “маҳсус билим” тушунчасига “маҳсус билимлар – маҳсус тайёргарлиқдан ўтиш ва (ёки) касбий малака ёхуд тажриба орқали ўзлаштириладиган ва суд-экспертиза тадқиқотлари услубиётларида ўз аксини топган, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги назарий билимлар ва амалий кўникмалар мажмуи” дея таърифи берилган.

Эксперт ва мутахассис томонидан маҳсус билимларни қўллаш шакллари сезиларли фарқларга эга. Мутахассис улардан фойдаланиб, терговчига тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам беради ва бундай ўзаро ҳамкорлик процессуал шаклда ҳам, масалан, мутахассис тергов гурухига киритилганда ва нопроцессуал шаклда, киритилмаганда ҳам амалга оширилади, у маслаҳат ишларини олиб боради ва бу тергов ҳаракатининг баённомасида акс эттирилмайди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 70-моддасига кўра мутахассис кўйидаги ҳуқукларга эга: “Мутахассис: ўзининг қандай мақсадда чақирилганлиги ни билиш; башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишида иштирок этишдан бош тортиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суринчидан, терговчининг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш; суринчидан, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт ўз фаолиятини ўзи учун мавжуд бўлган ягона шаклда – экспертиза тадқиқотини ўтказиш орқали амалга оширади. Экспертиза тушунчасининг луғавий маъноси юридик энциклопедияда “экспертиза (лотинча “response” – “жавоб”; “expertus” – “тажрибали, тажрибадан билувчи”) – мутахассис ёки мутахассислар гурухи томонидан у ёки бу соҳада малакали ечим талаб қилинадиган масалаларни ўрганиш” сифатида таърифланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “экспертиза (французча – тажрибали, синалган) қийин ва чигал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокида уюштирилган текшириш, шундай текширишни ўтказувчи

мутахассислар ҳайъати” сифатида баён қилинган. Таъкидлаш лозимки, жиноят ишлари бўйича экспертиза алоҳида мақомга эга бўлган экспертиза тури бўлиб, у маҳсус билимларга асосланган тадқиқотда намоён бўлиши билан ҳам эътиборлидир. Жиноят ишлари бўйича экспертиза бошқа турдаги экспертизалардан ўзининг тайинланиш ва ўтказиш тартиби, Жиноят-процессуал кодексида қатъий ва аниқ белгиланганлиги билан фарқланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида “суд экспертизаси – фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишида иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки хунар соҳасидаги маҳсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хуносаберишдан иборат бўлган процессуал ҳаракат;

суд-экспертлик фаолияти – суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият”лиги кўрсатиб ўтилган.

Яъни, тадқиқот ўтказиш ва далил кучига эга бўлган хуносалар бериш орқали профессионал асосда малакали хизматлар кўрсатишdir.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 68-моддасига кўра: “Эксперт: экспертиза предметига оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нус-

халар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчি, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ҳамда шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга экспертиза предметига оид саволлар бериш; суд муҳокамасида экспертиза предметига оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўрқ қилинаётган шахсларга суднинг рухсати билан саволлар бериш; ашёвий далиллар ва хужжатларни кўздан кечириш; ўз хulosасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хulosasi ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнлар бериш; agar у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хulosha тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан

фойдаланиш; agar ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертизинг хуқуқ ва эркинликларини бузაётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоятлар қилиш хуқуқига эгадир”.

Шундай қилиб, экспертизинг процессуал мақоми ва жиноят процессидаги мутахассис ўртасидаги асосий фарқ шундаки, эксперт суд экспертиза тадқиқоти ўтказиш ва хulosha беришда иштирок этади, мутахассис эса, аслида, маслаҳат функциясини бажаради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда ашёлар ва хужжатларни аниқлаш, жиноят иши материалларини ўрганишда техник воситалардан фойдаланишда кўмаклашади, экспертга саволлар қўйилишида, шунингдек, ўз касбий ваколатига кирувчи масалалар бўйича тарафларга ва судга тушунишилар беради.

Экспертизинг ўз процессуал вазифаларини юқори профессионал даражада бажаришга тайёрлигини таъминлашга имкон берадиган чора-тадбирларни кучайтириш зарур.





Жиноят процессуал қонунчилигига кўра эксперт ва мутахассис суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилмаслиги ва экспертнинг жавобгарлиги белгиланган. Эксперт тергов жараёнларида била туриб нотўғри хulosса берганлиги, шунингдек, узрсиз сабабларга кўра хulosса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгар бўлиши кўрсатилган.

Эксперт ўзи олиб бораётган тадқиқот жараёнлари билан боғлик қўшимча ҳуқуқларга эга: иш материаллари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этилиши тўғрисида илтимоснома билан чиқиш, қўшимча муддатлар олиш, экспертиза ху-

лосасини ижросиз қайтариш ва тадқиқот якунларига кўра хulosса бериш. Шуни таъкидлаш керакки, экспертнинг ҳуқуқлари мутахассисга қараганда кўпроқ, шу билан бирга мажбуриятлари ва жавобгарлиги қонунчиликда кенгроқ кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хulosса қилиш мумкинки, жиноят процессининг маҳсус билимларга эга ҳисобланган икки иштирокчisi – эксперт ва мутахассис ўртасида ҳуқукий фарқлар мавжуд. Ушбу икки субъектнинг қонунчиликдаги ҳуқукий мақоми, мажбурияти ва жавобгарлигини тенглик принципдан келиб чиқиб такомилаштириш ва мутахассиснинг жиноят процессидаги ўрни ва ҳуқукий мақомини кенгайтириш зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Белкин Р.С. Криминалистика энциклопедияси. М., 2000. 334 б.
4. Криминалистика ва экспертиза. Дарслик., ю.ф.н. проф. в.б. Д.Базарова, ю.ф.д. доц. И.Р.Астанов –Тошкент: ТДЮУ, 2020. – 618-276.

КОМПЛЕКС ЭКСПЕРТИЗАЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ ФИКРЛАР

МУХАММЕДЖАНОВА
Мадина Махкамжоновна,
Х. Сулайманова номидаги РСЭМ
суд-баллистика трасология
экспертизаси лабораторияси
суд экспертизи

АННОТАЦИЯ

Маколада комплекс экспертизанинг белгилари таҳлил қилинган. Комплекс экспертизанинг асосий белгиси сифатида суд экспертларининг маҳсус компетенциялари ўргасидаги фарқлар ва тадқиқотлар жа-рәнида улар ўргасидаги вазифаларнинг тақсимланиши ўрганилган. Комплекс экспертизаларни ўтказувчи суд экспертларининг компетенциялари турличалиги нафакат суд экспертиза мутахассисликлари бўйича, балки экспертизанинг тор ихтисосликлар бўйича ҳам фарқларда ифодаланиши мумкинлиги кўрса-тилган. Нафакат бир синфга оид, балки бир турдаги экспертизанинг ҳам комплекс экспертиза бўлиши мумкинлиги асосланган. Комплекс тадқиқотларни ўтказишда, комплекс экспертизанинг тадқиқотлари натижалари бўйича оралиқ ва якуний хуносаларни шакллантиришда суд экспертлари вазифалари тақ-симланиши масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: комплекс суд экспертизаси, комиссиявий суд экспертизаси, эксперт хуносаси, экс-перт вазифаларининг тақсимланиши, эксперт ихти-сослиги.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются признаки комплексной экспертизы. В качестве основополагающего призыва комплексной экспертизы рассматривается различие в специальной компетенции экспертов и разделение между ними функций в ходе исследования. Показывается, что неодинаковость компетенции экспертов, проводящих комплексную экспертизу, может выражаться в различии не только специальностей, но и более узких специализаций (профилей). Обосновывается тезис, что комплексной может быть также и внутривидовая экспертиза, а не только межродовая или межвидовая. Рассматриваются вопросы распределения функций между экспертами при проведении исследований, формулировании промежуточных выводов и итогового вывода по результатам комплексной экспертизы.

Ключевые слова: комплексная судебная экспертиза, комиссионная судебная экспертиза, заключение эксперта, разделение функций экспертов, специализация эксперта.

ANNOTATION

The article analyzes the signs of a comprehensive examination. As a fundamental feature of a comprehensive examination, the difference in the special competence of experts and the division of functions between them in the course of the study is considered. It is shown that the disparity in the competence of experts conducting a comprehensive examination can be expressed in differences not only in specialties, but also in narrower specializations (profiles). The thesis is substantiated that intraspecific examination can also be complex, and not only intergenerational or interspecific. The issues of the distribution of functions between experts during research, the formulation of interim conclusions and the final conclusion based on the results of a comprehensive examination are considered.

Key words: complex forensic examination, commission forensic examination, the forensic scientist's conclusion, separation of forensic scientists' functions, forensic scientist's specialization.

Комплекс суд экспертизасининг хуқуқий табиати масаласи бу турдаги экспертизаларнинг хуқуқни муҳофаза қилиш амалиётига жорий этилиши биланоқ баҳсларга сабаб бўлган. Ушбу ўзига хос процессуал турдаги экспертизанинг моҳиятини очиб бериш учун суд эксперталари комиссияси томонидан ўтказиладиган экспертизалар ва бинобарин, комплекс экспертизалар бўйича меъёрий коидаларни ташкил қиласйлик.

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, “суд экспертизаси бир хил (комиссиявий суд экспертизаси) ёки турли хил (комплекс суд экспертизаси) суд-эксперт ихтиосслигидаги бир неча суд эксперти томонидан ўтказилиши мумкин. Суд экспертизасининг суд эксперталари комиссияси томонидан ўтказилиши суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) ёки мазкур экспертизанинг ўтказилишини ташкил этувчи давлат суд-экспертиза муассасаси ёхуд бошқа ташкилот раҳбари томонидан белгиланади” [1]. Суд экспертизаларини бундай ўтказиш тартиби иш бўйича экспертиза тадқиқотларининг мураккаблиги ёки аҳамияти юқори бўлган ҳоллар (масалан, суд-психиатрия экспертизалари, айрим суд-тиббий экспертизалари) кўлланилади. Одатда, такрорий экспертизалар ҳам комиссиявий асосда ўтказилади.

Эксперталар комиссияси аъзолари тадқиқотларни биргалиқда ёки алоҳида амалга ошириш хукуқига эгадирлар, улар қўйилган масалаларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқиб, ўтказиладиган текширишларнинг мақсади, кетма-кетлиги ва ҳажмини келишиб олади. Ҳар бир суд эксперти тадқиқотларни мустақил ва алоҳида олиб боради, шахсан ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни баҳолайди ҳамда қўйилган саволлар юзасидан ўз маҳсус билимлари доирасида фикрларини шакллантиради.

Эксперталар комиссияси турли ташкилотларда ишлайдиган шахслардан ташкил этилганда суд экспертиза муассасаси раҳбари (комиссиявий экспертиза шу муассасада ўтказилганда) ёки экспертизани тайинлаган

шахс (орган) томонидан тайинланадиган ташкилотчи-суд эксперти алоҳида рол ўйнайди. Бу ташкилотчи-экспертга комиссия аъзоларининг йиғилишини бошқариш, вазифаларни бажариш муддатларини назорат қилиш ва бошқа ташкилий вазифалар юклатилади.

Бирок ўз процессуал мақомига кўра ташкилотчи-эксперт эксперталар комиссиясининг бошқа аъзоларидан фарқ қilmайди ва масалаларни ҳал қилишда алоҳида ваколатларга эга эмас. “Суд экспертизасини ўтказиш топширилган суд эксперталари комиссияси таркибидаги ҳар бир суд эксперти текширишларни мустақил ва алоҳида олиб боради, шахсан ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни баҳолайди ҳамда қўйилган саволлар юзасидан ўз маҳсус билимлари доирасида фикрларини шакллантиради” [1]. Олинган натижаларни ва аниқ хулоса (хулосалар)ни шакллантиришни баҳолашда ваколатли бўлган эксперталар умумий хулоса (хулосалар) чиқаради. Агар комиссиянинг якуний хулосаси ёки унинг бир қисми учун эксперталардан бири (алоҳида эксперталар) томонидан аниқланган фактлар асос ҳисобланса, у ҳолда бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак. Келишмовчилик ҳолатида эксперталарнинг ҳар бири келишмовчиликка сабаб бўлган масалалар бўйича алоҳида хулоса тузади.

Комплекс суд экспертизаси иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади. Шу сабабли, комплекс экспертиза эксперталар комиссияси томонидан ўтказилади ва моҳиятига кўра комиссион экспертизанинг хусусий ҳолати ҳисобланади.

Комплекс экспертиза суд экспертилик амалиётида кенг тарқалган. Комплекс экспертизаларнинг кўп тарқалган турлари ўқ отиш механизмини аниқлаш мақсадида одам танасидаги жароҳатлар ва одам кийими ҳамда бошқа обьектлардаги шикастланишларнинг тадқиқотлари орқали ўтказиладиган комплекс суд-баллистика ва тиббий экспертизалари ҳисобланади. Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисасининг механизмини аниқлаш бўйича транспорт-трасологик экспертизалар ҳам ўтказилади, бунда транспорт воситалари ва жабрланувчининг кийимлари ҳамда бошқа обьектлардаги излар

ва шикастланишлар эксперт-автотехниклар ҳамда эксперт-трасололгар томонидан тадқиқ қилинади ва х.к.

Комплекс экспертизаларни ўтказиш ва натижаларни расмийлаштиришнинг процессуал ҳусусиятлари ва уларга қўйиладиган талабларни кўриб чиқамиз.

Барча суд эксперtlари бир хил ваколатга эга бўлган бир турдаги комиссиян экспертизалидан фарқли равишда, комплекс экспертизани ўтказишида суд эксперtlарининг ваколатлари бир хил эмас ҳамда бу хилма-хиллик (турличалик) нафақат экспертиза мутахассисликлари бўйича, балки тор ихтисосликлар бўйича фарқларда ҳам ифодаланиши мумкин.

Шу билан биргага, фақатгина бир синфга оид, балки бир турдаги экспертиза ҳам комплекс экспертиза бўлиши мумкин. Сўнгги йилларда пайдо бўлган эксперtlарни янги (кўшимча) ихтисослаштириш анъаналари (масалан, экспертизаларни ўтказишида қўлланиладиган тадқиқот усуслари бўйича) бир турдаги экспертиза доирасида ҳам суд эксперtlарининг ваколатларини ва тадқиқотлар жараёнида уларнинг вазифаларини ҳам ажратиш ва қайта тақсимлаш мумкинлигига олиб келди. Масалан, трасологик экспертиза доирасида ўтказиладиган алоҳида қисмлар (бўлаклар, парчалар) бўйича бир бутунликни аниқлаш (масалан, мато бўлаклари) тадқиқотларида, нафақат умумий ажралиш чизифи, балки тадқиқ қилинаётган матонинг технологик белгилари, унинг табиати аниқланади, кимёвий таҳлили ўтказилади, бўёвчиларинг таркибий қисмлари аниқланади. Бу тадқиқотлар анъанавий равишида турли мутахассисликдаги эксперtlар томонидан ўтказилади.

Кўриниб турибдики, бундай экспертизаларни ўтказишида, суд эксперtlарининг мутахассислиги ва ихтисослашувини инобатга олган ҳолда бажараётган вазифалари ўзаро фарқланади ҳамда бу ҳолда экспертизани ўтказишида иштирок этган барча суд эксперtlари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида қўшма хулоса чиқарилади, яъни бу ҳолда комплекс экспертизанинг барча белгилари мавжуд бўлади.

Суд эксперtlари вазифаларининг бу каби тақсимланиши комплекс экспертизанинг муҳим белгиси сифатида бу турдаги экспер-



тизалар натижаларини процессуал жиҳатдан расмийлаштириш билан боғлиқ бир қатор талабларни келтириб чиқаради.

Комплекс экспертиза хулосасида мутахассислигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир суд экспертининг вазифалари аниқ акс эттирилиши керак (бир хил мутахассисликка эга суд эксперtlарининг вазифалари бир хил бўлгани учун, комиссиян экспертизалар натижаларини расмийлаштиришда бундай талаб йўк).

Суд-экспертиза муассасаларида кўп йиллик амалий фаолият натижасида комплекс экспертиза хулосасининг ўзига хос шакли мавжуд. Идоравий норматив ҳужжатлар турли суд эксперtlари томонидан ўтказилган барча тадқиқот турларининг алоҳида баён этилишини назарда тутади. “Комплекс экспертиза хулосасида ҳар бир эксперт қандай текширилар ва қандай ҳажмда ўтказганлиги, шахсан у қандай фактларни аниқлаганлиги ҳамда қандай хулосаларга келганлиги кўрсатилади” [2].

Ўтказилган ҳар бир тадқиқот натижаларига кўра оралиқ хулосалар шакллантирилади. Масалан, мато бўлакларининг идентификацион тадқиқотларида эксперт-технолог бу матонинг маълум турдаги курилмада (станок) ишлаб чиқарилганлик ҳолатини; матонинг хроматографик тадқиқотларини ўтказган эксперт-кимёгар муайян кўрсаткичларга кўра программаларнинг ўзаро ўхшашлиги ҳолатини; эксперт-спектроскопист эса матонинг табиати, ранги ва бошқа белгиларига кўра ўхшашлиги ҳолатини тасдиқлади; матонинг

бўёқлари бўйича оралиқ хulosалар ҳам шу тарзда шакллантирилади. Бу коида тадқиқотларда иштирок этган ҳар бир суд экспертининг вазифаларини аниқ ажратиш (шахсийлаштириш), якуний хulosаларни шакллантиришда ҳар бир тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш қулайлиги учун зарур ҳамда терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) томонидан хulosани баҳолашни, хусусан, суд эксперталарининг ўз ваколати доирасида ҳаракат қилганлигини текширишни осонлаштиради.

Эксперт хulosасининг ҳар бир шундай қисми, шу жумладан оралиқ хulosалар шу тадқиқотни бевосита ўтказган ва бу хulosаларни шакллантирган суд эксперти (эксперталар) томонидан имзоланиши керак.

Худди шунингдек, комплекс экспертиза бўйича якуний хulosаларни шакллантиришда ҳам суд эксперталарининг вазифалари аниқ ажратилган (тақсимланган) бўлиши лозим. Чунки якуний хulosаларни шакллантиришда комиссия аъзолари бўлган барча суд эксперталари иштирок эмаслиги мумкин, “умумий фикрни (фикрларни), олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган суд эксперталари амалга оширилади” [2].

Тор соҳа мутахассислари, хусусан, аниқ бир усувлар бўйича мутахассислар, одатда, келгусида якуний хulosаларни шакллантиришда бошқа суд эксперталари томонидан фойдаланиладиган оралиқ хulosаларни шакллантириш билан чегараланади. Масалан, тупроқшунослик экспертизасини ўтказишида тадқиқот обьектларида бегона моддалар (бўёқлар, қурилиш материаллари, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқ.) аникланса, улар ўрганиш учун одатда бошқа лабораторияларда ишлайдиган тегишли мутахассисларга тақдим қилинади. Бу мутахассислар тупроқшунослик экспертизасини ўтказиши учун ваколатли бўлмайди ва шу сабабли тадқиқот обьектларининг муайян бир ҳудудга (гурух, тур, оила) мансублиги бўйича умумий хulosани шакллантиришда иштирок этмайдилар, уларнинг тадқиқот натижалари эксперт-тупроқшунослар томонидан обьектнинг идентификацион белгиларидан бири сифатида фойдаланилади.

Якуний хulosалардан олдин ўтказилган барча тадқиқотлар натижаларини умумий таҳлил қиласиган қисми бўлади ва у оралиқ натижаларни баҳолаш (синтезловчи қисм) деб аталади. Бу қисм якуний хulosаларни тузишда иштирок этган суд эксперталари томонидан тузилади ва имзоланади.

Олинган натижаларни ва аниқ хulosasi (хulosalari)ни шакллантиришни баҳолашда ваколатли бўлган эксперталар умумий хulosasi (хulosalari) чиқаради. Суд эксперталарининг ҳар бири хulosaning ушбу тадқиқотлар натижалари баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади.

Комплекс экспертиза учун комиссиян экспертиза ўтказиши тартибида доир умумий қоидалар амал қиласиди: суд эксперталарининг ўзаро маслаҳатлашиш хуқуки ва бошқа эксперталарининг фикрига кўшилмаган суд экспертизин алоҳида хulosasi бериш хуқуки. “Суд эксперталари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқсан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиқсан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хulosasi беради” [2].

Комплекс экспертизани ташкил қилиш ҳам комиссиян экспертиза қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Жумладан, суд эксперталари орасидан гурух раҳбари – бир турдаги комиссиявий экспертизадаги каби ташкилий ваколатларга эга бўлган ташкилотчи-эксперт тайинланади.

Шу боис, комплекс экспертизани – тегишли тадқиқотларни ўз ваколати доирасида ўтказадиган ва бу тадқиқотлар натижаларига кўра кўшма хulosasi чиқарадиган турли суд экспертихтисосликлари ёки бир ихтисосликка тегишли тор мутахассисликлар бўйича бир неча суд эксперталари иштирок этадиган экспертиза тури сифатида таърифлаш мумкин.

Комплекс экспертизанинг юқорида кўриб чиқилган хуқуқий белгиларидан бу турдаги экспертизаларни ўтказиши ва процессуал расмийлаштириш учун куйидаги талаблар келиб чиқади:

Биринчидан, комплекс экспертизада иштирок этувчи ҳар бир суд эксперти тадқиқотларни факат ўз ваколатлари доирасида ўтказади.

Иккинчидан, суд эксперти экспертизада берилган саволларни ҳал қилиш учун маҳсус билимларга эга бўлиши ва шу билимлар асо-

сида хulosаларни тузишда иштирок этиши мумкин.

Бошқача айтганда, суд эксперти умумий тадқиқот предмети бўйича ваколатли бўлиши керак. Акс ҳолда, унинг роли фақат натижалари умумий хulosса беришда бошқа мутахассислар томонидан қўлланиладиган тегишли тадқиқотлар ўтказиш билан чекланади.

Учинчидан, тадқиқот ўтказишда ҳам, хulosса чиқаришда ҳам ҳар бир суд экспертигининг роли хulosада аниқ акс этиши лозим.

Комплекс экспертизанинг хукукий ва хукукий бўлмаган (услубий) белгиларининг аралashiшига А.М. Зинин ва Н.П. Майлисларнинг концепцияси мисол бўла олади. Бу олимлар комплекс экспертиза процессуал тушунча эканлигини тўғри таъкидлайдилар ва “комплекс экспертиза... турли мутахассислар сони билан аникланмайди. Унинг асосий хусусияти – турли хил экспертизаларга оид ўзаро боғлик вазифаларни ҳал қилишдир” [3, С.202]. Бироқ ҳал этилаётган масалаларнинг табиати ва хусусиятлари, улар ўзаро боғлик ёки йўқлигидан қатъи назар, экспертизанинг процессуал табиатига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бу турдаги экспертизанинг моҳияти юқорида баён этилган турли мутахассислар сони ва бошқа хукукий белгилар билан аниқ белгиланади.

Комплекс экспертизанинг етарлича хукукий тартибга солинганлигигига қарамасдан, бир қатор, ҳатто бу турдаги экспертизанинг тушунчаси бўйича ҳам процессуал тусдаги саволлар туғилади. Уларнинг асосийларини кўриб чиқайлик.

Бунинг учун, комплекс экспертизанинг вуҷудга келиши ва шаклланиш тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Комплекс экспертиза дастлаб (ўтган асрнинг 60-йилларида) ҳеч қандай хукукий тартибга солинмасдан қўлланила бошланган. Унинг пайдо бўлиши объектив сабаблар – фанлар кесимидағи масалаларни ҳал қилиш зарурати ва экспертиларнинг тобора тор ихтисослашуви (айниқса, ҳозирги кунда) билан боғлик бўлган.

Бироқ бундай муваффақиятли ҳолатнинг қонунийлиги ҳақида жуда кескин тортишувлар бўлган. Баҳсларда “кучларнинг таҳсимлаши” умуман, анъанавий эди: криминалистлар асосан бу турдаги экспертизани ҳимоя қилганлар, ортодоксал процессуалистлар унга

қарши чиққанлар ва уларда бунинг учун етарлича асослар мавжуд бўлган.

Гап шундаки, комплекс экспертиза классик суд экспертизасининг асосий ғояларига зид эди – яъни, суд эксперти шахсан ўзи ўтказилган тадқиқотларга асосланиб хulosса беради. Комплекс экспертизада эса, маълумки, бунинг акси – якуний хulosса бошқа суд экспертилари томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосида шакллантирилади, натижада эса якуний хulosаларни шакллантирувчи суд эксперти бу тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги учун жавобгар бўлмайди. Шу муносабат билан бу вазиятда суд экспертигининг ўзи берган хulosса учун шахсий жавобгарлиги муаммоси юзага келади.

Комплекс экспертизага қарши чиқувчилар турли ихтисосликдаги суд экспертилари томонидан ўтказилган тадқиқотлар алоҳида хulosalar билан расмийлаштирилиши ва терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) якуний хulosаларни умумлаштириши ва шакллантириши керак деб ҳисоблаганлар. Шунда уларга тадқиқот натижасида олинган спектrogramma ёки хроматограмма берилиб, терговчи ёки суд қандай йўл тутиши мумкинлигини кўрсатиш сўралган. Ва натижада, улар оралиқ натижаларни фақат зарурий маҳсус билимга эга бўлган мутахассисгина баҳолай олишига ва ундан фойдалана олишига ишонч ҳосил қилганлар. Шунингдек, мазкур назарий муаммони – бундай ҳолларда суд экспертизанинг шахсий жавобгарлиги масаласи – ҳал қилиш йўли ҳам топилган. Комплекс экспертиза ўтказишда суд экспертигининг жавобгарлиги шартли хусусиятга эга деб қарор қилинган – хulosса чиқаришда фойдаланилган бошқа суд экспертиларининг хulosалари ҳам тўғри бўлганда, унинг ўз хulosаларининг тўғрилиги учун жавобгардир [4, С.151].

Шундай қилиб, барча масалалар ҳал қилинган ва баҳслашувчи томонлар бир тўхтамга келганлар. Бироқ шунга қарамай, комплекс экспертизанинг моҳияти ва унинг хукукий табиати бўйича яна баҳслар, яъни бу турдаги экспертизани ўтказишнинг мавжуд тартибига эътиrozлар келиб чиқмоқда. Ҳозир юқорида таъкидланган томонларнинг ўрни ўзгарди – эндиликда амалиётчи суд экспертилари ком-



плекс экспертизанинг ҳозирги талқинига қарши чиқмоқдалар, процессуалистлар эса уни қўллаб-қуваатламоқдалар.

Бу фикрларни кўриб чиқайлик.

Аввало, комплекс экспертиза комиссияий экспертизанинг бир тури эмас. Бу турдаги экспертиза бир неча ихтисослик (соҳа, йўналиш) бўйича маҳсус билимга эга бўлган битта суд эксперти томонидан ўtkазилиши мумкин [5, С.267; 6, Б.273-277]. Албатта, бу мумкин, масалан, айrim суд-тиббий экспертлари трасология ёки баллистика экспертизаси бўйича ихтисосликка ҳам эга бўлади. Аммо бундай экспертиза комплекс бўлмайди, чунки у комплекс экспертизанинг ҳеч қандай ҳуқуқий белгиларига ва юкорида муҳокама қилинган юридик хусусиятларга эга эмас. Албатта, у оддий суд экспертизасидан фарқли, аммо бу фарқларнинг барчаси ҳуқуқий эмас, балки услубий хусусиятга эга. Комплекс экспертиза эса услубий эмас, процессуал (ҳуқуқий) тушунчадир ва унинг табиатини аниqlашда шу қоидадан келиб чиқиши керак.

Суд экспертизанинг маҳсус билимлари соҳаси ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас, улар ҳар қандай турдаги билимлар бўлиши мумкин. Комплекс экспертизанинг ҳуқуқий белгилари эса – бу экспертизани ўтказишда иштирок этаётган суд экспертларининг сони тегишли тадқиқотлар жараёнида ва уларнинг вазифалари (функциялар) фарқланиши ҳисобланади. Айнан улар

комплекс экспертизанинг барча процессуал хусусиятларини келтириб чиқаради, шунингдек, юзага келаётган муаммоларнинг сабаблари ҳам бўлади. Агар комплекс экспертиза тушунчаси экспертларнинг ваколатига эмас, балки билим соҳаларининг фарқига асосланган бўлса, комплекс экспертиза ҳар қандай ҳуқуқий ўзига хосликдан маҳрум бўлади.

Комплекс экспертизани бир турдаги экспертиза доирасида ўтказиш мумкинлиги ёки фақат турли ихтисосликдаги экспертизалар доирасидагина ўтказилиши масаласи ҳам баҳсталаб ҳисобланади. Комплекс экспертизани турли ихтисослик бўйича (тиббий-криимиалистик комплекс экспертиза, психолого-психиатрик комплекс экспертиза ва х.к.) экспертиза сифатида талқин қилиш кенгтарқалган [7, С.457; 8, С.97].

Бироқ куйидаги сабабларга кўра бу фикрга кўшилиш кийин.

Комплекс экспертизани амалда кенг тарқалишининг сабабларидан бири суд экспертларининг тобора тор ихтисослашувидир, бу ходиса нафақат суд-экспертлик фаолиятига хос, балки ҳозирги кунда глобал хусусиятга эга. Ҳозир билимлар ҳажми шу қадар каттаки, инсон уларнинг барчасини ўзлаштира олмайди (ёки, ҳар холда, бу жуда қийин). Ушбу объектив жараён албатта суд-экспертиза фаолиятига ҳам таъсир қиласи.

Экспертизалар ўтказишнинг мураккаб технологиялари ҳам бир хил ихтисослик

доирасида суд экспертларининг маълум даражада тор ихтисослашувини келтириб чиқаради. Бу қулай, тежамли ва янада са-маралидир. Масалан, тупроқшунослик экспертизасини ўтказишида айрим суд экспертылари тупроқнинг минералогик таркибини, бошқалари — органик таркибини текширади. Суд-хатшунослик экспертизасини ўтказишида бир суд экспертига имзолар, бошқа суд экспертига қўлёзма матнлар ва бошқа обьектлар тадқиқот учун берилади. Бундан ташқари, ҳозирда суд экспертларининг янги тоифаси — маълум бир криминалистик техник воситада (курилма, маҳсус техника) ишлайдиган ва унинг натижаларини оладиган — “курилма экспертылари” (ёки “услубиётчилар”) пайдо бўлди. Улар ўтказилаётган экспертиза тури бўйича билим ва кўнилмаларга эга бўлмайди, чунки улардан бундай

маҳсус билим талаб қилинмайди. Уларнинг тадқиқотлари натижаларидан бошқа суд экспертылари, тадқиқот обьекти бўйича мутахассис (масалан, эксперт-хатшунос) фойдаланади.

Шундай қилиб, комплекс экспертизанинг асосий ҳуқукий белгилари қуйидагилардир:

бу турдаги экспертизани ўтказишида турли ихтисосликдаги суд экспертларининг иштирок этиши ва тадқиқот жараёнида уларнинг вазифалари тақсимланиши;

суд экспертылари томонидан нафақат шахсан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосланган, балки бошқа суд экспертылари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган қўшма хulosса бериш.

Айнан шу белгилар комплекс экспертизанинг ҳуқукий табиати ва унинг барча процес-суал хусусиятларини ифодалаб беради.

ADABIYOTLAR

1. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. – 22-сон. – 173-м.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиши тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сон қарори / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 7-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллый базаси, 04.12.2017 й., 09/17/960/0355-сон; 16.01.2019 й., 09/19/34/2486-сон; 28.12.2020 й., 09/20/810/1673-сон.
3. Зинин А. М., Майлис Н. П. Судебная экспертиза: учебник. – Москва, 2002. – С.202.
4. Петрухин И. Л. Экспертиза как средство доказывания в советском уголовном процессе. – Москва, 1964. – С.151.
5. Россинская Е.Р. Комментарий к ФЗ «О государственной судебно-экспертной деятельности в Российской Федерации». – Москва, 2002. – С.267.
6. Зулфиқоров А.А. Комплекс экспертиза тушунчасини такомиллаштириш борасида айрим фикрлар. / Электронный междисциплинарный научный журнал: Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special issue – 1, №01 (2020) ISSN 2181-1415. – Б.273-277.
7. Аверьянова В.И. Судебная экспертиза. Курс общей теории. – М., 2006.
8. Внуков В.И., Зайцева Е.А. Независимая экспертиза в уголовном судопроизводстве России. – Волгоград, 2008.

ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИНИ БАҲОЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

ҒОФУРЖОНОВ
*Аҳаджон Ҳамиджон ўғли,
 X. Сулеймонова номидаги
 Республика суд экспертизаси
 марказининг
 Суд-экспертлик илмий-тадқиқот
 институти
 етакчи илмий ходими,
 З-даражали юрист*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада эксперт хулосаси тушунчаси, эксперт хулосасининг умумий қоидалари хамда эксперт хулосасини баҳолаш ва ундан суд-тергов органларининг фойдаланиши ҳақидаги назарий фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: Суд экспертизаси, суд-экспертлик фаолияти, суд экспертизининг хулосаси (хулоса), экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш усуллари.

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены понятие экспертного заключения, общие правила экспертного заключения и теоретические заключения по оценке экспертного заключения и его использованию органами судебного следствия.

Ключевые слова: судебная экспертиза, судебно-экспертная деятельность, заключение (заключение) судебного эксперта, результаты экспертизы и способы оформления заключения эксперта.

ANNATATION

This article presents the concept of an expert opinion, general rules of an expert opinion, and theoretical opinions on the evaluation of an expert opinion and its use by judicial investigation bodies.

Key words: Forensic expertise, forensic activity, forensic expert's conclusion (summary), results of expertise and methods of formalizing an expert's opinion.

Эксперт хulosаси иш бўйича далиллардан бири хисобланади. У суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи томонидан барча бошқа далиллар каби баҳоланади. Далилларни баҳолаш асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддасида келтирилган: “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва хуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим”.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хulosаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига оловччи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсангина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Исботланиши керак бўлган ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб хисобланади, яъни суд, прокурор, терговчи ва суриштирувни олиб бораётган шахс далилларни баҳолашда қонунга таянган ҳолда кўрилаётган ишнинг тафсилотини ҳар томонлама чуқур ва объектив ўрганиб, ўз ички туйғусига асосланади.

Ҳар қандай далиллар суд, прокурор, терговчи, суриштирувни олиб бораётган шахс учун олдиндан юқорида кўрсатилган кучга эга эмас. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексида далилларни баҳолашда худди шу принциплардан келиб чиқилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 63-моддаси).

Суд, прокурор, терговчи, суриштирувни олиб бораётган шахс далилларни баҳолашда

ва уларни мақбул деб эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида ички туйғусига асосланиб иш бўйича тўпланган ҳамма далилларни ҳолисона кўриб чиқиш натижаларидан келиб чиқиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, тушунтириши ва асослантириши лозим. Масалан, суд-тергов органи томонидан баҳоланаётган далилларни, хусусан эксперт хulosасини қабул қилиш ёки қилмаслигини хукмда (ажримда) асослаб бериши керак.

Далиллар, шу жумладан, эксперт хulosаси ҳам баҳолаш жараёнининг ҳар бир босқичида ўзига хос хусусиятга эга, лекин далилларни баҳолашнинг ҳамма босқичларида ҳам унинг максади ва принциплари бир хил. Бунда суриштирув органи, терговчи, прокурор ва судга кўйиладиган ягона талаб – далиллар тўғри баҳоланишига жавобгарлиkdir.

Эксперт хulosасини ички туйғу асосида баҳолаш объектив ҳолатларни инобатта олмасдан баҳолаш дегани эмас. Эксперт хulosасини баҳолашда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

- экспертиза тайинланганда ва ўтказилганда процессуал қонунчилик талабларига риоя қилинганилиги;
- замонавий фан нуқтаи назаридан берилган эксперт хulosаси асослантирилганлиги;
- экспертиза ўтказилганда тадқиқ қилинган материаллар, уларга кўйиладиган талабга жавоб бериши, экспертиза ўтказилганда усул ва методлар тўғри қўлланилганлиги;
- иш бўйича тўпланган далилларга эксперт томонидан аниқланган фактларнинг тўғри келиши.

Экспертиза тайинлаш ва ўтказиша процессуал қонунларга риоя қилинганликни баҳолаш. Эксперт хulosасида аниқланган фактлардан далил сифатида, факат экспертиза тайинланишида ва ўтказилишида қонунга риоя қилинган бўлса фойдаланиш мумкин. Эксперт хulosаси баҳоланганди суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувни олиб борган шахс қуйидагиларни аниқлаши лозим:

Хулоса ваколатли шахс томонидан берилганилиги. Конун фақат аниқ мутахассислик бўйича маҳсус билимга эга бўлган шахслар томонидан экспертиза ўтказилишига рухсат беради. Ҳозирги вақтда эксперталар аниқ экспертиза турлари бўйича мутахассислар бўл-



ганлиги сабабли терговчи (суд) тадқиқотлар эксперт муассасасининг ходими томонидан ўтказилганлигини ҳамда ушбу шахс маҳсус саволларни ҳал қилишга ваколатлами ёки йўқлигини ҳам аниқлаши лозим. Эксперт малакаси ҳақидаги маълумотлар хulosанинг кириш қисмida баён этилиши керак.

Эксперт муассасасининг раҳбари томонидан эксперт била туриб ёлғон хулоса берганлик, хулоса беришдан бош тортганлик ва маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилганлиги бўйича ёзма мажбурият (тилхат) ҳам хулосанинг кириш қисмida берилади.

Агар экспертиза дастлабки тергов жараёнида ўтказилган бўлса, экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган иш материаллари билан экспертнинг танишишига имкон яратилганлиги, қўшимча материал тақдим қилиш зарурлиги ҳақидаги эксперт илтимосномаси қондирилганлиги, айланувчининг (гумон қилинаётган шахс) манфаатини таъминловчи қонун талабларига риоя қилинганлиги ҳам аниқланиши лозим. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича тайинланган ва ўтказилган экспертиза хулосаларини баҳолашда, фуқаролик-процессуал

кодексининг талабларига экспертиза ўтказилганда (хусусан, ишни кўриб чиқишига тайёрлаш босқичида) риоя қилинганлигига ҳам эътибор қаратилади.

Хулосани тўғри баҳолаш учун унинг таркиби бўлган кириш, тадқиқот ва якуний қисмларини кўриб чиқиш лозим.

Кириш қисмини баҳолаш. Хулосанинг кириш қисми баҳолангандা, аввало, экспертиза қайси хужжат асосида ўтказилганлигини аниқлаш керак. Экспертиза ўтказиш учун фақат экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим) процессуал асос бўлиб хизмат қиласди. Қарор (ажрим) билан танишганда, хулосанинг кириш қисмida ҳамда қарорда (ажрим) текшириладиган хужжатлар, материаллар, объектлар ва уларнинг номланиши тўғри қайд этилганлигини аниқлаш лозим.

Хулосада эксперт олдига ҳал қилиш учун қўйилган саволларга жиддий аҳамият бериш лозим, чунки уларни таҳлил қилгандан сўнг, эксперт олдига қўйилган вазифаларни тўғри тушунганлиги ҳақида мулоҳаза қилиш мумкин бўлади.

Агар эксперт савол шаклини ўзgartирган бўлса ёки саволларни гурухларга ажратган

бўлса, терговчи эксперт олдига қўйилган саволларнинг маъноси ўзгармаганлигини текшириши керак.

Идентификацион тадқиқотлар ўтказилганда таққослаш учун тақдим этилган намуналарни танлаб олиш қоидалари таъминланишини ва шу намуналарнинг сифати, тўлиқлигини текшириш лозим. Чунки хulosанинг тўғрилиги айнан шунга боғлиқ бўлади. Ундан ташқари экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда (ажрим) намуна сифатида қайд этилган хужжатлар кўлланилганлиги аниқланади.

Хulosанинг тадқиқот қисмини баҳолаш.

Хulosанинг тадқиқот қисми баҳолангандага аввал эксперт фойдаланган услубларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги аниқланиши керак. Чунки ҳукм асосига фақат илмий методикаларга таянган ҳолда ўтказилган экспертиза хulosаси олиниши мумкин.

Экспертиза хulosасини тасдиқлаш учун ёки бу илмий асос келтирилганда унинг афзаллиги изохланиши ва хulosани баҳолашда шахсларга бунга ишонч ҳосил қилиши учун имкон яратиши лозим. Масалан, суд-хатушнослик экспертизасида ёзувнинг ишланиш дарражасини қисқа вақт ичida ўзгартириш мумкин эмаслиги аниқланган, бу турғун белги ҳисобланади. Шунинг учун агар тахминий ижрочининг ёзувини ишлов даражаси тадқик этилаётган имзонинг ишлов даражасидан анча паст бўлса, фақат ишлов даражаси бўйича имзони тахминий ижрочи бажармаганлиги ҳақида хulosса қилиш мумкин.

Эксперт хulosаси илмий асослантирилганлигини баҳолаш, эксперт тадқиқот учун қўллаган методларни баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ. Тадқиқ услубларига амал қилмаслик эксперт хulosасини рад этишга ва тақрорий экспертиза тайинлашга асос бўлади.

Экспертнинг якуний хulosаларини баҳолаш. Бунда, дастлаб эксперт ҳамма қўйилган саволларга жавоб берганлиги, сўнг хulosатадқиқот қисмida келтирилган илмий асосларга мослигини текширади.

Қўйилган саволларга жавоб тушунарли ва аниқ бўлиши лозим. Агар эксперт қўйилган саволларнинг ҳаммасига жавоб бермаган бўлса, қўшимча экспертиза тайинланиши мумкин.

Эксперт олдига қўйилган саволларга тўғри

ва тўлиқ жавоб берганлигини хulosани ўрганиб, кириш ва тадқиқот қисмидаги ахборотларни таққослаш аниқлаш мумкин. Агар хulosанинг кириш, тадқиқот ва якуний қисмлари мантиқан бир-бирига зид бўлса, уни ҳукм асосига киритиб бўлмайди. Баъзи терговчилар (судлар) фақат экспертизнинг якуний хulosаларига эътибор қаратиб, кириш ва тадқиқот қисмларига аҳамият бермайдилар. Бу нотўғри, чунки бунда хulosада келтирилган фактлар, таққослаш материалларининг етарли бўлганлиги каби масалаларни аниқлашнинг имкони бўлмайди.

Хар бир ҳолатда идентификацион белгиларга нисбатан берилган хulosса қарама-қарши эмаслигини текшириш керак. Гоҳида эксперт объектларнинг хар хиллигини аниқлаб, бу ҳақидаги белгиларни таърифлаб, эътиборсизлик ёки совуққонлик туфайли ижобий хulosса қиласи (ёки аксинча). Баъзан кириш қисмida баён қилинган ҳолатлар тадқиқот қисмидаги ҳолатларга зид бўлади. Гоҳида тадқиқот қисмининг ўзида ҳам зиддиятлар учраб туради. Бундай зиддиятлар эксперт хulosасининг далилий аҳамиятини камайтиради ва уни рад этишга ёки тақрорий экспертиза тайинлашга асос бўлади.

Эксперт хulosаси ва терговчидаги шубҳа туғдирмайдиган иш бўйича йиғилган бошқа далиллар мослиги унинг янада ишончлигининг омилидир. Агар эксперт хulosаси иш бўйича бошқа далилларга зид бўлса, бунинг сабабини аниқлаб, зиддиятни бартараф этиш чораларини кўриш лозим.

Худди шундай одил судловни ўтказишга эксперт хulosасига асоссиз шубҳа билан қараш ҳам халал беради. Агар эксперт хulosасини баҳолаш натижалари унинг тўғрилигига шубҳа туғдирмаса мазкур экспертизанинг тўғрилигини текшириш учун қайта экспертиза тайинлашнинг зарурати бўлмайди. Бу фақат терговнинг ва иш судда кўрилишининг муддати чўзилишига сабаб бўлади.

Хар доим ҳам дастлаб ўтказилган икки экспертиза ўртасидаги фарқларни аниқлаш учун экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тўғри эмас. Айрим ҳолларда улардаги фарқларни ишдаги материаллар билан биргалиқда хulosаларни танқидий баҳолаш орқали бартараф қиласа

бўлади.

Терговчи (суд) хulosани баҳолашда нафақат икки хулоса ўртасидаги фарқни, балки эксперт аниқлаган ва иш бўйича бошқа далиллардан келиб чиқадиган фактлар ўртасидаги фарқларни ҳам аниқлаши мумкин. Бунда эксперт хulosаси нафақат айrim далилларга, масалан, айбланувчининг кўрсатмаларига, балки иш бўйича йифилган барча далилларга ҳам зид бўлиши мумкин. Терговчи (суд)нинг вазифаси бу фарқнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни бошқа далиллар билан биргаликда бартараф этишdir.

Экспертнинг хулоса бериш учун имконий ўқлиги ҳақидаги хуносасини баҳолаш. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 185-моддасида экспертга тақдим қилинган объектлар экспертиза ўтказиш учун етарли бўлмаса, эксперт қўшимча материаллар берилишини сўрайди, бундай материаллар бўлмаса, шунингдек, эксперт олдига қўйилган саволларни унинг маҳсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаса, хулоса бериш имконияти ўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ва уни экспертиза муассасининг раҳбарига ва экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга юбориши белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқсан ҳолда, agar эксперт қўйилган саволларни унинг маҳсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи ўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни экспертизи тайинлаган органга (шахсга) юборади. Мабодо, эксперт баъзи саволлар юзасидан хулоса бериб, бошқа саволлар бўйича хулоса беришга имкон ўқ деб ҳисобласа, у ҳолда битта ҳужжат – эксперт хуносасини тузади.

Хулоса беришнинг имкони ўқлиги ҳақидаги маълумотни беришга асос – тадқик қилинувчи объект ва тақкослаш учун материаллар билан боғлиқ бўлиши мумкин: тадқик қилинувчи объектнинг кичик ҳажми, уни

тўлиқ қайта тиклашнинг имкони йўқлиги, тақкослаш материалларининг йўқлиги ёки эркин ва тажрибавий намуналарни олиш имкони йўқлиги.

Намуналар етишмаслиги туфайли хулоса бериш имкони бўлмаганлиги ҳақидаги хуносани эксперт фақат суд ажримида, терговчининг қарорида ёки бошқа ҳужжат (маълумот, хат ва ҳ.к.)да намуналарни тўлдириб бўлмаслиги ҳақида кўрсатилган бўлсагина бериши мумкин. Агар бундай маълумот бўлмаса, эксперт тайинловчи органга илтимоснома юборишга мажбур ва бу илтимосномани қондиришнинг имкони йўқлиги ҳақида эксперт тайинловчи органдан маълумот олганидан сўнг масалани ҳал қилиш учун имкон йўқлиги ҳақида ҳужжат тузади.

Хулоса беришнинг иложи ўқлиги ҳақидаги ҳужжатни баҳолаш худди эксперт хуносасини баҳолаш принциплари бўйича амалга оширилади. Кўпинча терговчи (суд)лар бундай маълумотларга танқидий ёндашмайдилар. Қайта экспертиза ўтказиши амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, баъзида хулоса беришнинг имкони йўқлиги ҳақидаги маълумотлар эксперт аниқлаган белгиларни нотўғри баҳолаганидан, намуналарнинг етарли эмаслигидан, айrim ҳолларда эса эксперт ўзини муҳофаза қилишидан келиб чиқади. Қайта экспертиза ўтказилганда бирламчи экспертиза жавоб бермаган саволларга жавоб берилганинг мисоллар кўп. Лекин суд (терговчи) томонидан сифатли қўшимча материаллар билан таъминламай қайта экспертиза тайинланиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Баъзида қайта экспертизани тайинлаш терговчининг (суд) эксперт қандай сабабларга таяниб ўз олдига қўйилган саволларни ҳал қилмаганлигини тушунмаслиги оқибатида бўлади.

Эксперт хуносасидан иш ҳолатларини аниқлашда ва қонунбузарликларнинг олдини олишда фойдаланиш. Эксперт хуносасини баҳолаб, терговчи (суд) иш ҳолатларини аниқлашда ундан тўғри фойдаланиши керак. Агар хуносада айrim ҳолатлар ҳақида маълумот бўлса, хуносанинг терговчи (суд) томонидан тўғри деб баҳоланиши шу ҳолатларни терговчи (суд) аниқлаганини билдиради.



Жиной ёки маъмурий ишлар бўйича экспертиза ўтказилганда ҳукуқбузарлик содир қилинишига олиб келган ҳолатлар ҳам аниқланиши ва хulosада кўрсатиб ўтилиши белгиланган. Бу аввало суд-бухгалтерлик, суд-автотехник, криминалистик экспертизаларга тегишилдири.

Амалдаги меъёрий хужжатлар эксперт мусассасалари ходимларига суд (терговчи)нинг топшириғига ва ўз ташаббусига биноан махсус билимларига таянган ҳолда жиноят содир этишга ёрдам берган ҳолатларни аниқлашни юклаган. Хусусан, бухгалтер-экспертлар кўпинча бухгалтерлик ҳисобидаги камчиликларни, автотехник-экспертлар йўл ҳаракатидаги камчиликларни, криминалист-экспертлар эса хужжатдаги камчиликлар ва ҳоказоларни

аниқлайдилар. Афсуски, судлар (терговчилар) жиноят содир этишга қулай вазият яратган шароитларни аниқлашга қаратилган вазифаларни эксперталар олдига қўймайдилар, эксперталар ўз ташаббуслари билан ҳал қилган бу тоифадаги саволларга жавобларни инобатга олмайдилар. Ваҳоланки, экспертнинг профилактик ҳарактердаги таклифлари суд (терговчи) томонидан синчковлик билан ўрганиб чиқилиб, жиноятнинг олдини олишда фойдаланилиши лозим. Агар суд (терговчи) эксперт тавсияга рози бўлмаса, бу ҳақида асосли ажрим (карор) чиқариши лозим.

Экспертиза ўтказиш жараёнида аниқланган ҳолатлардан фуқаролик ишлари кўрилаётганда ҳам фойдаланилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси.
6. Закурлаев А. Криминалистика. Дарслик, II жилд. – Тошкент, 2018.
7. Криминалистика. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2018.

ОДАМ МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИК ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА УЧРАЙДИГАН АЙРИМ АРТИФАКТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ. DYF387S1 ЛОКУСИДАГИ ТРИПЛЕТ ХОДИСАСИННИНГ УЧРАШИ МИСОЛИДА

САИТОВА Нийёра Собиржоновна,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Х.Сулаймонова номидаги
Республика суд экспертизаси
Маркази Суд экспертилик илмий-
тадқиқот институтининг Суд-
тиббий, психиатрия, психологик
ва биологик экспертизалари илмий
тадқиқот бўлим бошлиги

БАХТИЁРОВА Ситора
Бахтиёровна,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Х.Сулаймонова номидаги
Республика суд экспертизаси
Маркази Одам ДНКси суд-биологик
экспертизаси лабораторияси
эксперти

АННОТАЦИЯ

Полиморфик қисқа тандемли тақрорланишлар (STR) суд экспертиза тадқиқотлари давомида шахсларнинг идентификацияси учун кучли генетик белгилардан бири бўлиб, қариндошликни аниқлашда ҳалигача муҳим аҳамият касб этади. Триплоидия, яъни битта локусда учта аллелик намоён бўлишига химеризм ёки хромосома мутациялари сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу мақолада лаборатория амалиётида DYF387S1 локусида триплоидия ҳодисасининг учраши ҳолати таҳлили ўтказилди.

Калит сўзлар: триплоидия, Y-хромосома, мутация.

АННОТАЦИЯ

Полиморфные короткие tandemные повторы (STR) являются мощными генетическими маркерами для различения индивидуумов и по-прежнему предпочтительны для криминалистических применений и тестирования родства. Трехаллельный паттерн может иметь несколько причин, таких как химеризм или хромосомные мутации.

В данной статье рассматривается случаи триплоидии по локусу DYF387S1 встречающейся в экспертной практике лаборатории.

Ключевые слова: триплоидия, Y-хромосома, мутация.

ANNOTATION

Polymorphic short tandem repeats (STRs) are powerful genetic markers to distinguish individuals and still preferred for forensic applications and relationship testing. Triallelic pattern may have several causes, such as chimerism or chromosomal mutations.

This article discusses cases of triploidy at the DYF387S1 locus found in the expert practice of the laboratory.

Key words: triploidy, Y-chromosome, mutation.

Қасддан одам ўлдириш, номусга тегиши, босқинчилик, талончилик каби шахснинг ҳаётини ва соғлиғига қарши қаратилган ўта оғир жиноятларни фош этиши ва тергов қилиш мурракаб иш бўлиб, у баъзан жиноят қурбони бўлган фуқаронинг шахсини ёки жиноятни содир килган айборни аниқлаш ва бошқа бир қатор мураккаб қийинчиликлар билан бевосита боғлиқ бўлади [1].

Бу каби жиноятларни фош этишда хозирги замонда ДНК экспертизаси тадқиқотлари жуда мухим аҳамият касб этади. Шу ўринда замон талабларига ҳамоҳанг равишда ДНК таҳлили усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, замонавий ДНК тадқиқот технологияси ўзида ДНК тутувчи инсон танасининг деярли барча тўқималари ва биологик суюкликларини муваффақиятли текшириш имконини беради.

Шахсни молекуляр генетик жиҳатдан идентификация қилишда асосан икки хил маркерлардан фойдаланиш мумкин. Ядрорий ДНК маркери орқали одамнинг барча биологик материалларида бир хил тузилишга эга бўлган ва фақатгина шу шахсга хос бўлган генотипни аниқлаш мумкин бўлади (бир тухумдан ривожланган эгизаклар бундан мустасно). Бундай обьектни ўрганиш натижасида биологик материал табиатидан қатъи назар, яъни қон, сўлак, соч, мушак, суяқ ва х.к., генотипи аниқланади. Нормал холатда ҳар бир генотипнинг генетик белгилари икки хил сон кўришида бўлса гетерозигота, бир хил сон кўришида бўлса гомозигота деб юритилади [2].

Ядрорий ДНК бўйича маълумот олишнинг имкони бўлмаган ҳолларда шахс идентификациясида Y-хромосома маркеридан фойдаланиш мумкин. Ушбу тадқиқот услуби Y-хромосома ДНКси микросателлит локуслари аллелларининг ирсият қонунларига бўйсунган ҳолда отадан фақатгина эркак жинсидаги болага ўзгармас ҳолда ўтиш қонуниятига асосланган. Y-хромосома бўйича ўтказилган тадқиқотлар давомида бир ота авлод бўйича яқин қариндошлик мавжудлиги ёки йўқлиги аниқланади. Ядрорий ДНКдан фарқли равиша Y-хромосома бўйича аниқланган гаплотип бир аллел кўринишида бўлади. Лекин

амалиётда мутация жараёни сабабли нуклеотидлар кетма-кетлигига турли хил ўзгаришлар кузатилиб, нормал холатдан фарқли бўлган натижаларни кузатишимиз мумкин.


Мазкур маълолада бизнинг лабораториямизда шахси номаълум мурда молекуляр генетик идентификацияси текширувлари жараёнида DYF387S1 локусидаги триплоидия, яъни учта аллел вариантидан иборатлик ҳодисаси сабаблари ўрганилган.

Материаллар ва усуллар: Экспертиза текшируви учун тақдим этилган намунадан ДНК ажратиб олиш органик усулда амалга оширилди. Ажратиб олинган ДНКнинг миқдор ва сифат реакцияси Promega фирмасининг “PowerQuant System” реагентдан фойдаланилган ҳолда QuantiStudio5 (Life Technologies) асбобида ўтказилди [3]. Ажратиб олинган ДНКнинг Y-хромосомаси таҳлили полимераза занжир реакцияси DYS576, DYS389I, DYS635, DYS389II, DYS627, DYS460, DYS458, DYS19, YGATAH4, DYS448, DYS391, DYS456, DYS390, DYS438, DYS392, DYS518, DYS570, DYS437, DYS385, DYS449, DYS393, DYS439, DYS481, DYF387S1, DYS533 локуслар таҳлили ўтказиш учун мўлжалланган “AmpFlSTRRYfiler PlusTM PCR Amplification kit” энзиматик амплификация системаси ёрдамида ўтказилди [4]. Капилляр электрофорез жараёни ABI 3500 генетик анализаторида POP-4 ва 36-сантиметрли капилляр ёрдамида амалга оширилди [5].

Натижа: Y-хромосомадаги триплоидия ҳодисаси Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси лабораториясида учраган биринчи ҳолат ҳисобланади.


Ўтказилган текширув натижасида шахси номаълум мурда гаплотипининг DYF387S1 локусида триплет-учта аллел вариантидан иборатлиги кузатилди (1-расм). Одатда, одам гаплотипининг ҳар бир локуси бир хилдаги аллел кўрсаткичларидан иборат бўлади [6].

Мазкур ҳолат NIST(National Institute of Standards and Technology) STR Base сайтига киритилган бўлиб, ушбу локусда уч аллеллик ҳолати учраши мумкунлиги қайд этилган ҳамда уч аллел вариантлари кўрсатилган. Экспертиза тадқиқоти натижасида олинган 36, 37, 39 аллел вариантлари популациян хилма-хиллик кўриниши бўлиши истисно этилмайди [7, 8, 9].



1-расм

Локусларнинг учта аллел варианtlарда намоён бўлиши биринчи марта учрашига қарамай, бу каби ҳолатлар NIST веб-сайтида [10] келтирилган маълумотларга асосан Y-хромосомаси локусларида триплет учраши янгилик эмас. Ўрганишлар натижасида Y-хромосомасининг текширилган локусларидаги учтали аллел варианtlар веб-сайтда келтирилганлиги аниqlанди. Аммо экспертиза тадқиқот давомида DYF387S1 локусидаги 36/37/39 кетма-кетлиги варианти мавжуд эмаслиги кузатилди. Ушбу ҳолат Ўзбекистон популяциясининг ўзига хослигидан далолат бериши мумкин (2-расм).



2-расм


Триплоидия, яъни битта локусда учта аллеллик намоён бўлишига химеризм ёки хромосома мутациялари сабаб бўлиши мумкин. Клейтон ва б. лар қарашларига кўра триплоидиянинг иккита тури мавжуд [11]. Биринчиси, кенг тарқалган ҳолатлардан бўлиб, бунда пиклар ўлчамларида номутаносиблик кузатилади (3-расм). Иккинчи турида пиклар балансланган интенсивликка эга бўлади (4-расм). Биринчи тур триплоидия, бу химеризмга олиб келувчи индивиднинг ривожланиш давридаги гетерозиготли локусдаги аллелнинг соматик мутациясидан дарак беради.

Маълумки, мутацион ҳодиса – бу генетик материалнинг ўзгаришлари хисобланади. Мутациялар қаерда ҳосил бўлишига кўра бир неча гурухларга бўлинади. Асосан ген, хромосома, геном ва ситоплазматик мутациялар кузатилади. Мутациялар ҳосил бўлишида бир қанча ташқи ва




ички омиллар сабабчи бўлиши мумкин. Одатда, табиатда мутациялар доимо юз беради ва улар эволюциянинг бирламчи асосий омили деб қаралади [14].

Триплоидиянинг 2-тури дупликация ҳодисасига асосланади. Бунда аллелларнинг худди шу хромосомада жойлашганлигини ёки транслокация қилинганлигини ёки хромосома анеуплоидијаси (трисомия)ни кўриш мумкин. Яъни, эҳтимол бу икки аллел биргаликда ирсийланади, чунки улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлади[12, 13].





3-расм



4-расм

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, одам организмида турли хилдаги ўзгаришлар, яъни мутациялар учраб туради. Мутациялар ҳосил бўлишида бир қанча ташки ва ички омиллар сабабчи бўлади. Бу каби мутацион ўзгаришлар нафақат ядроий ДНКда, балки да ҳам учрашини тадқиқотлар давомида кузатишга муваффақ бўлдик. Ўрганишлар натижасида Y-хромосомасининг текширилган локусларидаги учтали аллел варианtlар веб-сайтда келтирилганлиги аниқланди. Аммо экспертиза тадқиқот давомида DYF387S1 локусидаги 36/37/39 кетма-кетлиги варианти мавжуд эмаслиги кузатилганлиги, Ўзбекистон популяциясининг ўзига хослигидан далолат бериши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси Маркази “Одам ДНКси бўйича суд биология экспертизаси ўтказишни тайинлаш тактикаси юзасидан услубий қўлланма”. Тошкент, 2000. С 3-23.
2. www.optolof.ru.
3. QTП 29.1-38 Постановка ПЦР с использованием набора “PowerPlex® FusionSystem”.
4. Yfiler ® Plus PCR Amplification Kit User Guide Publication Number 4485610 Revision B.
5. Applied Biosystems 3500/3500xL Genetic Analyzer USER GUIDE Catalog Numbers 4405186, 4405187.
6. QTП 29.1-1 “Общее положение по проведению СБЭ ДНК человека”. РСЭМ директори томонидан 04.02.2022й. тасдиқланган, 3-нашр.
7. https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_Y-STR_markers
8. https://strbase.nist.gov/var_DYF387S1.htm
9. https://strbase.nist.gov/tri_tab.htm
10. <https://strbase.nist.gov/index.htm>
11. Clayton TM, Guest JL, Urquhart AJ, Gill PD (2004) A genetic basis for anomalous band patterns encountered during DNA STR profiling. J Forensic Sci 49: 1207-1214.
12. Qinrui Yang, Baonian Liu, Chengchen Shao, Yuxiang Zhou, Yining Yao, Yuyin Pan, Kuan Sun, Hongmei Xu, Chengtao Li, Ting Wei, Yueqin Zhou, Qiqun Tang & Jianhui Xie “Characterization of the extra copy of TPOX locus with tri-allelic pattern” 2019.
13. Marek HF Ekert, Marina L Mazanek, Carmelia S Miranda, Alessandro LN Santos, Rosana CF Silva“Tri-allelic pattern at the TPOX locus: human identification in Brazil” 2018.
14. БАРАБИН А.И. Генетика: учеб. пособие - Архангельск: Северный (Арктический) федеральный университет, 2010. - 116 с.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING KONSTITUTSIYASI FUNDAMENTAL QONUN SIFATIDA

MAXMUDOV Rozmet Muratovich,
*O'zbekiston Respublikasi
 Jamoat xavfsizligi
 universiteti professori, pedagogika
 fanlari doktori, professor,
 maxmudovrozmet1965@mail.ru.*

QORABOEV Abdulaziz
Abduraxmonovich,
*O'zbekiston Respublikasi Jamoat
 xavfsizligi universiteti doktoranti,
 abdulazizqoraboyev1979@mail.ru.*

ANNOTATSIYA

Maqolada fuqarolar va inson haq-huquqlarining Konstitutsiya asosida kafolatlanishi, Konstitutsiyada O'zbekiston odil demokratik jamiyat va huquqiy davlat qurishining asoslari va shunday davlatda inson huquqlari, demokratiya va ijtimoiy adolat g'oyalariga to'liq amal qilinishi bayon etilgan. Konstitutsiya davlatning mohiyatini ta'riflovchi, uning tashkiliy tuzilmasini ifodalovchi, davlat siyosatining asoslarini belgilovchi asosiy hujjat sanalishi e'tirof etilgan.

Kalit so'zlar: suveren davlat, demokratik jamiyat, fuqaroviylar jamiyat, huquqiy davlat, davlat siyosati, davlat mustaqilligi, ma'naviy va tarixiy meros.

Ma'lumki, har bir davlatning barcha davlatlarga xos umumiylar xususiyatlari bo'lishi bilan bir qatorda, faqat yakka o'ziga xos xususiyatlari ham mavjud.

O'zbekiston Respublikasi 1992-yilda o'z Konstitutsiyasini qabul qilib, dunyo siyosiy xaritasida yangi suveren davlat paydo bo'lganini e'lon qildi. Suveren demokratik davlat o'z mohiyatiga ko'ra xalq manfaatlarini ifodelaydi, fuqarolar va inson haq-huquqlarini qonunlar asosida kafolatlaydi. Konstitutsiyada O'zbekiston odil demokratik jamiyat va huquqiy davlat qurishining asoslari va shunday davlatda inson huquqlari, demokratiya va ijtimoiy adolat g'oyalariga to'liq amal qilinishi bayon etildi. Konstitutsiya turli mulkchilik shakllariga va ijtimoiy bozor iqtisodiyotiga asoslangan yangi siyosiy tuzum barpo etayotgan xalqning irodasini va ezgu istaklarini qonunlashtirdi.

O'z mazmuni va ijtimoiy vazifasiga ko'ra, Konstitutsiya davlatning mohiyatini ta'riflovchi, uning tashkiliy tuzilmasini ifodalovchi, davlat siyosatining asoslarini belgilovchi hujjat sifatida gavdalananadi.

Konstitutsiya hokimiyatni tashkil etish va rasmiylashtirishning huquqiy shakli, uni oqilona cheklash va fuqaroviylar jamiyatga bo'ysundirish vositasidir.

Demokratik jamiyatda davlat konstitutsiyaviy davlat bo'ladi. Zotan, demokratiya davlatning shakli sifatida Konstitutsiyaning mazmunini

tashkil etadi. Ammo bu o‘z konstitutsiyasiga ega har qanday davlat ham konstitutsiyaviy va ham demokratik davlat bo‘laveradi degani emas.

Konstitutsiya o‘z ijtimoiy vazifasini bajara borib, bir qator o‘zaro bog‘liq funksiyalarini ham ado etadi. Konstitutsiyaning eng muhim funksiyalaridan biri davlatchilik rivojidagi vorisiylikni ta‘minlashdir. Anglo-sakson mamlakatlarida bu ancha aniq ibora – “kontinuiment”, ya’ni “davlat hokimiyatining uzluksizligi, davomiyligi, vorisiyligi” degan tushunchalar orqali ifoda etiladi. Bu bilan konstitutsiya davlatchilikning qat’iy zaminga ega ekanligi hamda o‘zgarmasligini anlgatadi. Xalqimiz teran davlatchilik negizlariga ega bo‘lgan o‘ziga xos siyosiy, huquqiy, madaniy merosning sohibidir. Milloddan bir necha ming yillar oldin hududimizda davlat va huquqqa oid institutlar mavjud bo‘lgan. Yurtimiz minglab ulug‘ allomalar, davlat arboblarini yetishtirib bergen. Buyuk ajdodlarimiz bashariyat madaniyatini yaratishda bevosita ishtirot etib, unga ulkan hissa qo‘shganlar.

O‘zbek xalqi ham dunyo xalqlari singari asrlar mobaynida saqlanib, sayqallanib kelgan milliy urf-odatlari, rasm-rusumlari va an’analariaga ega. Ularda xalqning ijtmoiy-iqtisodiy hayoti, dini, huquqiy ongi va, umuman, milliy davlatchilik xususiyati aks etgan. Yurtimizda ilk davlatlarning paydo bo‘lishi va rivojlanishi, milliy davlatchiligidan shakllanishi qadimgi manbalarda yozib qoldirilgan. Jumladan, “Avesto”ning yaratilganiga uch ming yil bo‘lyapti. Bu nodir kitob bundan o‘ttiz asr muqaddam ikki daryo oralig‘ida, shu zaminda umrguzaronlik qilgan ajdodlarimizning biz avlodlarga qoldirgan ma’naviy, tarixiy merosidir. “Avesto” ayni zamonda bu qadim o‘lkada buyuk davlat, buyuk madaniyat, buyuk ma’naviyat bo‘lganidan guvohlik beruvchi tarixiy hujjatdirki, uni hech kim inkor etolmaydi. “Avesto”da tasvirlangan Humo – afsonaviy davlat qushi sifatida mustaqil O‘zbekiston Respublikasi gerbida o‘z aksini topgan.

O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi “O‘zbekiston – suveren demokratik respublika. Davlatning “O‘zbekiston Respublikasi” va “O‘zbekiston” degan nomlari bir ma’noni

anglatadi” degan qoidadan boshlanadi. “Suveren so‘zi oliv hokimiyat sohibini anglatib, suveren davlat hokimiyatining asosiy xususiyati – uning mustaqilligidir”. Davlat hokimiyatining mustaqilligi shu davlatning boshqa davlatlar bilan to‘g‘ridan to‘g‘ri, bevosita munosabatlarda o‘z ifodasini topadi. 1990-yilning 20-iyunida O‘zbekiston Respublikasi Oliy Sovetining ikkinchi sessiyasida “Davlat mustaqilligi to‘g‘risida”gi deklaratsiya qabul qilinib, unda: “o‘zbek xalqining davlat qurilishidagi tarixiy tajribasi va tarkib topgan boy an’analari, har bir millatning o‘z taqdirini o‘zi belgilash huquqini ta‘minlashdan iborat oliv maqsadi, haqqi, har bir kishining farovon hayot kechirishini ta‘minlashni oliv maqsad deb bilgan holda, O‘zbekiston xalqlarining kelajagi uchun tarixiy mas’ulyatni chuqur his etgan holda, xalqaro huquq qoidalari, umumbashariy qadriyatlar va demokratiya tamoyillariga asoslanib, O‘zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligini e’lon qiladi”, deya ta’kidlangan. Deklaratsiya O‘zbekiston Respublikasi suverenitetining siyosiy, iqtisodiy va huquqiy kafolatlarini belgilab bergen. U xalqqa davlat va jamiyat ishlarini hal qilishda to‘la huquq beradi, Konstitutsiya va qonunlarning O‘zbekiston hududida ustunligini belgilaydi hamda xalqning o‘z boyliklaridan foydalanishi, ularga egalik qilishi uchun zamin yaratadi. Deklaratsiya mustaqil O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini yaratish uchun asos bo‘ldi.

O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining navbatdan tashqari oltinchi sessiyasida “O‘zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligini e’lon qilish to‘g‘risida”gi qaror qabul qilindi. Shu qaror asosida, 1991-yil 31-avgustda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining navbatdan tashqari oltinchi sessiyasida “O‘zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi asoslari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining qonuni qabul qilindi. Oradan bir oy o‘tgach, 1991-yil 30-sentabrida O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining navbatdan tashqari yetinchi sessiyasida “O‘zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligi asoslari to‘g‘risida”gi konstitutsiyaviy qonun qabul qilindi. Mazkur qonun “O‘zbekiston Respublikasi o‘z tarkibidagi Qoraqalpog‘iston Respublikasi bilan birga mustaqil, demokratik davlatdir”, deb e’lon qildi.

Qonunning ikkinchi moddasiga muvofiq

O‘zbekiston Respublikasining xalqi suveren va u respublikada davlat hokimiyatining birdan-bir sohibidir. U o‘z hokimiyatini ham bevosita, ham vakillik idoralari tizimi orqali amalga oshiradi.

Mustaqillik deklaratsiyasi va davlat mustaqilligi asoslari to‘g‘risidagi konstitutsiyaviy qonunning asosiy g‘oya va qoidalari konstitutsiyaning bиринчи muddasiga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi demokratik davlatdir. Uning demokratligi, avvalo, uning xalqparvarlikni ta‘minlashida, davlat hokimiyatining qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatiga bo‘linishida, mafkuraviy va siyosiy hurfikrligida, fuqarolarning mahalliy o‘zini-o‘zi boshqarishida aks etadi. Bu qonuniy hujjatda mamlakatimizda davlat va jamiyat qurilishining asosiy tamoyillari aniq ifodalab berildi, davlat hokimiyatining qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud tarmoqlariga bo‘linishi eng muhim tamoyil sifatida belgilandi. Shuningdek, inson huquqlari davlat manfaatlaridan, umume’tirof etilgan xalqaro huquq normalarining esa milliy-huquqiy me’yorlardan ustunligi ham Konstitutsiyada muhlanib qo‘yildi.

Asosiy qonunimizda hech qanday mafkuraning davlat mafkurasi sifatida o‘rnatalishi mumkin emasligi va ijtimoiy-siyosiy hayot siyosiy institutlarning rang-barangligi, mafkura va fikrlarning xilma-xilligiga asoslanishi belgilab berildi. Ayni paytda barcha mulk shakllarining teng huquqliligi sharoitida xususiy mulkning ustuvorligi konstitutsiyaviy asosda mustahkamlab qo‘yildi. O‘zbekiston siyosiy va iqtisodiy

taraqqiyot, davlat va jamiyat qurish strategiyasini barpo etishda xalqimizning tarixan shakllangan milliy va madaniy o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olib, mamlakatimizning mavjud tabiiy iqtisodiy, mineral xomashyo salohiyatini xolisona va jiddiy baholagan holda, jahon xo‘jalik aloqalari tizimida o‘zimizga munosib joy egallashni maqsad qilib qo‘yib, bunday marralarga erishishni asosiy vazifa sifatida belgilab oldi. Shu asosda eski ma’muriy-buyruqbozlik tizimiga barham berildi, milliy davlatchilikni shakllantirishning puxta huquqiy asoslari yaratildi, davlat hokimiyatining qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyati tarmoqlari tashkil etildi, ijtimoiy va fuqarolik institutlari faoliyati yo‘lga qo‘yildi, iqtisodiyotni erkin bozor munosabatlariga o‘tkazish jarayoni amalga oshirildi.

O‘z-o‘zidan ayonki, O‘zbekistonning jahon hamjamiatida munosib o‘rin egallashi, o‘z xalqining tinchligi va farovonligini ta‘minlashga intilayotgan boshqa davlatlar qatori hozirgi shiddat bilan o‘zgarib borayotgan murakkab davr o‘rtaga qo‘yayotgan talablarga to‘liq javob beradigan, aniq va ravshan, har tomonlama puxta o‘ylangan strategiya va harakat dasturiga ega bo‘lishi zarurligini bugun hayotning o‘zi taqozo etmoqda.

Bu strategiya, avvalambor, tajribada o‘zini oqlab, demokratik, siyosiy va iqtisodiy islohotlar, ijtimoiy o‘zgarishlarni chuqurlashtirish, jamiyatda tinchlik va barqarorlikni mustahkamlash, tinchliksevar tashqi siyosat yuritish va jahon xo‘jalik tizimiga integratsiyalashishga qaratilgan kuchimizni bundan buyon ham izchil davom ettirishni ta‘minlashi darkor.

ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent: O‘zbekiston, 1992. – B. 12–13.
2. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2021. – B. 62, 453.
3. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta‘minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2017.
4. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – Toshkent: O‘zbekiston, 2017.
5. Odilqoriyev H.T. va boshqalar. O‘zbekiston Respublikasining konstitutsiyaviy huquqi. Yuridik oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent, 2005. – B. 56.
6. Maxmudov R.M. Huquq va madaniyat. – Toshkent: O‘zbekiston, 1993. – B. 56.
7. Mustaqil O‘zbekiston huquq fanlarining dolzarb muammolari. O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi, I.Mo‘minov nomidagi Falsafa va huquq instituti. Respublika ilmiy-nazariy konferensiyanining ma’ruzalar to‘plami. №4. 1997-yil 30-may.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ МУАММОЛАР

*КУЧКАРОВ Худойназар,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази хузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти кичик
илмий ходими*

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бутунги кунда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги ташкилий-хуқуқий муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилган. Илмий ёндашувлар ҳамда халқаро тажрибага асосланган амалий таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, ёшларга оид давлат сиёсати, ахборотнинг глобаллашуви, эркин бозор қадриятлари, Учинчи Ренессанс, Ёшлар хуқуqlари тўғрисидаги халқаро конвенция.

АННОТАЦИЯ

В статье описаны организационно-правовые проблемы в реализации государственной молодежной политики в Узбекистане на сегодняшний день, их причины и пути их преодоления. Описаны научные подходы, практические предложения и рекомендации, основанные на международном опыте.

Ключевые слова: глобализация, государственная молодежная политика, глобализация информации, ценности свободного рынка, Третий Ренессанс, Международная конвенция о правах ребенка.

ANNOTATION

This article describes the organizational and legal problems in the implementation of the state youth policy in Uzbekistan today, their causes and ways to overcome them. Scientific approaches and practical proposals and recommendations based on international experience are described.

Key words. Globalization, state youth policy, globalization of information, free market values, Third Renaissance, International Convention on the Rights of the Child.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг дастлабки давридан бошлаб асосий эътибор қаратган энг муҳим фаолият йўналишларидан бири ёшлар масаласи ҳисобланади. Президентимизнинг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қарашлари ўтган давр давомида бир қатор қонун хужжатларида ўз аксини топди. Албатта, стратегик вазифа сифатида ёшларга қаратилаётган эътибор мутахассислар, олимлар ва кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътироф билан кутиб олинди.

Бозор муносабатларининг жадаллашиши ва эркинлашуви шароитида ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви, турли соҳаларда муаммоларнинг кучайиши кузатилади. Ташқи алоқаларнинг кенгайиши ва ахборот глобаллашуви эса бутун жамият, айниқса ёшлар онгида чуқур ўзгаришларга олиб келади. Муаммолар кўпайган сари уларнинг ечими борасида жамият аъзоларида ноодатий, баъзи ҳолларда ноқонуний усусларни қўллаш одати кузатилади. Айнан мана шу туфайли кўпгина жамиятларда ижтимоий-сиёсий бўхронлар рўй беради ва ёшлар воситасида конституциявий тизимга қарши оқимлар, ҳаракатлар вужудга келади. Бундай шароитда турли тизимларда фаолият кўрсатаётган ёш кадрлар давлат томонидан бериладиган дастурий кўрсатмаларга муҳтоҷ. Чуқур тадқиқотларсиз ва илмий асоссиз ёшлар, айниқса ёш раҳбарлар борасида аниқ стратегия шакллантириш мураккаблашади ва кутилган натижа бермайди.

Бунинг сабаби, айнан қайд этилган мураккаб шароитда ижтимоий зиддиятларнинг кучайиши ёшларда мафкуравий, маънавий, иқтисодий қадриятларнинг емирилишига олиб боради. Эркин бозор муносабатлари шароитида ижтимоий муносабатлар ўта мураккаб тус олади, шафқатсиз меркантилистик қадриятлар ёшларнинг асосий мезонига айланади.

Эркин бозор тақозосига кўра кучайган табақалашув оқибатида муаммоларни енгиги ўтишда пишиб этилмаган ёшлар тобора ижтимоий касалликлар гирдобига қола бошлайди.

Гиёхвандлик, маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик, миллий ҳамда диний ақидаларнинг йўқолиши ёки ўзгача талқин этилиши, оила институтининг емирилиши ва ҳоказо либерал дунёга хос бўлган ҳолатлар оқибатида ватанпарварлик ҳисси сўна боради. Ёшлар кўпгина ҳолларда ўз маънавий-мафкуравий йўналишини аниқ белгилай олмайди, анъанавий жамиятда устувор бўлган қадриятлардан четлашади. Бу ўз навбатида миллий қиёфанинг тобора йўқолиб боришига, ёшларнинг устуворликлари эркин бозор қадриятлари билан қоришиб кетишига олиб келади. Тарихан Осиё миллатларига хос бўлган жамоавийлик руҳи ўрнини технократик дунёкараш эгаллайди ва оқибатда ўзлигини йўқотган миллат глобал бозор механизмининг бир мурватига айланиб қолади.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кечеётган тўқнашувларда, энг мудхиш жиноятларни содир этишда айнан эътиборсиз қолган, тақдир синовига ташлаб кўйилган ёшлар иштирок этаётгани, террорчи гурухлар сафида ёшларнинг кўплиги айнан юқорида қайд этилган ҳолатларнинг исботидир. Бундан жиддий ташвишга тушган давлатимиз раҳбари нафақат ҳалқимиз, балки жаҳон афкор оммасига бу борада хитоб қилди. Ёшларнинг қилмишлари учун, хатто ўзга минтақалар ва мамлакатларда содир этилган тақдирда ҳам, ўзи туғилиб ўсган давлат ва мамлакат масъул бўлиши зарурлигини БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида таъкидлаган Президентимиз “Ёшлар ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро конвенция” қабул қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Жамиятимиздаги иллатлар, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар салмоғида ёшларнинг кўпайиб бораётганлиги туфайли ёшларга оид давлат сиёсатига айниқса сўнгги йилда алоҳида устуворлик берилди. Ана шундай салбий ҳолатларга барҳам беришнинг ягона шарти, давлатимиз раҳбарига кўра, ёшлар учун ўз имкониятларини тўлиқ намоён этиш учун мақбул шароит ва имконият яратишдадир. Натижада ёшлар йўналишида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар турли соҳаларни қамраб олган мураккаб мажмууга айланди.

Бугун жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва мамлакат тараққиётининг янги бир босқичи сифатида бошланган давр-

да ёшлар ҳаёти тубдан янгиланиб бормоқда, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар фундаментал негизда қайтадан қурилмоқда.

Ёшларга қудратли ресурс сифатида қарашни ўзида мужассам этган сиёсат – бу ўз ҳукуқлари, қобилиятларига ишонган тўлақонли фуқаролар сифатида қадрлаш, уларнинг имкониятларини янада кенгроқ намоён этиш учун шароитлар яратишдан иборат. Ушбу ёндашув ёшларни мустақил меҳнат ва ижод қилишга рағбатлантиради, танқидий-таҳлилий мушоҳадасини кучайтиради, жамият тараққиёти учун хизмат қилишга ундейди. Бундай сиёсат барча ёшларга мақсадли гурухлар сифатида қарайди.

Айнан бугун Ўзбекистонда ёшлар манфатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, катта мақсадлар сари сафарбар этиш учун мамлакатдаги барча соҳалар жалб этилмоқда. Зоро, ёшлар “бир ниҳол бўлиб, уларни қайси томонга эгадиган бўлсак, шу томонга эгилади”. Уларга нукул “муаммоларни ташувчи элемент” сифатида ёндашадиган бўлсак, улар ҳақиқатдан ҳам эртага муаммолар гирдобида қолиб, бутун жамиятни қамраб олади. Аксинча, уларга позитив куч сифатида ёндашилса, том маънодаги бунёдкор кучга айланади. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар одамлар онгида ўзгариш ясаб, давлат бошқарувининг барча бўғинлари, жамоат тузилмалари, қолаверса катта авлод вакиллари, ҳатто бутун жамиятга ёшларни қайтадан таништириди, ёшларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш кераклигини ҳар томонлама кўрсатиб берди, десак муболага бўлмайди.

Кейинги вақтларда Ўзбекистонда дунё эътироф этаётган кескин ўзгаришлар йўналиши – иқтисодий соҳадаги ислоҳотлардир. Айниқса, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси асосида Ўзбекистон тараққиётнинг янги даврига қадам қўйгани, амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар энг аввало, юртимиз тараққиётига замин яратмоқда. Юртимизда илм-фан, таълим-тарбия соҳаларида амалга оширилаётган катта ўзгаришлар, хусусан, мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига

айланиб бормоқда. Бу эса, мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар ўзининг кўлами, шиддати ва кенг қамрови билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Бугун муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги мамлакатимиздаги янгиланиш ва ислоҳотлар ҳақида сўз кетганда жаҳон ҳамжамияти “Янги Ўзбекистон” деган иборани тилга олмоқда. Бу юртимиздаги ўзгаришларга берилган муносиб баҳодир. Айниқса, мамлакатимиздаги мана шундай ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишини янада ошириб, унинг ҳалқаро майдондаги нуфузини тобора мустаҳкамлашга хизмат килмоқда.

Мамлакатимизда “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш”га қаратилган кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш учун турли соҳа ва тармоқлар бўйича замонавий билим ва кўнникмаларга эга бўлган, салоҳиятли фидойи ва изланувчан мутахассис кадрларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шунга кўра, давлатимиз раҳбари томонидан жамиятимизнинг билимли ва истеъоддли кадрларга бўлган эҳтиёжини узоқ муддатга қондириш, иқтисодиётни рақобатбардош мутахассислар билан таъминлаш мақсадида таъсирчан ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимииз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғормизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта мэрраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз ҳалқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади[1]. Зоро, бугунги

кунда ёшлар сиёсати борасида амалга оширилётган ислоҳотлар ҳақида сўз кетганда буюк тарихимиз, улуғ аллома ва мутафаккирларимиз, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг моҳиятини, аждодлар бой меросининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур тушунириш, қалбида Ватан тақдирига юксак даҳлдорлик, миллий ўзликни англаш ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, ватанга бўлган ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш, ёшларда фаол ҳаётий позиция ва қатъий эътиқодни, миллий ўзлик ва муқаддас динимиздаги юксак ахлоқий мезонлар орқали уларда турли кўринишдаги ёт ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиздаги эндиги энг асосий масалалардан бири ёшларимизга қаратилаётган эътибор туфайли ана шундай имкониятларни юзага чиқариш билан боғлиқдир.

Тарихдан маълумки, инсоният тараққиётининг ривожланиши босқичида миллатнинг нуфузи, албатта, унинг маънавияти билан намоён бўлади. Аслини олганда, маънавият инсоннинг ўзлигини англатувчи бетакрор мўъжизавий куч-қудратга эгадир. Маънавият шундай қудратли кучдирки, у миллатимиз, халқимизни буюк ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштирувчи байроқдир. Ғоявий заифлик ва мафкуравий бекарорлик миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказади, унинг тараққиётини орқага суриб юборади”[2. – В. 9].

Бугунги замон шиддати инсон ҳаётида маънавиятнинг накадар муҳим эканлигини тақозо этмоқда. Зоро, ахлоқсизлик, одобсизлик, маънавий қашшоқлик инсонни тубанлик гирдобига гирифттор этиб, кенг миқёсда эса жамият тараққиётини издан чиқариб, парокандаликни юзага келтиради. Маънавият йўқолган жойда инсонда ҳайвоний хислатлар илдиз отиб, ёввойилик, ваҳшийлик, жаҳолат ва хурофот кучаяди. Натижада инсон ўз аслини йўқотиш орқали қадрият сифатидаги мақомидан жудо бўлади.

Глобаллашув жараёнларининг шиддатли тус олиши дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарларнинг тобора кучаяётганинги намоён этмоқда. Зоро, дунёда содир этилаётган бундай мурак-

каб ва таҳликали вазиятнинг кескин тус олиши ҳар қандай ҳалқ, миллат, жамият ва давлат ҳаётида мунтазам сезгир, хушёр ҳамда огоҳ бўлиш борасида жиддий фикрлашни тақозо этмоқда. Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида ҳалқ ва миллатнинг маданияти ҳамда маънавиятига рахна солиши орқали уни издан чиқаришга бўлган ҳаракатлар тобора ойдинлашмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: “Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган ҳалқаро хуқуқий хужжат – БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро конвенциясини ишлаб чиқишини таклиф этади. Бизнинг асосий мақсадимиз – ёшларнинг сифатли таълим олиши имкониятига эга бўлишига эришиш, уларнинг ўз қобилияти ва истеъодиди ни рўёбга чиқариши учун барча зарур шароитларни яратиб беришдан иборат”[3]. Шу билан бирга, Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мазкур хужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши кераклигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.

Юртимиз мустақиллиги ва унинг миллий менталитети маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига она юртига муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафакат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошлирга ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтили бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”

[4. – В. 14], – дея таъкидлагани бежиз эмас, албатта. Зоро, Президентимизнинг фикрига кўра, бугунги кунда ёшлар масаласига қаратилаётган эътибор давлатимизнинг энг устувор вазифаси эканлигини теран англаш лозим.

Оилавий қадриятлар билан боғлиқ, ҳар бир ёш оилани энг баҳтли инсонларга айлантириши мумкин бўлган ҳодиса – шубҳасиз ушбу оилада фарзанд туғилишидир. Соғлом фарзандни эса соғлом ота-оналар дунёга келтиради. Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган барча саъй-харакат ва ислоҳотларнинг пировард мақсади соғлом авлодни вояга етказишга қаратилди. Бу соҳада узокни қўзлаб, тиббиёт тизимини замон талабларига жавоб берадиган тарзда тубдан ўзгартиришга қаратилган ислоҳотларни бугун олис қишлоқ ва туманларда, вилоят ёки шаҳарларда – ҳамма жойда кўриш мумкин.

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва болаларни ижтимоий-тиббий муҳофаза қилишга қаратилган фармон ва қарорлари туфайли юртимизнинг барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолияти қайта ташкил этилди.

Соғлом болани вояга етказишнинг муҳим шарти бўлган репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиклар билан туғилишларнинг олдини олиш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси ва кадр-

лар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун тизимли ишлар амалга оширилди[5].

Мамлакатимизда ўтган бир йил вақт мобайнида келажагимизни, ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигини, истиқболини ўйлаб, улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар бунга мисолдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик тизими тубдан такомиллаштирилди, унинг ижросини таъминлаш ҳамда янада мустаҳкамлашга қаратилган норматив-хуқуқий база шаклантирилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ёшлар сиёсати бошқа давлат сиёсий дастурларидан шуниси билан фарқ қиласдики, у сиёсатнинг жудаям кўп соҳаларига алоқадор. Шунинг учун ҳам турли вазирликлар ва давлат қўмиталарининг ёшлар сиёсатини ишлаб чиқишида фаол иштирокини таъминлаш жуда ҳам муҳим. Ёшларнинг жамият тараққиётидаги фаолиятларига кенг йўл очиш ва уларни сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнларининг фаол иштирокчиси, ислоҳотларга ишонч, демократик қадриятларга ҳурмат каби фазилатларини тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020. / Uza.uz
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон. 2001. – Б. 9.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади./ Uza.uz
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., Ўзбекистон: НМИУ, 2016. – 14 б.
5. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаронлигининг гарови (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза, 2016 йил 6 декабрь) // Халқ сўзи. 2016 йил 7 декабрь

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Yangi O'zbekistonning shakllanishida sud hokimiyatining tutgan o'rni, tizim doirasida kuzatilayotgan kamchiliklar va ularning yechimiga oid takliflar ilgari surilgan. So'nggi yillarda mamlakatimizda sud-huquq tizimini yanada takomillashtirish, fuqaro va tadbirkorlarning huquq va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish choralarini kuchaytirish, odil sudlovnii samarali ta'minlash hamda sudyalar hamjamiyati rollini oshirish bo'yicha izchil ishlar olib borilmogda. Ammo, sud-huquq sohasida ko'plab islohotlar amalga oshirilishiga qaramay fuqarolarning ushbu hokimiyatga nisbatan ishonchsizlik darajasi yuqoriligidcha qolmoqda. Sudlarning chinakam mustaqilligini ta'minlash, sudlovnning odilligini mustahkamlashda axborot-kommunikatsiya vositalaridan foydalanishning miqyosini oshirish muhim hisoblanadi. Ushbu yo'lida xorij tajribasi va qo'shni mamlakatlar qo'llayotgan amaliy tajribalardan foydalanish maqsadga muvofiqligi inobatga olinib, maqolada ularni qo'llash bilan bog'liq masalalar muhokama qilingan.

Kalit so'zlar: Yangi O'zbekiston, sud hokimiyati, islohotlar, tungi sudlar, sudyalar javobgarligi, intizomiy javobgarlik, shartnomaviy sudlovililik.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается роль судебно-правовой системы в формировании нового Узбекистана, проблемы в этой области и предложения по их решению. В последние годы в стране проводится последовательная работа по дальнейшему совершенствованию судебно-правовой системы, усилению мер надежной защиты прав и законных интересов граждан и предпринимателей, эффективному обеспечению правосудия, а также повышению роли органов судебного общества. Несмотря на то, что проводимые в нашей стране судебные реформы дают свои результаты, общественное недоверие к этой власти остается сильным. В данной статье рассматривается внедрение зарубежного опыта на примере проделанной работы в зарубежном опыте.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, судебная система, реформы, ночные суды, ответственность судей.

ANNOTATION

The paper discusses the role of the judiciary in the formation of a new Uzbekistan, the problems in the field and proposals for their solution. In recent years, consistent work has been carried out in the country to further improve the judicial and legal system, strengthen measures to reliably protect the rights and legitimate interests of citizens and entrepreneurs, effectively ensure justice, and enhance the role of the bodies of the judiciary. Despite the fact that the ongoing judicial reforms in our country are yielding results, public distrust of this government remains strong. This article discusses the implementation of foreign experience on the example of work done in foreign experience.

Key words: New Uzbekistan, judiciary, law enforcement, reform, night courts, responsibility of judges.

Bugungi kunda “Yangi O‘zbekiston” tushunchasi jamiyatimizda nafaqat yangi tushuncha, balki o‘ziga xos ijtimoiy hodisa sifatida qabul qilinmoqda. Ma’lumot o‘rnida aytib o‘tish joizki, so‘nggi 6 yillik davrda, ya’ni 2016-yildan bugunga qadar amalga oshirilgan islohotlar ko‘lamni O‘zbekistonning yangi taraqqiyot solnomasi sifatida baholanib, “Yangi O‘zbekiston”, “O‘zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichi» deya ta’riflanmoqda. Yangi O‘zbekistonni birgalikda qurishda huquqshunoslarning tutgan roli, ular amalga oshirishi kerak bo‘lgan vazifalar g‘oyat muhim. Har qaysi jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy jihatdan rivoj topishi undagi sud hokimiyatining qay darajada mustaqilligi, qolaversa qonuniylilik, adolatlilik prinsiplari bilan hamohang ishlashida aks etadi. Chet el investorlari muayyan bir davlat iqtisodiyotiga sarmoya kiritishdan oldin dastavval ushbu davlatda sud-huquq tizimining qay darajada odil shakllanganligini o‘rganishi fikrimizga isbot bo‘la oladi. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 106-moddasiga binoan O‘zbekiston Respublikasida sud hokimiyati qonun chiqaruvchi va ijro etuvchi

hokimiyatlardan, siyosiy partiyalardan, boshqa jamoat birlashmalaridan mustaqil holda ish yuritadi[1]. So‘nggi yillarda sud-huquq sohasi davlatimiz rahbarining alohida e’tiborida ekanligi, sohada amalga oshirilayotgan islohotlar, jumladan oxirgi 4 yillikda 40 dan ortiq qonun, farmon va qarorlar qabul qilingani, aynan ular tizimda sud hokimiyatining chinakam mustaqilligi ta’minlashga va sohadagi boshqa muammolarning yechimiga qaratilganligi e’tiborga loyiq. Ammo soha doirasidagi yechimini kutayotgan muammolar hali-hamon ko‘pligi fuqarolarimiz o‘rtasida sud hokimiyatiga nisbatan to‘laqonli ishonch mavjud emasligiga sabab bo‘lmoqda. Prezidentimiz ta’biri bilan aytganda, sud binosiga kelgan har bir inson O‘zbekistonda adolat borligiga ishonib chiqib ketishi kerak. “Butunjahon adolat loyihasi” reytingida O‘zbekiston 0.49 ball bilan 85-o‘rinda turganligi, xususan “Fuqarolik odil sudlov” indikatori bo‘yicha 78-o‘rinda, “Jinoiy odil sudlov” bo‘yicha 67-o‘rinda ekanligimiz ham ma’lum ma’noda sud-huquq tizimida tizimli va kechiktirib bo‘lmas chora-tadbirlar, islohotlar ketma-ketligiga ishora qilmoqda.

Ma’lumki, 2017–2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasining





ikkinchi yo‘nalishi “Qonun ustuvorligini ta’minlash va sud-huquq tizimini yanada isloh qilishning ustuvor yo‘nalishlari” bo‘lib, ushbu yo‘nalish doirasida sudning mustaqilligi va beg‘arazligi, sud protsessida tomonlarning tortishuvi va teng huquqlilik tamoyillarini har tomonlama tatbiq etish, “Xabeas korpus” institutini qo‘llash sohasini kengaytirish, tergov ustidan sud nazoratini kengaytirish, sudlarni yanada ixtisoslashtirish, sud apparatini mustahkamlash kabi vazifalar belgilangan edi [2]. So‘nggi besh yillikni tahlil qilish barobarida shuni aya olamizki, ushbu vazifalarning amalga oshish jarayoni o‘ziga xos tarzda kechdi. Jumladan, yagona sud amaliyotini qo‘llash maqsadida Oliy sud va Oliy xo‘jalik sudi sud hokimiyatining yagona oliy organi – O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudiga birlashtirilganligi [3], sudyalarни tanlash va lavozimlarga tayinlashda ochiq, oshkora va muqobil tanlov tizimini yaratish maqsadida Sudyalar oliy kengashi ta’sis etilganligi, ortiqcha sud bosqichlarini bekor qilish orqali “bir sud – bir instansiya” tamoyilining joriy etilganligini aytib o‘tish mumkin [4]. Qolaversa, oqlov masalasida ham so‘nggi yilgi ko‘rsatkichlar biroz bo‘lsada o‘sganligini ko‘rish mumkin. 2018-yilda 48581 nafar shaxs sudga tortilib, ulardan 867 nafari oqlangan bo‘lsa, 2021-yilda 61263 nafar sudga tortilgan shaxsdan 932 nafari (1.52%) oqlangan [5].

“Harakatlar strategiyasidan – Taraqqiyot strategiyasi sari” tamoyiliga asosan ishlab chiqilgan yetta ustuvor yo‘nalishdan iborat 2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida ham mamlakatimizda adolat va qonun ustuvorligi

tamoyillarini taraqqiyotning eng asosiy va zarur shartiga aylantirish vazifasi belgilab qo‘yildi. Ushbu strategiyaning 15-maqsadi doirasida davlat organlari va mansabdor shaxslarning faoliyati ustidan samarali sud nazoratini o‘rnatish hamda fuqaro va tadbirdorlik subyektlarining odil sudlovga erishish darajasini oshirish nazarda tutilgan. Jumladan, ma’muriy sudlarda mansabdor shaxslarning qarorlari ustidan berilgan shikoyatlarni ko‘rib chiqish tizimini takomillashtirish orqali sud nazoratini qo‘llash sohasini kengaytirish, “Xabeas korpus” institutini yanada rivojlantirish orqali tergov ustidan sud nazoratini kuchaytirish, sudyalar korpusini shakllantirishda ochiqlik va shaffoflikni ta’minlash, sud tizimidagi rahbarlik lavozimlariga tayinlashda saylanish va hisobdorlik kabi demokratik tamoyillarni joriy etish, sud tizimini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tizimlashtirish ishlarini olib borish kabi muhim vazifalar belgilab qo‘yildi. Bundan tashqari strategiyaning 18-maqsadi ham sud-huquq tizimiga oid bo‘lib, unga ko‘ra sud va boshqa organlar hujjatlarining o‘z vaqtida va to‘liq ijrosini ta’minlash, sud va boshqa organlar hujjatlarini ijro etishning samarali mexanizmlarini joriy etish kabilar belgilangan [6].

Sud-huquq sohasini yanada rivojlantirish maqsadida amalga oshirilishi kerak bo‘lgan takliflar sifatida quyidagilarni ayta olamiz:

- Sohada yangi, zamonaviy texnologiyalarni amalda tatbiq etish darajasini oshirish:

Pandemiya sharoitida har bir soha o‘z yo‘nalishi doirasida texnologiyalar bilan ishslash zaruriyatini anglagan holda ularni muayyan darajada joriy qildi deb ayta olamiz. Xususan,

sud-huquq tizimida ham elektronlashtirish yo‘lga qo‘yilganligi (E-SUD, billing.sud.uz), sndlarning moddiy-texnik bazasi ancha yaxshilanganligini e’tirof etishimiz mumkin. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 3-sentabrdagi “Sud hokimiysi organlari faoliyatini raqamlashtirish chora-tadbirlari to‘grisida”gi qarori odil sudlovga erishish hamda sndlар faoliyatida ochiqlik va shaffoflikni ta’minalash imkoniyatini oshirish maqsadida qabul qilingan bo‘lib, sud hokimiysi organlari faoliyatini raqamlashtirishdagi ijobiy o‘zgarishlardan deyish mumkin. Ammo qarorda ko‘zda tutilgan 2021-yil 1-oktabrdan e’tiboran barcha ishtirokchilarni sud majlislarining vaqtiga joyi haqida “SMS” xabar orqali bepul xabardor qilish, manfaatdor shaxslar tomonidan da’vo, ariza va shikoyatlarni ko‘rib chiqish jarayonini onlayn tarzda kuzatib borish amalda ishlamayotganligiga guvoh bo‘ldik. Qolaversa, manfaatdor shaxslar tomonidan da’vo, ariza va shikoyatlarni ko‘rib chiqish jarayonini onlayn tarzda kuzatib borish, davlat hokimiysi va boshqaruvi organlari, mahalliy davlat hokimiysi organlari, xo‘jalik boshqaruvi organlari, advokatlar tomonidan sndlarga da’vo, ariza va shikoyatlarni faqat elektron shaklda taqdim etish kabi yo‘nalishlarda ham oqsashlar mayjudligini aytib o‘tish lozim. Amalda ham Prezident qarorida ko‘zda tutilgan ishlarning yo‘lga qo‘yilishi sndlarda ochiqlik va shaffoflik darajasini oshirishi turgan gap.

- Sudyalarga nisbatan ish hajmi ko‘p ekanligini hisobga olib, ortiqcha bosimni kamaytirish choralarining ko‘riliishi:

Bozor iqtisodiyoti rivojlangani sari xususiy huquq munosabatlariga oid huquqiy nizolar soni borgan sari ortmoqda. Fuqarolik va iqtisodiy sndlarda ushbu muammo yaqqol ko‘zga tashlanadi. 2021-yilga oid sud statistikasida ko‘rsatilishicha [7], fuqarolik sndlarda jami 518087 ta ish ko‘rib chiqilgan. 2020-yilda ushbu ko‘rsatkich 291132 tani tashkil etganligini hisobga olib, ish hajmi ikki baravar ortganligiga guvoh bo‘lishimiz mumkin.

Butun Respublika bo‘yicha fuqarolik ishlari eng ko‘p ko‘rilgan sud ishi fuqarolik ishlari bo‘yicha Mirzo Ulug‘bek tumanlararo sudiga to‘g‘ri kelgan. Bu bitta sudyя kuniga taxminan 18 ta ish ko‘rishi kerakligini bildiradi. Eng ko‘p ish

soni qayd etilgan sudyя kuniga 68 ta ishni ko‘rib chiqishi kerak bo‘lgan. Iqtisodiy sndlар borasida ham vaziyatayanchli deb aytish mumkin. Toshkent tumanlararo iqtisodiy sudsida bir sudyя bir ish kuni davomida hattoki 110 ta ishni ko‘rishiga to‘g‘ri kelganligi aniqlangan. Bu hajmdagi ishlarni ko‘rish jismoniy jihatdan imkonsizligi inobatga olinsa, o‘z-o‘zidan sudyalarning dam olish kunlari ham ish joyida o‘tishini bildiradi. O‘z navbatida bu odil sudlovning chinakam odil bo‘lishi, ya’ni sudyalarning qonuniy va adolatli qaror chiqarish imkoniyatining kamayishiga sabab bo‘ladi. Bunga yechim sifatida har bir tumanda alohida tuman fuqarolik sndlарining tashkil etilishi maqsadga muvofiq. Ahamiyat qaratish lozim bo‘lgan yana bir jihat. Iqtisodiy protsessual qonunchiligidimizga ko‘ra shartnomma bo‘yicha sudlovga tegishlilik mayjud bo‘lib, unga ko‘ra taraflar sudlovga tegishlilik qoidalarini shartnomada o‘zaro kelishgan holda belgilashlari mumkin. Bu albatta shartnomaviy huquqiy munosabatlarda taraflarga erkinlik va o‘zaro ishonch beradi. Toshkent tumanlararo iqtisodiy sudsida ish hajmining bu darajada ko‘p bo‘lishiga o‘z-o‘zidan geolokatsiyani sabab qilib ko‘rsatsak, ikkinchi boshqa bir omil viloyatda joylashgan ko‘plab tadbirkorlik subyektlari ham shartnomada nizolar vujudga kelsa, Toshkent tumanlararo iqtisodiy sudsida ko‘rilishini xohlashlaridir. Bu ham bo‘lsa tadbirkorlik faoliyati riskining katta ekanligidan kelib chiqib, shahardagi sudda ishlar odil tarzda ko‘riladi, shahardagi sudyalar tajribali degan tushuncha mayjudligidandir. Albatta shartnomma bo‘yicha sudlovlik qoidasini chiqarib tashlash shartnomaviy-huquqiy munosabatlarga zid. Ushbu holatda sud shtat birligining, sudyalar sonining oshirilishini yechim sifatida ko‘rsatishimiz mumkin.

- Sndlarda ochiqlik masalasining amalda ta’milanishi:

Sud muhokamasi oshkorali, sndlар faoliyati to‘g‘risida jamoatchilikka o‘z vaqtida va obyektiv axborot berish jamiyatda huquqiy xabardorlik darajasi oshishiga imkon yaratadi, odil sudlovni amalga oshirishning muhim kafolati hisoblanadi. Lekin amalda ko‘plab jamoatchiik vakillari tomonidan sndlardagi ochiqlik muammosi bo‘yicha e’tirozlar uchraydi. Ochiq sud majlislarida hattoki xalq vakillari bo‘lmish

deputatlarning ham kuzatuvchi sifatida ishtirok etishlariga to'sqinlik qilish holatlari kuzatiladi. Shundan kelib chiqqan holda, sudlarda ochiqlik va shaffoflik masalasiga yanada kengroq ahamiyat qaratilishi kerak. Fuqaroning, jamoat vakilining ochiq sud majlisida ishtirok etishiga nisbatan to'sqinlik ko'rsatgan, ularning ishtirokini asossiz ravishda rad etgan sudyalarga nisbatan intizomiy jazo masalasi ko'rib chiqilishi zarur.

- “Night courts” (“Tungi sudlar”) tashkil etish:

Ushbu turdag'i sudlar bugungi kunda rivojlangan davlatlarda keng qo'llanilmoqda. 2018-yildan boshlab qo'shni Qozog'iston ham o'z huquq tizimiga ushbu turdag'i sudlarni olib kirgan. Dastlab bu kabi sudlar Singapur va AQSHda qo'llanilgan. Bu turdag'i sudlarning tashkil etilishiga Singapurda avtohalokatlar sonining oshib ketishi sabab bo'lgan. Avtohalokat ishtirokchilarining ko'p qismi davlat xizmatchilarini bo'lganligi sababli ularni ish vaqtida chaqirmslik maqsadida ishni tunda ko'rib chiqish amaliyoti yo'lga qo'yilgan. Qaror ham bir kun mobaynida

qabul qilinishi belgilangan. Bu o'z navbatida ish samaradorligining ko'tarilishiga va fuqarolarning sud hokimiyatiga nisbatan ishonchining oshishiga sabab bo'lgan. Tungi sudlarning ishslash vaqtiga asosan 18:00-23:00 oralig'ini tashkil etadi. Bizda ham tungi sudlar tashkil etilishi sudlardagi ortiqcha ish bosimining kamayishiga, ish samaradorligining oshishiga va fuqarolarning, ayniqsa davlat xizmatchilarining o'z asosiy xizmat vazifalaridan chalg'imasliklariga sabab bo'lishi mumkin. Bunga misol tariqasida 2018-yildan Qozog'istonda oilaviy va boshqa turdag'i nizolarni ham tungi sudlarda ko'rish amaliyoti joriy qilinganligini aytishimiz mumkin [8].

Xulosa qilib aytganda, mamlakat rivojining asosini tashkil etuvchi sud-huquq tizimini yanada demokratlashtirish va erkinlashtirish, aholining odil sudlovga bo'lgan ishonchini oshirish, jamiyatda qonun ustuvorligi yo'lida islohotlar bardavomligini ta'minlash soha egalarining, vakolatli shaxslarning asosiy maqsadi bo'lmog'i lozim.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi 09.02.2021-y., 03/21/671/0093-son.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldag'i PF-4947-son “O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida”gi farmoni // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017. - № 6. 70-modda.
3. “O'zbekiston Respublikasi sud tizimi tuzilmasini tubdan takomillashtirish va faoliyati samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Prezident Farmoni PF-4966-son 21.02.2017.
4. “Sudlar faoliyatini yanada takomillashtirish va odil sudlov samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi Prezident Farmoni, 24.07.2020 yildagi PF-6034-son
5. <https://stat.sud.uz/file/2022/17-01/jinoyat-2021-12oy>
6. “2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi Prezident Farmoni, PF-60-son 28.01.2022.
7. <https://stat.sud.uz/file/2022/17-01/fuqarolik-2021-12oy>
8. https://www.inform.kz/ru/vnedryat-sya-budut-tol-ko-uspeshnye-pilotnye-proekty-sud-ya-vsrk-ulbosyn-suleyemonova_a3564747

МОВАРОУННАХР ФАҚИҲЛАРИНИНГ ИСЛОМ ҲУҚУҚШУНОСЛИИГИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

НИЯЗМЕТОВ
Анвар Нураддинович,
Х. Сулеймонова номидаги
Республика суд экспертизаси
марказининг Суд экспертларининг
малакасини ошириш
ўқув маркази мудири

АННОТАЦИЯ

Мақолада мусулмон ҳуқуқшунослигининг (фикҳ) ислом қадриятлари тизимидағи ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинади. Мовароуннахрда фикҳнинг шаклланиш жараёни ва унинг ривожида олимларнинг ҳиссаси очиб берилган.

Калит сўзлар: фикҳ, факих, сунна, ижмо, қиёс, Мовароуннахр фикҳ мактаби.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется роль и значение мусульманской юриспруденции (фикх) в системе исламских ценностей, раскрывается процесс становления фикх в Мовароуннахре и вклад учёных в её развитие.

Ключевые слова: фикх, факих, сунна, иджма, кийас, школа фикха Мовераннахр.

ANNATATION

In this article had been searched the role and importance Islam's law in the system of Islamic heritage. The author reviled the process of formation fikh in the Movaraunnahr and contributions of scientist in this development.

Key words: fiqh, faqih, sunnah, ijma, qiyas, school of fiqh Maverannahr.

Ўзбекистон Республикаси истиқоллиниг дастлабки кунлариданоқ мамлакатда демократик фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва давлат сиёсати ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилди. Шу маънода таълим, айниқса ҳуқуқий таълим масаласи демократик ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ўзбек халқининг энг долзарб масалаларидан бири – аждодларимиз томонидан ҳуқуқий таълим соҳасида қолдирилган улкан тарихий меросимизни чукур ва ҳар томонлама ўрганишдир.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёning араблар томонидан босиб олиниши ва ушбу худуд халқлари томонидан ислом динининг қабул қилиниши натижасида VIII–XII асрларда Мовароуннаҳр диний илмлар марказига айланди. Ислом оламида, шу жумладан Мовароуннаҳрда диний илмларнинг вужудга келиши бевосита икки асосий манба: Қуръоннинг китоб ҳолига келтирилиши ва ҳадисларнинг тўпланиши билан боғлиқ. Исломнинг назарий-ҳуқуқий асослари илк ислом давридан кейинги даврларда шаклана бошлади. Бу пайтга келиб ислом дини араб бўлмаган халқларни ҳам бирлаштиришга ултурган эди. Шу туфайли диний-ҳуқуқий таълимотнинг яратилишида исломни қабул қилган турли миллат ва ирқ вакилларининг манфаатларини ҳам ҳисобга олиш лозим эди.

“VII–VIII асрларда, – деб ёзади тадқиқотчилар Р.Баходиров ва Д. Расулов, – Ислом динининг араб ўлкаларидан чиқиб бошқа минтақаларга кириб бориши ва инсонларнинг турмуш тарзи шариатга мувофиқ ислоҳ қилинишида қўшимча манбаларга эҳтиёж сезилгани боис, унга маънан ва моҳиятан мос бўлган янги диний илмлар вужудга келди. Улар қаторида мустақил ҳуқуқшунослик соҳаси сифатида ривожланган фиқҳ илми ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларига оид бўлган масалаларни қамраб олди”.

Фиқҳ – ислом ҳуқуқшунослиги соҳаси сифатида VIII–X асрларда шаклланди ва унинг методологияси вужудга келди. Фиқҳ илми мустақил ҳуқуқшунослик соҳаси сифатида ривожлана бориб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларига оид бўлган масалаларни қамраб олди”.

ларига оид бўлган масалаларни қамраб олган: иймон асослари, ақида талаблари, инсон турмуш тарзига хос бўлган муомала, ахлоқ, ибодат қонун-қоидаларидир. Бу жараён икки ярим аср давом этиб, ислом ҳуқуқшунослигининг шаклланишида “олтин аср” деб номланди. Айни шу даврда Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг саҳобаларидан келтирилган ҳадисларни таснифлаш жараёнида фиқҳга оид дастлабки асарлар юзага келди. Бу даврда ислом динининг турли ўлкаларга кириб бориши ва у ерларда турли дин ва маҳаллий урф-одатлар билан тўқнашиши натижасида ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида кўплаб мазхаблар юзага келди. Фиқҳ илми мусулмон ҳуқуқшунослиги ва шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиши билан шуғулланувчи соҳа бўлгани учун, диний илмлар қаторига киритилган. Фиқҳ билан шуғулланувчи, уни ўрганувчи киши факиҳ – ҳуқуқшунос деб аталган.

Тарихий манбалардан маълумки, фиқҳ илмининг ривожига Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиқкан олимлар жуда катта ҳисса қўшгандар. Чунончи, мусулмон дунёсида катта шухрат қозонган Абу Мансур Мотуридий (вафоти 945 йил), Абу Лайс ас-Самарқандий (вафоти 983 йил), Фаҳр ал-ислом ал-Паздавий (вафоти 1089 йил), Алоуддин ас-Самарқандий (вафоти 1145 йил), Бурхониддин Марғиноний(1123–1197) ларнинг бу борадаги хизматлари ниҳоятда улкан бўлган. Захириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) ўзининг “Бобурнома” асарида Абу Мансур Мотуридий ва Бурхониддин Марғинойларни ислом ҳуқуқшунослиги соҳаси бўйича йирик имомлар сифатида хурмат-эҳтиром билан тилга олади ва уларнинг Мовароуннаҳр диёридан чиққанлиги билан фаҳранади: “Ҳазрати рисолат замонидан бери ул миқдор аиммаи исломким, Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин маълум эмаским, шунча пайдо бўлмуш бўлғай. Шайх Абулмансурким аиммаи каломдиндур ... Яна соҳиби “Ҳидоя”ким, Имом Абу Ҳанифа мазҳабида. “Ҳидоя”дин мўътабарорқ китоби фиқҳда кам бўлғай, Фарғонанинг Марғинон отлиқ вилоятидиндур, ул ҳам дохири Мовароуннаҳрдур”.

Кейинчалик Бобурнинг ўзи ҳам фиқҳга оид “Мубаййин” асарини назмда ёзган.

Ҳанафийлик мазҳаби доирасида маҳаллий одатлар, удумлар ва тасаввурларни юзага чиқариш қорахонийлар давридаги фақиҳлар

қаламига мансуб бўлган. Ҳанафийлик удумлари учинчи даражали мужтахидлар қаторига қорахонийлар даврида яшаб ижод этган 5 йирик факихни киритади. Булар Шамс ул-аймма ал-Халвоний ал-Бухорий, Шамс ул-аймма ас-Сарахсий, Фаҳр ул-ислом Али ибн Муҳаммад ал-Паздавий, Бурҳон ад-дин Али ибн Абдулазиз ал-Марғиноний ҳамда Фаҳр ад-дин Қозиҳон ал-Фарғонийлардир. Бу олимларнинг қанчалик йирик факихлар бўлганликлари уларга берилган ислом ва диннинг “қуёши”, “фаҳри”, “далили”, “ифтихори” каби фаҳрли унвонлардан кўриниб турибди.

Мовароуннахрда йирик ҳадисшунослик мактаби билан бирга ўз удумлари ва тартиб-қоидаларига эга бўлган фикҳ мактаблари ҳам мавжуд бўлган. Бу мактабларнинг вакиллари ҳам ислом дунёсида ўз асарлари билан машҳур бўлганлар. Ана шундай фикҳ мактаблари қаторига Самарқанд фикҳ мактабининг йирик вакили Абу Мансур Мотуридий мактабини келтириш мумкин. У ҳанафийлик мазҳабининг Мовароуннахр ва Хурросонда кенг ёйилиши ҳамда ривожланишига катта хисса қўшган забардаст факих бўлганлиги боис, мазҳабининг йирик мутакалими деб тан олинган. Алишер Навоий Мотуридий ҳақида “Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ўз замонасининг таълим уламосидин эрмиш. Ул вақт уламоси аларни сulton ул-муиззин дер эрмишлар,” деб бежиз таъкидламаган.

Мотуридийлар сулоласидан чиққан яна бир факих – олимнинг набираси Абу-л – Ҳасан Али ал-Мотуридийдур (вафоти 1117 йил).

Бизгача Абу Мансур Мотуридийнинг араб тилида ёзилган иккита гина асари етиб келган. Улардан бири “Таъвилот (шарҳ) ахл-ус-сунна” ва иккинчи асари – “Китоб ат-тавхид”dir.

Ал-Мотуридийнинг илмий изланишлари натижасидан фойдаланган кейинги давр Ўрта Осиё ислом олимлари ҳам ислом илмлари борасида сезиларли ютуқларга эришганлар. Улар калом, фикҳ, ҳадис ва бошқа ислом илмларига тааллукли асарлар яратган.

VIII–XII асрларда бутун ислом ҳукуқшунослигининг сунна мактаби мазҳаблари, шунингдек, Мовароуннахрда пайдо бўлган ва тараққий этган ҳукуқ мактабларида яратилган ҳукуқий таълимотларнинг асосий ғоялари, шубҳасиз, Мовароуннахр ҳукуқ мактабининг намояндаси,

буюк факих олим Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя фи фуруъ ил-фикҳ” асарида ўз аксини топди ва нафақат ўрта асрлар Ўрта Осиёда, балки ҳозирги кунларга қадар ҳам ислом ҳукуқининг сунна мактаби ҳукмронлик қиласидиган мусулмон мамлакатларининг ўқув юртларида ҳукуқдан асосий дарслик, қўлланмага айланди. Бурҳониддин Марғинонийнинг мана шундай буюк ҳукуқшунос олим бўлиб етишишида албатта у яшаган даврдаги ижтимоий муҳит, ҳукуқий фанлар тараққиётининг юксак чўққига эришганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Чунончи, “у яшаган қорахонийлар даврида 300 га яқин йирик факихлар мавжуд бўлиб, 150 дан ортиқ ҳукуқий асарлар, 20 дан ортиқ фатволар ёзилган ва улардан 98 фоизи ҳанафийлик мазҳабига оид бўлган”.

Шуни алоҳида эътироф этишимиз зарурки, мусулмон ҳукуқшунослиги ривожида Бурҳониддин Марғинонийнинг ўрни бекиёсдир. Фикҳ илмига қизиқсан, шариат қонун-қоидаларини чуқур ўрганишга бел боғлаган ҳар бир киши албатта Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарига мурожаат қиласи ва уни қунт билан ўрганади. Шу ўринда мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги таъкидларини келтириб ўтишни жоиз топдик: “Ул зот ўз асарларида ўша замонларда мўмин-мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, савдо-сотик, жиноят ва жазо, мулкчилик, инсоннинг бурч ва масъулияtlарига тааллукли кўп-кўп мураккаб муаммоларни исломий ҳукуқ нуқтаи назаридан ҳал этиб берган”.

Мовароуннахр фикҳ мактаби анъаналари қўшни Марв ва Хоразмда ҳам маҳаллий фикҳ мактаблари вужудга келишига туртки бўлди. Жумладан, Хоразм фикҳ мактабининг йирик намояндаларидан бири Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий эди. Унинг “Ал-Кашшоф” деб аталган Қуръонга ёзган тафсири, Байзавий тафсири билан бир қаторда Ўрта Осиё мадрасаларида XX аср бошларигача фикҳдан асосий қўлланма сифатида ўқитилган.

Бу мактаб вакилларининг қарашлари, шунингдек, Мухтор ибн Маҳмуд аз-Захирийнинг “Китоб куниятил мунийа”, “Шарҳи мухтасар ул-Қудурий” каби асарлари орқали бизгача етиб келган. XIII асрдан, яъни Ўрта Осиё ҳудудини мўғул истиочилари босиб олгандан

кейин ислом ҳуқуқининг давлат ҳуқуқи сифатидаги мавқеи пасайди ва бу жараён Амир Темур салтанати ўрнатилгунча давом этдики, шу билан боғлиқ тарзда фикҳ мактаблари ва фақихлар фаолияти ҳам сусайди. Кўплаб Мовароуннаҳр фикхшунос олимлари Яқин Шарқ мамлакатларига дарс бериш учун кетиб қолдилар ёки таклиф этилдилар. Бу ҳодиса Мовароуннаҳр фикҳ мактаби анъаналарининг кўпгина Яқин Шарқ мамлакатлари фикҳ мактаблари вужудга келишига ҳам маълум даражада таъсир этди. Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг ислом ҳуқуқшунослигининг ривожидаги тарихий ўрни ҳам ана шундадир.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Мовароуннаҳрда яратилган ҳуқукий мерос ва ҳуқукий таълим тизими пойдевори факат шариат манбалари бўлган Қуръон, Сунна, Ижмоъ ва Қиёсгагина асослангани эмас, балки ҳанафийлик мазҳабининг таълимотига асоссан ўзбек халқининг миллий анъанавий урфодатларига ҳам асосланганлиги туфайли бошқа фикҳ мактабларидан реал воқеликка яқинлиги билан ажралиб турган ва кўпгина мусулмон мамлакатларида фикҳ илми соҳасида катта эътиборга эга бўлган. Шунинг учун ҳам мазкур ҳуқукий қадриятлар нафақат аждодларимиз ҳуқукий илм ривожи тарихи, балки бутун жаҳон ҳуқуқи тарихида жуда катта қимматга эгадир.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ислом дини вужудга келган даврдан бошлаб турли ўлкаларда кўплаб олиму уламолар фикҳ илми бўйича ижод қилган ва унинг тараққиётига ҳисса кўшиб келганлар. Аммо юкорида келтирилган маълумотларга назар ташласак фикҳ илми ривожида Мовароуннаҳр фақихларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг асарлари реал воқеликка мослиги ва кўпчилик учун тушунарли тилда ёзилганлиги, содда, их-

чам ва чуқур мазмунга эгалиги билан ажралиб туради. Бунинг яққол мисоли сифатида Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарини келтиришимиз мумкин. Чунки “Ал-Ҳидоя” фикҳ борасида энг мукаммал асарлардан бири ҳисобланиб, унда мусулмонларнинг ижтимоий, майший ҳаётида учрайдиган барча масалалар батағсил ёритилган. Бундан ташқари, асар жуда ҳам ихчамлиги ва чуқур мазмунга эгалиги билан кўпчилик китобхонлар эътиборига сазовор бўлган. Бурхониддин Марғинонийнинг мазкур асари муайян муддат ўтиб эмас, балки аллома замонасида ёқ ниҳоятда юксак баҳоланганди. Ўша давр Мовароуннаҳр фикҳ мактаби устунлари “Ал-Ҳидоя” асари бу соҳада ёзилган асарлар ичиди энг қулай, энг мукаммал ва бетакрор эканлигини эътироф этишган. Айнан шундай юксак баҳони акс эттирган ҳолда алломанинг ўғли имом Имод уд-дин ибн Али шундай деган: “Ал-Ҳидоя асари уни билган, ўрганган ва уни маҳкам тутган кишиларнинг юмук кўзларини очади ва тўғри йўлга, ҳидоят йўлига элтади. Эй ақл соҳиби, сен уни ёд ол ва ундан айрилма. Кимки уни билишга, унга эргашишга мұяссар бўлса, у энг улуғ мақсадга эришади.”

Ўтган асрлар давомида бу асардан минглаб одамлар баҳраманд бўлиб келмоқдалар ва у минглаб зиёлиларнинг доимий ҳамроҳига айланаби қолди.

Шунинг учун ҳам, ҳамма даврларда Мовароуннаҳр фақихлари тамонидан яратилган асарлар дунёнинг барча давлатларида катта қизиқиши билан ўрганилган, юксак эътирофга сазовор бўлган ва ислом ҳуқуқшунослиги тараққиётида муносиб ўринга эга бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам бу асарлар кўпчилик ривожланган мамлакатларда нодир асарлар сифатида сақланмоқда ва ўрганилмоқда ҳамда қалбларни ёритувчи ҳидоят манбай бўлиб хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Баҳодиров Р., Расулов Д., Ислом илмларининг буюк алломалари. – Тошкент, 2000.
2. Адам Мец. Мусульманский ренессанс. – Москва, 1973.
3. Қориев О. ал-Марғиноний – машҳур фикхшунос. – Тошкент, 2000.
4. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1989.
5. Гулнор Ал-Фарғоний. Араб истилосидан мўғул босқинига қадар Мовароуннаҳрда Ҳуқукий таълим тарихига доир // Қонун ҳимоясида. №9. Сентябрь 2001 йил.
6. Алишер Навоий. 15 жилдлик асарлар тўплами. 15-жилд.

БОШҚАРУВДА МАФКУРА ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

ШАКАРОВ Ўқтам Бердибоевич,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси катта ўқитувчиси,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа
доктори

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада Ўзбекистон тараккىётининг янги босқичида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёнида миллий ғоя ва мафкурани ривожлантиришнинг долзарб вазифалари, жамоа мафкурасининг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган стратегия, операцион режалар, буйруқлар, фармойиш, баҳолаш мезонлари, тадбирлар режаси, унинг самарали иш фаолиятини ташкил этишдаги ўрни, ташкилот миссияси, тамойиллари, қадриялари, истиқбол мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган қарашлар тизими эканлиги, шунингдек, жамоа мафкурасининг ходимлар эмоционал даражаси, ҳолати, корпоратив мақсадларга содиқлиги, ўрнатилган тартиб-нормаларга муносабати, компаниянинг руҳиятини ифода қилишдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: мафкура, ғоя, миллий ғоя, бошқарув, бошқарув тамойиллари, бошқарув мафкураси, жамоа, жамоа мафкураси, жамоа миссияси, жамоа бошқаруви, жамоа фалсафаси, ахлоқий кодекс, адолат, адолатли бошқарув, миллий ғуурур, ифтихор, ор-номус.

Мафкура барча замонларда ҳам долзарб аҳамият касб этадиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, жамият аъзоларининг эзгу орзу-интилишлари, туб манфаатларини ўзида акс эттирадиган ва шу йўлда бирлаштирадиган, сафарбар этадиган, муттасил ривожланиб борадиган энг мухим тушунча ва тамойиллар тизимиdir. Мафкура соғлом фикрлайдиган ҳар бир шахс ва фуқарода миллий ғуурур-ифтихор, ор-номусни уйғотадиган, ўзликни англатадиган, халқнинг мақсади ва орзу умидлари рўёбга чиқишига куч-қудрат берадиган, миллатни ҳаракатга келтирадиган қудратли омилдир.

Ўзбекистон тараккىётининг янги босқичида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёнида миллий ғоя ва мафкурани ривожлантириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президенти

Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-кудрат манбаи бўладиган миллий гояни ривожлантиришимиз зарур”.

Одамлар “дунёқараш” билан “мафкура” тушунчаларини бир хил тушунчалар деб қарашади. Бу ундан эмас, дунёқараш анча кенг тушунча. Дунёқараш инсонда доимо мавжуд бўлади, лекин мафкура барчада доим ҳам бўлавермайди. Дунёқараш оламни тасавур қилиш, англаш, воқеийликни ҳис қилиш. Атроф-муҳит тўғрисидаги инсоннинг тасаввурлари. Шу тасаввурларига қараб ўёки бу мақсадларни белгилайди ва мавжудлигини таъминлашга интилади. Агар инсон шу одатий ва табиий инстинктларидан фарқли ўлароқ “мен ҳаётимни ўзгартиришим керак”, деган тушунчага келса, бу мафкурадан далолат беради. Бурч ва масъулиятни англаш мафкурани яратади. Келажак авлод учун озод ва обод ватан қолдиришни англаш – бу мафкура орқали рўёбга чиқарилади.

Ҳар қандай таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Дунёқарашнинг негизини ва муайян ишонч-эътиқоднинг асосини ҳам ғоя ташкил этади. Миллат ва давлатнинг манфаат ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади. Қандай жамият қурмокчи экани, бунга қандай йўллар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафкурасини ташкил этади.

НЕГА БОШҚАРУВ МАФКУРАСИ КЕРАК?

Бошқарув мафкураси ривожланган жамоада ходимлар нафақат пул учун балки, ғоя учун ишлайдилар. Одамларга мазмун керак. Маълумки, меҳнат факат манбаатдорликка асосланса, унинг мазмuni бўлмайди ва у инсонга ҳеч қандай озука бермайди. Инсон ҳаётидан доимо мазмун-моҳият излайди ва ўз руҳияти эҳтиёжларини қондириш воситаларига интилади. Бу инсоннинг табиати! Шунинг учун меҳнат туридан қатъий назар, агар фаолият нафақат даромадга, яна руҳий қаноатланишга хизмат қиласа, бу инсон ҳаётининг мазмунини ташкил қиласи. Меҳнат фаолиятининг мазмуни – ишга бўлган фидойиликнинг гарови! Шундай экан, инсон моддий ва маънавий олам

уйғунлигининг ҳосиласи. Шулардан қайсиdir жиҳат ҳисобга олинмаса, ходимдан бунёдкорлик, ташаббус, яратувчанлик, айниқса садоқатни кутиб бўлмайди.

Бугун аксарият раҳбарлар, ходим мутахассислар ҳамда тадбиркорлар жамоанинг пухта ишлаб чиқилган мафкураси, барқарор иқтисодий самарадорликнинг гарови бўлиб хизмат қилишига қўпроқ амин бўлмоқдалар. Шундай экан, жамоа мафкураси нима?

Биринчидан, жамоа мафкураси самарали иш фаолиятини ташкил этишга қаратилган ғоялар мажмуи. Ташкилот миссияси, тамоиллари, қадриятлари, истиқбол мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган қарашлар тизими. Жамоа концепцияси – мафкуранинг асосини ташкил қиласи. Мафкура идеаллар бор жойда шаклланади. Идеалларнинг мавжудлиги бошқарувнинг самарадорлиги билан таъминланади. Мафкуравий рағбатларсиз ишлаш мумкин, аммо жиддий натижаларга эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, жамоа мафкурасига ташкилот низом-қоидалари (стратегия, операцион режалар, бўйруқлар, фармойиш, баҳолаш мезонлари, шунга мувофиқ ҳисобот, тадбирлар режаси) жамламаси киради. Концепция амалга оширилишга қаратилган ғоялар тизимини шакллантиради. Яъни, мафкуранинг амалиётга кўчиб ўтиш тажрибасини оммалаштиради.

Учинчидан, жамоа мафкураси – жалб этилган ходимларнинг эмоционал даражаси, ҳолати, корпоратив мақсадларга содиқлиги, ўрнатилган тартиб-нормаларга муносабати, бир сўз билан айтганда компаниянинг руҳиятини ифода қиласи. Руҳият баланд бўлса, натижалар юксак бўлади.

Сир эмаски, кўпчилик учун мафкура – бу факат куруқ сўзлардан иборат, деб қараш шаклланиб қолган. Албатта бунинг ҳам ўзига хос тарихий ва объектив сабаблари бор. Субъектив сабаби корпоратив бошқарув моҳияти ходимнинг фаолият мазмунини ташкил қиласи. Афсуски, бошқарувдаги маъмурий ёндашувлар ўз яшовчанлигини сақлаб келмоқда. У нафақат бошқарув механизмларида, балки инсон онгидаги ҳам турғунликнинг омили бўлиб турибди. Сиёсий ва иқтисодий жараёнлар даъвати эса янги ижтимоий, муносабатларни талаб қиляпти. Бу муносабатлар ха-

ли-ҳамон шаклланиши қийин кечәётган бозор иқтисоди, инновацион ғоялар, ИТ технологиялар ва креатив даврбоп кадрларни талаб қилмоқда. Шундай экан, ижтимоий қонуниятлар моҳиятига зид ҳаракатлар ижтимоий тараққиёт имкониятларини бермайди.

ЖАМОА МАФКУРАСИННИГ МАҚСАДИ

- жамоанинг стратегик мақсадларини ишлаб чиқиши;
- корпоратив манфаатлар элементларини асослаши;
- реал истиқбол тасаввурларни шакллантириш;
- жамоада хулқ-атвор ва рағбатлантириш омиллари асосланиш;
- функционал вазифалар тақсимотини белгилаш;
- ташки мухитда компания қиёфасини ифода этиши.

Бугунги шароитда мазкур расмиятчиликдан ҳоли бўлган компаниянинг реал ва амалий мафкурасини қандай қилиб ташкил қилса бўлади? Ходимлар меҳнат фаолияти самардорлигини кўтаришга, уларда ишонч ва умид туйғуларини ўстириш, салоҳиятларидан унумли фойдаланиш, эзгу ва бунёдкор мақсадларга сафарбар қилиш, фидойилик ва садоқат фазилатларини шакллантириш борасида қандай амалиётларни жорий этиш билан эришса бўлади?

БОШҚАРУВ МАФКУРАСИ

Бошқарув мафкураси ташкил топиш ва ривожланиш қонуниятларига эга. Унинг ҳар бир элемент ва босқичларга амал қилиши билан яхлит мафкуравий бошқарув вужудга келади. Жумладан, бошқариш мафкурасининг куйидаги босқич ва қоидалари мавжуд.

- Биринчи босқич, маънавий мезонлар:
- мақсадли ходимларни мақсад билан танлаш;
- ходимларнинг компания идеалларига содиқлигини таъминлаш;
- маънавий ва касбий мукаммалликка интилиш;
- мутахассис ва шахс салоҳиятига ҳурмат кўрсатиш;
- индивидуал ташаббусларни қўллаб-куватлаш;

- корпоратив маданиятга амал қилиш;
- консенсус асосида қарорлар қабул қилиш;
- ходимлар фаолиятини индивидуал баҳолаш.

- Иккинчи босқич, ташкилий мезонлар:
 - мақсадли ва манзилли қарорлар қабул қилиш тизимини шакллантириш;
 - жамоа стратегиясини ривожлантиришнинг аниқ тактикасини ишлаб чиқиш;
 - кадрлар фаолиятини ташкил этишда мустақил масъулиятини ошириш;
 - салоҳият ва ташаббусларни қўллаб-куватлаш механизмини ишлаб чиқиш;
 - бошқарувнинг коллегиал асосларини ташкил этиш.

МАФКУРАНИНГ АМАЛИЙЛИГИНИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАШ МУМКИН?

Мафкуранинг мазмуни – бу нафақат чироили ва танланган иборалар, балки инсон қалбига яқин бўлган руҳий даъват. Мафкуранинг мазмуни тамойиллар, қадриятлар, мақсад ва вазифаларни шакллантириш орқали вужудга келади. Мафкура мазмун ва шаклнинг уйғулиги. Таъкидлаб ўтганимиздек, жамоа мафкураси ташкилот таркибини, миссиясини, тамойиллари, брендни, қадриятларини ўзида мужассам этади.

- 1) Таркиб: – янги авлоднинг танловидан (карашларидан) иборат бўлади.
- 2) Миссия: “Ўзбекистонни юксалтириш, барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш”, “ривожланиш, дахлдорлик, кафолатлилик, шерикчилик, Ўзбекистон истиқболи”.
- 3) Ташкилот бренд: “Ривожланиш имконияти”, “Одамларни тараққиёт сари руҳлантириб, биз муносиб келажак барпо этишга ишонамиз”, “Инвестиция, инновация, технология – фаолият мезонимиз!” каби шиорлар муваффакиятга рағбатлантириш, ишонч, шиҷоат, ташаббусни рағбатлантиради.
- 4) Қадриятлар: ходимнинг инсоний ва касбий салоҳиятларини хисобга олиш амалиёти каби ҳаётий амаллар мафкуравий мазмуннинг асосини ташкил этади.

ЖАМОА МАФКУРАСИ ХОДИМЛАРГА ҚАНДАЙ ЕТКАЗИЛАДИ? Даставвал, раҳбаријатнинг ибрати, ўқув

орқали янги ғояларнинг етказилиши, норматив-меърий хужжатларнинг мақсадларга мувофиқлиги, устоз-шогирд анъаналари, инновацион ёндашувлар, уларни бошқарувнинг барча бўғинларига жорий этилиши, рағбатлантирувчи тизимнинг жорий этилиши лозим. Бундан ташқари тарғибот ва ташвиқот, рекламага аҳамият қаратиш орқали ташкилотнинг стратегияси ифода қилинади ва жамоанинг умумий манфаатдорлиги шакллантирилади. Буларнинг барчаси мафкурани ифода этиш воситаси, айни пайтда, бошқарув бўлиб хизмат қилади. Воситаларнинг узвийлигини таъминлаш натижавийликнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

ЖАМОАНИНГ МАФКУРАВИЙ ФУНКЦИЯСИ:

Сафарбарлик – ғояларнинг универсаллиги орқали жамоа бирлиги вужудга келади ва гурӯҳ аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга (ёки ҳаракатсизлик) ундейди;

Аксиологик ёндашув – ижтимоий аҳамиятга молик характердаги қадриятларни шакллантириш ва жорий этиш;

Башорат қилиш – истиқбол мақсаднинг идеал шаклини ишлаб чиқиши талаб қиласди ва у келажакда нима бўлиши мумкинлиги эмас, балки нима бўлиши кераклигини англатади;

Норматив ёндашув – хулқ-атвор, идрок, фикрлаш, муносабатлар ва бошқаларни тартибга солища қоидаларни жорий этиш;

Ўзини ўзи идентификация қилиш – гурӯҳ аъзолари фаолият мезонларини ишлаб чиқиши ва таъминлаш имконияти. Ҳар бир киши жамоада ўз ўрни ва ролини англаши учун шароитларни шакллантириш.

Мафкуравий таъсир кўрсатиш усуllibari (техникалар, дастурий, норматив усуllibar, воситалар ва бошқалар) бу функцияларнинг бажарилиши ва мақсадга эришишини аниқ белгилаб берадиган воситалардир. Уларни куйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

- ғояларни таклиф қилиш (ташвиқот, ишонтириш, тушунтириш ва бошқалар);

- муайян ғояларни идрок этиш (риоя қилиш) учун ташкилий мажбурлаш, рағбатлантириш ва чеклашлар, жазолар ва мукофотлар тизими;

- кадрларни танлаш, мафкуравий мезонлар

асосида ходимларни ёллаш, ишдан бўшатиш ва карьерасини белгилаш, бошқа жойга кўчириш;

- кадрларни танлаш, улар билан ишлаш (таълим орқали барқарор мафкуравий ғояларни ишлаб чиқиш;

- шахсий ривожланиш учун шарт-шароитларни яратиш.

Шундай қилиб, биз мафкуравий таъсир усуllibari тизимини қоида тариқасида ҳар бир жамоа учун зарур деган хulosага келишимиз мумкин. Усуllibарни танлаш кўп жиҳатдан жамоанинг ўзига хос хусусияти ва вазияти билан белгиланади. Шу билан бирга, уларни кўллаш ушбу тузилишдаги бошқарув услуби ва хусусиятларига мос бўлиши, жамоанинг рад этилишига сабаб бўлмаслиги, бошқа ташкилий жараёнларни амалга ошириш учун шароит ва имкониятларни бузмаслиги керак.

Жамоа мафкураси элементлари:

- жамоа миссияси;
- жамоа бошқаруви;
- жамоа фалсафаси;
- ахлоқий кодекс.

Жамоанинг мафкуравий шиорлари:

- бизнинг ташкилот ўз жабҳасида етакчи;
- биз бажараётган иш жамият учун фойдали;
- жамоамизда фаолият юритаётган ходимлар бетакрор;
- бизнинг жамоа ҳар бир ходими учун қайгуради;
- жамоамизнинг ютуғи ҳар бир ходимга боғлиқ;
- жамоамиз – бу бир катта оила.

Жамоанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган қоидалар:

- аризангни ёз;
- бошинг кетади;
- қаматаман;
- пуштунгни қуритаман;
- ишдан кетасан;
- йўқ қиламан;
- кечаю-кундуз ишлайсан;
- кистангдан тўлайсан.

Ушбу оддий сўзлар ойлик оширилиши ёхуд моддий рағбатлардан кам бўлмаган ҳолатда ходимларни фаол меҳнат қилишга ундейди, жамоани маълум мақсад атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Улар ўзларини умумий



ишларга дахлдор, аҳамиятли, керакли шахс сифатида ҳис қиласидар. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай муҳитда ишга масъулиятсизлик ёки уни ташлаб кетиш каби ҳолатларга ходимлар психологияк жиҳатдан тайёр бўлмайдилар. Улар ўзларини шу катта оиланинг бир қисми сифатида тасаввур қиласидар.

Яна бир ижобий жиҳати, меҳнат самародорлиги ва натижадорлик бир қатор юқори бўлади. Шу жиҳатдан, ҳам корпоратив мафкуравий ишни ташкил қилиш иқтисодий жиҳатдан ҳам ходимларнинг инновацион ёндашуви-

ни ташкил қилишда ҳам самарали усули бўлиб ҳисобланади. Айниқса, компания учун инқизорий вазиятларни бошқариш, жамоани сафарбар қилишда, имтиёзлардан маҳрум бўлиш ҳолатларида меҳнат унумдорлигини сақлаб қолади. Шунинг учун мафкуравий иммунитетни олдиндан ходимлар онги ва шуурига сингдирилиб борилиши керак. Хулоса қилиб айтганда, жамоада бошқарув мафкурасининг мавжудлиги шу жамоанинг ривожланишига, ходимларнинг ўз меҳнатидан қониқиши хосил қилишига туртки бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

ҚОЛҚАНОВ Нуриддин
Ташпулатович,
Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ
Суд-экспертлик илмий-
тадқиқот
институти директори,
с.ф.б.ф.д., доценти

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада Ўзбекистон тараққиёти-
нинг янги босқичида инсон қадрини улуғлаш
борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳот-
лар мазмуни таҳлил этилган.

Калит сўзлар: тараққиёт, ислоҳот, фуқа-
ролик жамияти, ҳаракатлар стратегияси, сиё-
сат, инсон қадри, инсонни улуғлаш.

АННОТАЦИЯ:

В данной статье анализируется содержание последовательных реформ, осуществляемых на новом этапе развития Узбекистана в части поощрения человеческого достоинства.

Ключевые слова: развитие, реформа, гражданское общество, стратегия действий, политика, человеческое достоинство, прославление человека.

ANNOTATION:

This article analyzes the content of consistent reforms carried out at a new stage in the development of Uzbekistan in terms of promoting human dignity.

Key words: development, reform, civil society, action strategy, politics, human dignity, human glorification.

Тараққиётнинг янги босқичида хуқукий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш маърифий дунёнинг асосий мақсади бўлиб, унга эришиш давлат ва жамият бошқаруви тизимини замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмуни ва моҳиятини инобатга олган ҳолда мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада сўз юритар экан “Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-хуқукий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир” деб қайд этади.

Бугун халқимиз, Ватанимиз интилаётган миллий тараққиётнинг янги босқичига хос асосий хусусиятлар, мақсад ва вазифалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев бевосита ташаббуси ва раҳбарлигига изчил амалга оширилаётган янги Ўзбекистон стратегияси ва бошқа муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий хужжатларда аниқ белгилаб берилди. Ўзбекистонда айни шу асосда инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада либераллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир...” деб айтган фикрлари ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Бугунги кунга келиб, халқ давлат ҳокимиётининг бирдан-бир манбаи экани ҳақидаги Конституциявий тамойил асосида халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Мамлакатни инновацион ривожлантириш, одамларда фаол фуқаролик позицияси ва ташаббускорликни кучайтириш, мустақил дунёқараш ва фикрлаш кўнникмасини шакллантириш, жамиятда адолат устуворлигини



таъминлаш, хуқукий-демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш, коррупцияга, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бўйича муҳим вазифалар амалга оширилди.

Халқ билан мулоқот масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки халқ билан мулоқот – давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ифода этади. Халқ билан мулоқот турли даврларда турлича кечган. Агар Соҳибқирон Амир Темур даврида арз қилиб келган одамлар орқали ҳолат ўрганиб борилган бўлса, айrim ҳукмдорлар одамларнинг турмуш шароити ва муаммоларини ўрганиш учун либос ва қиёфаларини ўзgartириб, тунда шаҳар ва қишлоқларни кезишган. Бир сўз билан айтганда, миллий тарихимизда халқ билан мулоқот аниқ бир тартиб ёки қонун-коидалар асосида эмас, балки ҳар бир ҳукмдорнинг шахсий рағбати, хоҳиши доирасида амалга оширилган. Ҳозирги вақтда халқ билан мулоқот Ватанимизда маҳсус ишлаб чиқилган тизимли фаолият сифатида йўлга қўйилди. Жамият ҳаётининг барча бўғинларида халқ билан мулоқотнинг турли шакл ва воситалари, жумладан, Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхоналар, Бош вазир қабулхонаси, масъул ва мутасадди раҳбарларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги ҳисоботлари, сайёр қабуллар, ижтимоий муаммоларни, одамларнинг яшаш шароитларини бевосита жойларга чиқиб ўрганиш каби усуслар кенг қўлланаётгани миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш орқали миллий ғоя тамойилларини такомиллаштиришга, пи-ровард натижада аҳоли манфаатлари ва фаронлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Халқ билан мулоқот нафақат одамларни тинглаш, балки уларнинг таклиф ва тавсиялари асосида мамлакатимизни янада ривож-

лантириш имкониятларини кенгайтиришни ҳам назарда тутади. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унугиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолияти мизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди”. Бугунги кунда халқ қабулхоналарининг барча худудларда иш бошлагани, халқ билан кенг миқёсда мулоқот олиб борилаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошкоралигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, бозор муносабатларига тўлиқ ўтиш, хусусий мулк, хусусий тадбиркорлик эркинлигига янада кенг йўл очиш, барча соҳаларда давлат-хусусий шериклик муносабатларини фаол қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда. Еrosti ва ерусти бойликларидан, инсон ресурсларидан тўла фойдаланиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичида фуқаролар қалби ва онгидаги янги сифат ўзга-

ришлари ҳаёт даражасининг юқсалиши билан уйғун ҳолда кечмоқда.

Ўзбекистон фуқароларининг хукуқ ва манфаатларини улар дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, давлат томонидан ишончли ҳимоя қилиш реалликка айланиб бораётгани, бу борада барча зарур механизmlар ишга солинаётгани жамият аъзоларининг ўз халқи ва Ватанидан фахрланиш туйғусини, давлатнингadolat ва конуний хукуклар кафолати сифатидаги салоҳиятига бўлган ишончини оширмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида кечаётган жадал ислоҳотлар халқнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаш, уни бунёдкорлик ишларига сафарбар қилиш, жамиятда учраётган иллатлар, хусусан, лоқайдлик, боқимандалик ва коррупция каби ҳолатларга қарши фаол курашишга даъват этмоқда. Жадал тараққиётга тўрт омил уйғуности асосида эришилади. Бунинг учун энг аввало, тез ривожланиш суръатларига эришишни таъминлайдиган етарли инвестицияларга эга бўлиш; иккинчидан, пухта режалаштирилган тараққиёт модели ва бу моделни узлуксиз амалга оширишга қаратилган механизм ва “йўл харитала-



ри” зарурлиги, учинчидан эса, ана шу юксак суръатларни таъминлашга қодир бўлган инсон капитали, салоҳиятли кадрлар, мутахассисларнинг бўлиши, тўртингидан эса, жадал ривожланиш моделини рўёбга чиқаришга қодир ирова, лидернинг жамиятни етакловчи кучи ва қатъий азм-у қарори такозо этилади. Мамлакатимизда ана шу омилларнинг барчаси бор.

Янги Ўзбекистоннинг сиёсий йўли сўзсиз демократия йўлидир. “Демократия” сўзи “халқ ҳокимияти” деган маънони англатади. Айнан фуқаролик жамияти инсонга у ҳокимият эгаси, ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи эканини ҳис қилиш имконини беради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда бир неча бор таъкидламоқда ва ўз ҳаракатлари билан жамиятимизни тўғридан-тўғри ҳақиқий халқ ҳокимиятчилиги тизимига йўналтироғмоқда. “Фуқаролик жамияти барпо этиш, юртдошларимизнинг эркинлик ва ташаббусларини, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш келгусида ҳам Ўзбекистон сиёсий тизимини ривожлантиришнинг мухим йўналиши бўлиб қолади”. Бу тизим барча фуқаролар, уларнинг турли даражадаги депутатлардан иборат қонуний вакиллари давлат органлари фаолияти устидан самарали назоратни амалга ошириши, керак бўлса, бошқарувга одамларни ташвишга solaётган энг долзарб муаммоларни ҳал этиш мақсад қилинган тузатишлар киритиш имконини беради.

Маълумки, халқ вакили сифатида парламентнинг ўрни, нуфузи, ваколатлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Негаки, парламент халқнинг ишончи асосида фаолият олиб бо-

рувчи, уларнинг ҳукуқ ва манфаатларини қабул қилган қонунлар асосида ҳимояловчи алоҳида ҳокимият тармоғидир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам Олий Мажлис палаталарининг ролини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”. “Халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади”, “Адолат – қонун устуворлигига”, “Маънавият бўлмаган жойда хеч қачон адолат бўлмайди!”, “Инсонларнинг дард-у ташвишларини ўйлаб яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир” сингари тамойиллар ҳаётга жорий қилинмоқда. Бу эса тараққиётнинг янги босқичида халқ билан мулоқот тизимињинг янада самарали ишлашига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган демократик ислоҳотлар ортга қайтмайдиган муқаррар тус олгани халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига эртанги кунга мустаҳкам ишонч уйғотмоқда. Шунингдек, инсон қадрини улуғлаш, ҳар кимнинг ҳукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланди.

Адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 декабрь.
4. Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari. – Т.: Yoshlar nashriyot uyi, 2019.

РЕФЕРЕНДУМНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

ФАРМАНОВ Зафар Низомович,
Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги масъул ходими

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада референдумнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, ушбу ўзгартиришларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш ва мамлакатимизнинг ҳалқаро майдондаги мавқейини янада мустаҳкамлашдаги ўзига хос жиҳатлари ёритилади.

Калит сўзлар: конституция, қонун, сайлов, референдум, Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари ваколатлари, кузатувчиликар хукуклари.

АННОТАЦИЯ:

В данной статье описаны роль и значение референдума в жизни общества, изменения и дополнения в Закон «О референдуме Республики Узбекистан», конкретные аспекты этих изменений в повышении эффективности проводимых реформ и дальнейшего укрепления позиций нашей страны на международной арене.

Ключевые слова: конституция, закон, выборы, референдум, Центральная избирательная комиссия, полномочия избирательных комиссий, права наблюдателей.

ANNOTATION:

This article describes the role and importance of the referendum in the life of society, the changes and additions to the Law “On the Referendum of the Republic of Uzbekistan”, the specific aspects of these changes in improving the effectiveness of the reforms implemented in our country and further strengthening the position of our country in the international arena.

Key words: constitution, law, election, referendum, Central election commission, powers of election commissions, rights of observers.

Референдумнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирилганда, аввало, референдумнинг ўзи нима ва нима учун керак деган ҳақли савол туғилиши табиий.

РЕФЕРЕНДУМ (лот. *referendum* – билдирилиши керак бўлган, хабар берилиши, маълум қилиниши зарур бўлган нарса) – умумхалқ овоз бериш йўли билан қонунлар қабул қилиш ва давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилиш шаклидир. Референдум бевосита демократиянинг муҳим воситаси ҳамдир. Референдумнинг сайловлардан асосий фарқи шундаки, референдум ўтказилаётганда бирон-бир лавозимга номзод ёки номзодлар рўйхати учун овоз берилмайди, балки унда муайян масала – қонун, қонун лойиҳаси, конституция, конституцияга тузатишлар, мамлакатнинг ҳалқаро мақомига таалуқли ёки ички сиёсатига оид бирон-бир савол қўйилади. Сайлов натижалари мажоритар тизим бўйича ҳам, пропорционал тизим бўйича ҳам аниқланиши мумкин бўлса, референдум натижалари фақат мажоритаризм (мутлақ кўпчилик овозини ҳисоблаш) тамоиллари асосидагина аниқланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида референдумнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилганда, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Конун (дастлаб 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган, 2001 йил 30 августда янги таҳрирда қабул қилинган)га кўра, Ўзбекистон Республикасининг референдуми Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларини қабул қилиш максадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўтказилади. Референдумни ўтказиш ташабbusи билан: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси; Ўзбекистон Республикаси Президенти чиқиши мумкин. Референдумда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган (18 ёшга тўлган) Ўзбекистон фуқаролари умумий сонининг камида 5 фоизини ташкил этган фуқаролар имзоси тўпланган

(бунда имзо чеккан фуқаролар микдори ҳар бир маъмурий-худудий тузилма бўйича бир текис ва мутаносиб равишда тақсимланган) бўлса; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аъзоларининг учдан икки қисми-нинг овози билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асослантирилган талаби билан референдум ўтказилиши мумкин.

Куйидаги масалалар референдум предмети бўлиши мумкин эмас: Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ўзгартириш; Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва солиқлар; амнистия ва афв этиш; жамоат тартибини, аҳоли соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилинч чора-тадбирлар ўтказиш; Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш; мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш.

Референдум яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта 1991 йил 29 декабрда референдум ўтказилган. Бу референдумда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августдаги Конституциявий қонуни тўғри қабул қилинганлигини Ўзбекистон ҳалқи бир овоздан маъқуллаган. 2002 йил 27 январда Ўзбекистон Республикасида 2 палаталик парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат мuddатини 5 йилдан 7 йилга ўзгартиришга бағишлиланган референдум бўлиб ўтди. Бу референдумлар Ўзбекистонда демократия мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади.

Хукукий жиҳатдан референдум қонунчиликнинг нафақат вакиллик органига, балки бевосита ҳалққа тегишли эканлигини билдиради. Референдумлар мавжуд бўлганда, қонунчилик парламентнинг мутлақ ваколати сифатида қаралиши мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, қонун ижодкорлиги фаолияти нафақат парламент томонидан, балки бевосита ҳалқнинг ўзи томонидан референдум орқали амалга оширилади, деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Референдум институтининг ривожланиши нафақат катта назарий аҳамиятга эга, балки

ҳақиқатда демократия имкониятларини кенгайтиради, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлайди, унинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Бу замонавий давлатчиликнинг шаклланиши ва янада ривожланиши учун ниҳоятда муҳим. Буни тушунса бўлади, чунки конституциявий таъсисчиликка кўра, референдум институти сайловлар билан бир қаторда фундаментал демократик ютуқ сифатида халқ ҳокимиятини ифодалашнинг энг олий шакли ҳисобланади.

Референдумнинг замонавий демократия институтлари тизимидағи ҳал қилувчи роли ва аҳамияти қуидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, референдум орқали халқ бевосита олий қонун чиқарувчи сифатида иш олиб боради, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун умумий мажбурий бўлган энг муҳим ҳуқуқий хужжатларни қабул қиласи. Тўғридан-тўғри ҳалқ қонун ижодкорлиги халқ суверенитети тамойилидан келиб чиқади.

Иккинчидан, референдумлар халқнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга хизмат қиласи. Қонунлар нафакат иқтисодий тараққиётнинг долзарб эҳтиёжларини акс эттириши, балки фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий қарашлари ва эътиқодларига ҳам мос келиши керак. Оммавий овоз бериш йўли билан қабул қилинган қонунлар жамиятнинг сиёсий етуклиги ва маданияти даражасини тўлиқроқ акс эттиради.

Учинчидан, референдумлар жамоатчилик фикрини ифода этиш ва ривожлантиришнинг муҳим шаклларидан биридир. Муайян қонун лойиҳаси атрофида шаклланган ижобий жамоатчилик фикри норматив-ҳуқуқий хужжатга юксак обрў-эътибор беради, унинг фуқаролар томонидан ихтиёрий ва вижданан бажарилиши учун маънавий рағбат ва кафолатлар яратади.

Тўртинчидан, референдумлар халқнинг ижтимоий вазифаси – юқори ва маҳаллий вакиллик органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, депутатларнинг сайловчилар олдидағи масъулиятини оширишга хизмат қиласи. Референдумлар қонун лойиҳаларига императив жамоатчилик баҳосини берганлиги сабабли, бу давлат

қимияти ва бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини қонун ижодкорлиги ва норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга мажбур қиласи.

Бешинчидан, референдум институти одамларнинг давлат ва жамият ишларига қизиқишини оширишга, фуқароларнинг давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига таъсири ва таъсирини кучайтиришга хизмат қиласи, чунки бу масалалар, биринчи навбатда, халқ овози бўлади.

Қонунчилик фаолияти соҳасида вакиллик органлари муҳим ҳуқуқларни сақлаб қоладилар. Хусусан, референдум ўтказиш тўғрисидаги карор, референдумга киритилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, умумхалқ овоз бериш йўли билан қабул қилинган қонунларни эълон қилиш, қонунлар ижросини назорат қилиш ва бошқа бир қатор ваколатлар тўлиқ парламентга тегишли. Энг муҳими, референдум вакиллик органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятини истисно этмайди.

Референдумга аник баҳо бериш жуда кийин. Бу институтнинг демократик ёки реакцион бўлиши кўп жиҳатдан референдум ўтказилаётган реал сиёсий шароитга боғлиқ. Турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг референдумга қарама-карши ва баъзан вазмин муносабатда бўлишининг сабаблари жамиятда референдум бекарорлаштирувчи омил бўлиб, жамиятнинг турли қатламларини бир-бирига қарама-карши қўйишга хизмат қиласи, деган ўрнатилган фикрда кўринади; профессионал сиёсат билан ҳаваскорлар эмас, сиёсатчilar шуғулланиши керак, деган фикрда; вакиллик демократияси институтларининг тўғридан-тўғри демократия институтларига нисбатан устуворликлари ҳақидаги ғояларда ва бошқалар.

Жамият турли қатламларининг референдумга жуда ноаниқ ва қарама-карши муносабати сабабларини таҳлил қилиш сиёсий тизимда референдумлар самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омилларни ишончли аниқлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2022 йил 16 июнда, 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш тасдиқланди. Ҳужжат Қонунчилик палатасида 11 июнь куни қабул қилиниб, 13

июнь куни Сенат томонидан маъқулланган эди.

Ушбу киритилган ўзгартиришларга кўра, мазкур Қонунга сайлов комиссиялари ваколатларини ўзгартириш, кузатувчилар хукуқларини кенгайтириш ва бошқаларни назарда тутувчи қўшимчалар киритилди. Шунингдек, референдумда қабул қилинган қарорларни факат референдумда бекор қилиш талабига истисно киритилди.

Хусусан, Қонуннинг 1-моддасига киритилган ўзгартиришларга асосан, эндиликда референдумда қабул қилинган қарорлар, agar референдумда қабул қилинган қарорларда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса (бундан олдин факат референдум йўли билан эди) бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Мазкур Қонуннинг 8-моддасига киритилган ўзгартиришлар эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда сиёсий партиялар, фуқаролар ташаббускор гурухларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар билан бир қаторда қатнашиш хукуқини берди.

Манбаатдор ташкилотлар, фуқаролар ташаббускор гурухлари ўз кузатувчилари тўғрисида округ комиссияларига референдум ўтка-

зилишига кечи билан 10 кун қолганида (аввал 15 кун эди) маълум қиласидар.

Қонуннинг 9-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, эндиликда кузатувчиларга, жумладан, яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналарининг жойлаштирилишини, шунингдек, фуқароларнинг рўйхатга олинини кузатиш имкони берилади.

Шунингдек, мазкур модда кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши ҳакида референдум ўтказувчи участка комиссиясини камида уч кун олдин хабардор қилиши кераклигини ифода этувчи қўшимча банд билан тўлдирилди.

Қонуннинг 18-моддаси (Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари) аввал МСКнинг референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилини ҳам кўзда тутар эди. Энди эса комиссия овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласиди, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно.



МСКнинг ушбу қонун билан тартибга солинмаган бошқа ваколатлари сайлов тўғрисидаги бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон килинганидан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан 10 қундан кечикмай камида 8–18 нафар (аввал 9 нафар эди) комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади. Референдум ўтказувчи округ комиссиясининг раиси, раис ўринбосари ва котиби комиссия мажлисида унинг аъзолари орасидан сайланади.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари аъзолигига номзодлар халқ депутатлари кенгашлари мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин етти кундан кечикмай МСК томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Қонуннинг 23-моддасига киритилган ўзгартишларга кўра, сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларининг ярмидан

кўпини бир ташкилотда ишлайдиган шахслар ташкил этадиган бўлса, улар ушбу комиссия таркибида тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касахоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган референдум ўтказувчи участка комиссиялари мустасно.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ти Қонунга киритилган ўзгартишлар нафакат юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги оширишга, балки мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқейини янада мустаҳкамлашга ҳам катта ёрдам бериши шубҳасиз. Шунингдек, ҳар кандай мамлакатда референдум ўз моҳиятига кўра ўта муҳим демократик институт сифатида аҳолининг кенг қатлами томонидан тўғри тушунилса ва қўллаб-кувватлансагина самарали бўлади деб ўйлайман. Ушбу йўналишда барча давлат органлари ва ташкилотлар ўзаро фаол ҳамкорлик қилиши ва фикр алмашиши келгусида қабул қилинадиган қонун ва қарорларнинг сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
2. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ти Қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й.
3. <https://constitution.uz/uz/clause/index>.
4. <https://saylov.uz/uploads>
5. <https://parliament.gov.uz>

СУД ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ СҮНГГИ ИСЛОХОТЛАР

Суд ва ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг суд экспертиза хulosаларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳамда уларга янада қулайлик яратиш мақсадида Президентимизнинг 2021 йил 5 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6256-сон Фармонига асосан қабул қилинган Ҳукуматимизнинг 2022 йил 10 январдаги 11-сон қарори билан 2022 йил 8 июль куни X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Самарқанд вилояти бўлими замонавий имкониятларга эга бино билан таъминланди. Шунингдек, Марказнинг Самарқанд вилояти бўлимида илк маротаба Одам ДНКси суд биологик экспертизаси ва Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораториялари ташкил этилди. Қуйида ушбу бинонинг ва янги ташкил этилган лабораторияларнинг фойдаланишга топширилиши жараёнидан фотолавҳалар берилган.







